

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

«Адабиётшунослик асослари»

фанидан маърузалар матни

Кафедра: Хозирги узбек адабиёти

Тузувчи-муаллиф:

пед.фак. доктори Бобоев Т.Б.

Тошкент-2000

СУЗ БОШИ

«Адабиётшунослик асослари» («Адабиётшуносликка кириш») курси адабиётшунослик ва унинг таркибий қисмлари ҳақида умумий маълумот берувчи

«Мукаддима» I дан ташкари турт булимдан таркиб топади. Биринчи булим «Бадиий адабиёт хакида таълимот» деб номланган булиб, бунда «Хаёт ва адабиёт», «Бадиий образ», «Бадиий адабиётда типиклаштириш», «Бадиий адабиётда дунёкараш, гоъвийлик, халкчиллик, миллийлик ва умуминсонийлик» мавзуларини урганиш назарда тутилади. «Бадиий асар хакида таълимот» номли иккинчи булим «Бадиий асар мазмуни ва шакли мутаносибли», «Бадиий асар мавзуи ва гоъси», «Бадиий сюжет», «Бадиий асар композицияси», «Бадиий тил» мавзуларини уз ичига олади. Курснинг «Шеър илми таълими» номли учинчи булими «Шеър тузилиши асослари» (Бармок тизими), «Аруз тизими», «Кофия сабоклари, «Поэтик кучимлар», «Бадиий санъатлар», «Поэтик синтаксис» мавзуларидан иборат. Нихоят курснинг туртинчи булими «Адабий жараён» деб номланиб, бунда «Адабий турлар ва жанрлар», «Ижодий метод, адабий оким ва ёзувчи услуги» мавзулари урганилади.

УМУМИЙ АДАБИЁТ

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият - Т. Узбекистон , 1994.
2. Аристотель. Поэтика (поэзия санъати хакида) - Т.: Адабиёт ва санъат. 1980.
3. Ибн Сино Абу Али. Шеър санъати. Саломон ва Ибсол - Т.: Адабиёт ва санъат. 1980.
4. Фаробий Абу Наср, Шеър санъати. -Т. Адабиёт ва санъат , 1979.

5. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон (нашрга тайёрловчи : Иззат Султон) Асарлар (ун беш томлик). 14-т. Т. Бадиий адабиёт. 1967.
6. Гегель Г.В.Ф. Эстетика (в 4-х томах). - М.: Искусство, т.1.1968; Т.2, 1969; Т.3, 1971; т.4. 1973.
7. Белинский В.Г. Танланган асарлар.- Т. Уздавнашр, 1955.
8. Белинский В.Г. Адабий орзулар.-Т.: Адабитёт ва санъат, 1977
9. Буало Н. Шеърий санъат.-:Адабиёт ва санъат. 1978.
10. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества.-М.: Искусство, 1979.
11. Чернышевский Н.Г. Танланган адабий- танкидий маколалар.-: Уздавнашр. 1956.
12. Добролюбов.Н.А Адабий- танкидий маколалар.- Т.:Узадабийнашр 1959.
- 13.Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. М: 1978.
- 14.Бадиий ижод хакида (ёзувчиларнинг бадиий ижод хакидаги маколалари ва нутклари туплами).Т: Узадабийнашр. 1960.
15. Вохидов Э. Шоиру шеъру шуур.- Т.: Ёш гвардия. 1987.
- 16.Мухтор А. Ёш дустларимга.Т.: Ёш гвардия. 1971.
- 17.Норматов У. Талант тарбияси. -Т.: Ёш гвардия . 1980.
- 18.Орипов А. Эhtiёж фарзанди. - Ёш гвардия, 1988.
19. Чулпон. Адабиёт надир.- Т.: Чулпон, 1994.
20. Шукрулло. Жавохир сандиги.- Т.: Ёш гвардия. 1968.
21. Каххор А. Ёшлар билан сухбат-Т.: Ёш гвардия, 1968.
22. Кодиров П. Уйлар бадиалар.-Т.: Адабиёт ва санъант, 1971.
23. Хошимов У. Нотаниш орол.- Т. : Ёш гвардия. 1990.

XXX

1. Фитрат А. Адабиёт коидалари.- Т.: Укитувчи. 1995.
2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. - Т.: Укитувчи, 1980 (1986)
3. Адабиётшуносликка кириш (Н. Хотамов, Ш. Холматов, М. Махмудов).-Т: Укитувчи. 1984.
4. Хотамов Н.,Саримсоков Б. Абадиётшунослик терминларининг русча- узбекча изохли лугати.-Т: Укитувчи. 1979.
5. Ходимий Х. Абдуллаева Ш.,Иброхимова С. Адбиётшунослик терминлари лугати (иккинчи нашри). - Т. : Укитувчи. 1970.
6. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Т.: Укитувчи . 1995.
7. Кушжонов М. Бадиият конуниятлари. \\ Сайланма (икки томлик). 2-т.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.-б.136-286.
8. Рустамов А. Аруз хакида сухбатлар. -Т.: Фан. 1972.
9. Рустамов А. Кофия нима?-Т.:

кисм.Т.: РУММ, 1992.
10. *****

***** кИСМ.Т.:
РУММ, 1992.

11. *****

***** кИСМ.Т.: РУММ, 1992.

12. *****

***** кИСМ.Т.: РУММ, 1992.

13. *****

***** кИСМ.Т.: РУММ, 1992.

14. *****

*****ари.

*****ари.

*****ари.

*****ари.

*****ари.

*****ари.

*****ари.

*****ари.

****ари.

**ари.

*ари.

ари.

*****а

ри.

*****ар

и.

*****ари.

*****ари.

*****ари.

*****ар
и.

1. *****

*****ари.

*****ари.

***ари.

*****ари.

2. Адабиётшунослик фанлари хақида маълумот:

а) асосий фанлар - адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид;

б) ёрдамчи фанлар - адабиётшунослик историографияси (манбашуносли), текстология (матншуносли), адабиёт библиографияси.

3. Адабиётшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан узвий боғликлиги.

4. «Адабиётшунослик асослари курсининг тузилиши, мазмуни ва вазифалари.

Адабиёт:

Зарурий адабиёт:

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т.: Укитувчи. 1986.
2. Адабиётшуносликка кириш (Шукуров Н. ва бошқалар). -Т: Укитувчи, 1984-б.3-32.

Кушимча адабиёт:

1. Белинский В.Г. Танланган асарлар.-Т.: Уздавнашр, 1955-б.214-321.
2. Каюмов А.П. Узбек адабий манбашунослиги \ \ Узбек тили ва адабиёти, 1987-!5, б.18-21
3. Валихужаев Б. Узбек адабиётшунослиги тарихи-Т.: Узбекистон, 1993.
4. Мамажонов С. Адабий жараён ва адабиётшунослик\ \ Узбек тили ва адабиёти, 1972.-№4,-б.3-8.

1.АДАБИЁТШУНОСЛИК-БАДИИЙ АДАБИЁТ ХАКИДАГИ ФАН

Студент аввало шунга эътибор бериши керакки, адабиётшунослик бадий адабиёт хакида бахс юритувчи фандир. Адабиётшунослик бадий адабиётни урганиш билан шугулланар экан, биз дастлаб адабиётнинг узи нима деган саволга жавоб топишимиз , «адабиёт» терминининг мазмуни, мохияти ва тарихини билиб олишимиз зарур.

а) «Адабиёт» атамасининг мазмуни ва тарихи:

«Адабиёт» термини этимология жахатидан арабча -адаб сузининг куплик шакли (хозирги узбек тилида - одоблар) дан олинган. «Адабиёт» термини хозирги пайтда икки маънода, яъни кенг ва тор маънода кулланилади. Кенг маънода кулланилганда «адабиёт» термини тушунчаси доирасига- китоблар, брошюралар, маколалар, умуман, купчиликнинг укиш учун мулжаллаб ва нашр килинган (босмахона кашф этилишидан аввалги даврда кулёзма китоб холида таркалган) барча асарлар киреди. Адабиёт айни чоғда сохаларга булинади ва турли номлар билан аталади. Чунончи, кишлок хужалигига оид асарлар- «кишлок хужалиги адабиёти», техника оид асарлар - «техника адабиёти», тиббиётга оид асарлар - «тиббиёт адабиёти», сиёсатга доир асарлар- «сиёсий адабиёт», суз санъатига оид асарлар - «бадий адабиёт» деб юритилади ва хоказо. «Адабиёт» атамасини тор, махсус ва профессионал маънода кулланилганда- факат софбадий асарлар (романлар, повестлар, хикоялар, шеърлар, балладалар, поэмалар, касидалар, драмалар, комедиялар,

трагедиялар ва бошқалар)-гина кузда тугилади. «Адабиётшуносликка асослари курсида «адабиёт атамаси асосан профессионал маънода кулланилади.

Маълумки,хозирги пайтда жахоннинг бир неча халқлари тилларида, жумладан рус тилида litteratura («Литература») термини, узбек тилида эса «адабиёт» атамаси кулланилади. Бу иккала атама хозирги даврда бир маънони англатади. Бирок, бу икки термин этимология жихатидан ҳам, кулланила бошлаш тарихи эътибори билан ҳам бир-биридан ажралиб туради. «Литература» термини жахон фанида ХУ111-Х1Х асрларда пайдо булган. Бу термин аслда латинча litera («литера»), яъни «харф» сузидан олинган ва асосан ёзма адабиёт маъносида кулланилган. «Литература» (Адабиёт») термини Россияда Х1Х асрда пайдо булди. Бу термини биринчи булиб илмий асослаган ва махсус маънода куллаган олим В.Г. Белинскийдир (Каранг: «Адабиёт» сузининг умумий маъноси», 1862 йил). Россияда Х1Х асрнинг урталаригача ҳам тор ва махсус маънодаги «литература» урнида асосан « поэзия» термини ишлатилган. Махсус, тор ва профессионал маънодаги «адабиёт» атамаси узбек адабий тилида ХХ асрнинг бошларида пайдо булди ва, асосан, Октябрь тунтарилишидан сунг кенг кулланила бошланди. Узбек тилида «адабиёт» атамаси кишиларга яхши хулқ ва умуман хаётни тугри тушуниш ва тугри яшашни ургатиш максатида ёзилган асарлар маъносида кулланилган. Шунга кура , утмишда бадиий адабиёт билан бирга умуман илмий, тарихий, ахлокий китоблар ҳам «адабиёт»

атамаси тушунчаси доирасига киритилган. Урта асрларда шундай асарлар ҳам яратилганки, уларда бадий суз санъати илм-фан, ахлоқ-одоб масалалари билан чатишиб-коришиб кетган («Кобуснома», «Кутадгу билик», «Бобирнома» ва бошқалар). Шу хил асарлар ҳам «адабиёт» деб юритилган. Бундан ташқари, утмишда яратилган соф бадий асарлар («Шохнома», «Хамса» ва бошқалар) ҳам ёзилганки, булар ҳам «адабиёт» атамаси тушунчаси доирасига киритилган. Бирок, утмишда «адабиёт» термини тушунчаси мавжуд булсада шу атаманинг узи, унинг номи йук эди. Бу термин урнида турли суз ва иборалар ишлатилган. Чунончи, шеърий асарлар «назм», «манзума», «абёт», «шех» деб ва прозаик асарлар «наср» (шеърга солилмаган оддий суз) деб юритилган. Утмишда шеърий тупламлар учун махсус терминлар («Баёз», «Девон№ каби) куллагилган-У, аммо шеърий ва насрий асарларни уз ичига камраб оладиган махсус атама («Адаби1т») булмаган ёки булса ҳам одат тусига кирмаган. XX аср бошларида узбек маърифатпарварлари- Хамза Хақимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар уз бадий асарларини «Адабиёт» деб аташган. Асримизнинг 20- йилларида «Адабиёт» атамасини бадий асарларга нисбатангина ишлатиш одат тусига кирган. Мирмухсин Шермухамедов, Абдухамон Саъдий ва бошқаларнинг асарларида» «адабиёт» атамасини профессионал маънода кенг кулланила бошланган. Бирок «адабиёт» қарор топиши кескин мафкуравий кураш заминида юз берди. Узбек пуристарини (Элбек каби) 20- йилларда узбек матбуотида кенг

ишлатила бошланган «адабиёт» атамасини «ёзгич», «ёзувчи» ни «ёзгувчи» каби ясама сузлар билан алмаштиришга харакат килиб курдилар, окибатда улар маглубиятга учрадилар. Шу тарика , адабиётшунослик илмида «адабиёт» атамаси тула карор топди.

Б) Бадиий адабиёт ва уни урганишнинг ахамияти.

«Адабиёт» атамасининг мохияти ва тарихини билиб олган талаба энди бадиий адабиётнинг узи нима ва нима учун биз уни севиб урганамиз деган масала устида бош котиради. Тугри, бутун курс двомида бадиий адабиётнинг мохияти, конуниятлари ва хусусиятлари урганилади ва шу жараёнда китобхоннинг бадиий асарга булга кизикиши, эhtiёжлари ошиб бораётганлигининг сабаблари очилади. Бу уринда эса талаба бадиий адабиёт хакида ибтидоий маълумот олиши жоиздир.

Аввало шуни айтиш керакки , адабиёт санъатнинг бир тури, у- суз санъати. М. Горький айтганидек, бадиий адабиёт хаётни суз оркали бадиий тасвирлайди. Адабиётда хаётнинг мухим вокеа=ходисалари, кишиларнинг типик хислатлари акс этади, хаёт тараккиёти тенденциялари курсатилади. Шу, тарика, адабиёт турмунни урганиш куроли булади. Ёзувчи турмушни, факт ва Ходисаларни урганади ва улардан зарур хулосалар чикаради. Ана шу хулосаларини образлар воситасида уз асарида ифодалайди. Адабиётнинг жуда катга ижтимоий-тарбиявий ахамият касб этишнинг боиси шунда.

Бадиий адабиёт, айна чоғда, узгартириш куроли хамдир. Бадиий адабиёт усткурма сифатида жамият хаётига, унинг базисинга кучли таъсир этади. Буюк

ёзувчилар, одатда, жамиятнинг фикрий жихатдан олга интилишига катта ёрдам берадилар. Н.Г. Чернышевскийнинг таъкидлашича , адабиёт хаёт дарслигидир.

Бадиий адабиёт укувчининг онги-шуурига кучли таъсир этади. Биз бадиий асарда санъаткорлик билан яратилган ижобий кахрамонлардан куп нарса урганамиз, уларга таклид киламиз. Асардаги салбий образлар эса китобхон калбида узига нибатан нафрат хисларини уйготади- биз хаётда шундай кишиларнига карши курашга отланамиз. Бадиий адабиёт ана шундай килиб кишиларни тарбиялайди. Узбек адабиёти хам ана шундай шарафли ишга хизмат килмоқда.

Бадиий адабиётда яратилаётган таланти асарларнинг мохиятига тугри тушуниш ва уларга объектив бахо бериш учун, даставвал, бадиий адабиёт хакидаги фанни, яъни адабиётшуносликни билиш лозим. Акс холда киши кулгилик бир ахволга тушиб колиши хеч гап эмас. Худди шундай ходисани ёзувчи Абдулла Каххор «Хаёт ходисасидан бадиий тукимага» сарлавхали маколасида уз турмуш тажрибаси мисолида кизикарли килиб хикоя килади: «Биз одам» хикояси буйича жиноий иш кузгаган куконлик прокурор устидан ёзувчи кулади (Каранг : «Адабиётимиз автобиографияси», Адабиёт ва санъат, Т.: 1973,211-212-бетлар).

В) «Адабиётшунослик» атамасининг мазмуни, адабиётшунослик фанининг объекти ва вазифалари.

«Адабиётшунослик» атамаси этимология жихатидан «адабиёт» сузига форс - тожикча «шинос» (яхши билиш,

тайин этиш) феъли ва узбекча-«лик» аффиксининг кушилишидан хосил булган. «Шинос» феъли узбек тили талаффузи такозасига кура «шунос» шаклига кириб колган. Шу тарика « адабиётшунослик» атамаси пайдо булган. «Адабиётшунослик» терминиغا Киска Адабиёт Энциклопедиясида куйидагича таъриф берилган: «Адабиётшунослик- бадий адабиётни, унинг мохиятини, келиб чикишини ва ижтимоий алоқаларини хар тарафлама урганувчи фандир; суз оркали бадий фикрлашнинг спецификаси (узига хос хусусиятлари) хакидаги, бадий ижоднинг генезиси (негизи, замини), структураси (тузилиши), тарихий- адабий процесснинг локал (маълум жой ва даврга оид) ва умумий конунлари хакидаги билимлар жамидир ; бу сузнинг торрок маъносини олганда, адабиётшунослик - бадий адабиётни ва ижодий процессни уранишнинг принциплари ва методлари хакидаги фандир» (КЛЭ, т.4, «Советская энциклопедия», М.,1967, стр. 331).

Адабиётшуносликнинг объекти - тарихий шароит билан узвий бирликда олинган адабий махсулот ва унинг яратилиш жараёнидир. Бадий адабиётни изчил урганувчи ва тахлил килувчи мутахассис адабиётшунос деб юритилади.

И.О. Султонов «Адабиёт назарияси фан сифатида» маколесида адабиётшуносликка берилган таърифнинг магзини чакар экан. Куйидагиларни таъкидлайди : а) адабиётшуносликнинг диккат марказида даставвал адабиётнинг энг яхши намуналари, яхши классик асарлар ва классик ёзувчилар ижоди туради. Ана шундай асарлар

ва ёзувчилар ижоди тахлили жараёнида бадий адабиётнинг конуниятлари, спецификаси кашф этилади. Бундан ташқари, б) адабиётшунослик тарихий-адабий жараён-адабаётнинг маълум бир даврда ривожланиш шароити ва йулларини урганади, мана тарихий- адабий жараёнларнинг конуниятларини очади. Шунингдек, в) адабиётшунослик адабиётни яратувчиларнинг узларининг адабиёт ва тарихий- адабий жараён хақида айтган фикрларини ҳам ҳисобга олади, уларга таянади. Демак, адабий классика, буюк ёзувчиларнинг адабиёт хақидаги фикрлари, тарихий-адабий жараён ва унинг ҳамма арбобларининг фаолияти ва ижодий маҳсулоти-адабиётшуносликнинг объектини ташкил қилади.

Адабиётшуносликнинг асосий вазифаси : а) адабий жараённи, адабиёт таракқиёти тенденциятарини, конуниятларини чуқур урганишдан, улардан адабий ҳаракатчиликни янада ривожлантириш учун зарур булган ҳулосалар чиқаришдан иборат. Адабиётшунослик бадий адабиётни замон талаблари асосида, ривожланиб бориши ва халққа хизмат қилиши даъват этади ; б) адабиётшунослик китобхоннинг эстетик дидини шакллантиришга, уни назарий жиҳатдан қуроллантириши керак. Адабиётшунослик, таъбир жоиз булса, адабиёт билан ҳаёт, ёзувчи билан китобхон уртасидаги алоқада воситачи, уларни бир-бири билан боғловчи куприкдир.

2.АДАБИЁТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ ХАҚИДА МАЪЛУМОТ

Адабиётшунослик тарихи хакида умумий маълумотга эга булган студент энди бевосита хозирги замон адабиётшунослик фанининг ички структурасини урганишга утади. Адабиётшунослик фанлари хакида гап кетар экан, биринчи навбатда, уларни икки катга группага, яъни асосий адабиётшунослик фанлари ва ёрдамчи адабиётшунослик фанларига булиб урганиш зарур :

а) Асосий адабиётшунослик фанлари:

Адабиётшунослик фанининг тарихий ривожланиши жараёнида ундан махсус фанлар - адабиёт назарияси, адабиёт тарихи ва адабий танкид ажралиб чиккан. Бир-бири билан узвий боғлиқ булган бу фанларнинг хар бири олдида алохида илмий ва амалий вазифалар бор:

Адабиёт назарияси - суз санъатининг мохияти, социал табиати, тараккёт конуниятларини, кишилиқ жамияти ривождаги урни ва ролини, узига хос хусусиятларини тадқиқ этади, бадиий асарларни тахлил килиш принциплари ва унга баҳо бериш маъёрларини белгилаб беради. Асосланиб узининг назарий хулосаларини бутун бир давр ва даврларнинг суз махсулоти ва конкрет адабий асарларнинг тахлилидан, тарихий-адабий жараённи урганишдан келтириб чиқаради. Адабиёт назарияси тараккийларвар адабиётшуносларнинг (биринчи навбатда рус революцион-демократ танкидчиларининг) илмий меросидан ижодий фойдаланади, фанни бизнинг замонамиз ва утмиш адабиёт устида мушохадалар натижасида йигилган уз назарий хулосалари билан тулдиради. Адабиёт назарияси, биринчи галда, реалистик

адабиёт, унинг тараккиёт йуллари, нореалистик адабий окимларга карши кураши, бинобарин реализм адабиёти хакидаги таълимотдир. Адабиёт назарияси бадий адабиётнинг образлигини, халкчиллиги ва типиклаштириш конуниятларини ва бошкаларни текширади, адабий асар компонентлари (шакл ва мазмун, мавзу ва роя, сюжет ва композиция, бадий тил хусусиятлари ...) хакида бахс юритади, адабий турлар ва жанрлар, адабий оким ва йуналишлар, ижодий методлар ва услублар, аънана ва новаторлик хусусиятларни тадқик этади.

Узбекистонда адабиёт назариясига оид утмишда Алишер Навоийнинг «Мезон-ул авзон», «Мухокамат- ул лугатайн», Захириддин Мухаммад Бобирнинг «Рисолан аруз» каби асарлари туркий шеър улчовлари - вазилари, бадий тил зусусиятларига багишланган. Октябрдан сунг бизда адабиёт назарияси билан шугулланиш кенг авж олди. Проф. А. Саъдий, проф. А. Фитрат, О. Хошим ва бошкаларнинг асарларида адабиёт назариясининг айрим масалари ишланди. 1939 йил адабиётшунослик И. Султоннинг «Адабиёт назарияси» (урта мактаблар учун дарслик) китоби нашр килинди. Х. Ёкубов, М. Кушжонов, С. Мирвалиев, Б. Имомов, С. Мамажонов, Л. Каюмов, М. Юнусов, Н. Шукуров, У. Туйчиев, Х. Абдусаматов каби олимларимиз адабиёт назариясига оид илмий-тадқикот ишлари олиб боришган.

Адабиёт тарихи- суз санъатининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини тадқик этади, кишилик жамиятининг тарихий тараккиётида бадий адабиётнинг

роли ва ахамиятини белгилайди. Адабиёт тарихи инсониятнинг илк маданияти билан бирга тугилган. Узбек адабиёти тарихи, дастлаб, тазкиралар тарзида юзага келиб (Давлатшоҳ Самаркандийнинг «Тазкират ушшуаро»си ва Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» каби, ХУ аср), шоирлар ва адиблар хақида қисқача биографик ва библиографик маълумотлар, асарларидан айрим парчалар беришдан иборат булган. Адабиёт тарихи мустақил фан сифатида Ўзбекистонда Октябрь тунтарилишидан кейин яратилди. Ҳозирги пайтда узбек адабиёти тарихи фани соҳасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилган.

Маълумки, узбек адабиёти тарихи деганда унинг пайдо бўлишидан тортиб ҳозирги босқичигагача булган тараккиёт йули тушунилади. Қўп асрлик тарихга эга булган узбек адабиёти тарихи методологик жиҳатдан икки даврга бўлиб урганилади: 1) Қадимги даврлардан Х1Х аср охиригача булган узбек адабиёти тарихи ва 2) ХХ аср узбек адабиёт.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ишлаш борасида В. Зоҳидов, А. Саъдий, Х.Зарипов, В. Абдуллаев, Р. Каримов, Н. Маллаев, Б. Валихужаев, А. Хайитметов, П. Шамсиев, А. Каюмов, Э. Рустамов, А. Абдугфуров, Х. Сулаймонов, Х. Расулов, М. Кодирова, каби узбек олимлари барақали меҳнат қилдилар. Ҳозирги пайтда ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимларининг ташаббуси билан қўп томлик узбек адабиётининг илмий тарихи яратилмоқда. Олий уқув юр்தларининг талабалари учун дарслик сифатида яратилган Н.М. Маллаевнинг

«Узбек адабиёти тарихи» (1 том 1962), В.А. Абдуллаевнинг «Узбек адабиёти тарихи» (2-том, 1964), Г.К. Каримовнинг « Узбек адабиёти тарихи» (3- том, 1966) китоблари бу борада кулга киритилган илк жиддий ютуқлардир.

XX аср узбек адабиёти тарихини урганиш борасида ҳам жиддий ишлар қилинган. Масалан, УзФА Тил ва адабиёт институти олимларнинг ташаббуси билан «Узбек совет адабиёти тарихи очерки» нинг 1-томи 1961 йилда, 2- томи 1962 йилда нашр қилинди.. М.Горький номидаги жаҳон адабиёти институти билан УзФА Тил ва адабиёт институти олимлари ҳамкорликда 1967 йилда «История узбекской советской литературы» номли йирик илмий тадқиқотни нашр этди. Бу асарнинг авторларидан И. Султонов , Ю. Султонов, Х. Ёқубов, З.С. Кедрин, А. Хайитметов, О.О. Шарафиддиновларга Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. Хозирги кунда авторлар коллективни томонидан яратилган «Узбек совет адабиёти тарихи»(уч том ва тўрт китобдан иборат)га эгамиз. XX аср узбек адабиёти тарихи буйича олий укув юртлари учун дарслик яратилган. Бу давр узбек адабиёти тарихи соҳасида И. Султонов, Х.Ёқубов, Л. Каюмов,С. Мамажонов, О. Шарафиддинов, Ю. Султонов, Н. Рахимов, Р. Муқимов, Н. Шуқуров, С. Мирзаев, С. Шермухамедов,Т. Собиров, П. Кодиров, А. Аброров, И. Мирзаев, Н. Каримов ва бошқалар самарали иш олиб бордилар. Адабиёт тарихи адабиёт назарияси қоидаларига суяниб иш қуради ва айни чоқда адабиёт назариясини янги илмий хулосалари билан бойитади.

Адабий танкид- хар бир даврнинг адабий ходисалари, асарлари, ёзувчиларининг ижодий хакида уз вақтида муҳокама юргизади, уларни бадиий адабиётнинг вазифалари ва уз замонасининг ижтимоий талаблари нуктаи назаридан таҳлил этади, баҳолайди, конкрет адабий ходилар устида умуман адабиётга оид назарий хулосалар чиқаради. Адабий жараёнга актив аралашув, замонаси ҳаётни билан чамбарчас алоқа, илгор ижтимоий тенденциялар ва гоёларнинг адабиётга киришига мадад бериш - адабий танкиднинг муҳим вазифаси. Адабий танкид бадиий адабиётнинг тажрибаларини умумлаштиради, камчиликларини очиқ ташлаб, унинг тараккиёт суръатини тезлаштиради. Танкидчининг асосий иш услуби шундан иборат булиши керакки, у санъаткорнинг меҳнатига ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан ёндашади, талабчанлик нуктаи назаридан баҳо беради. Илгор адабий танкид хар доим ютуқларини кенг тарғиб этишга, китобхонларнинг эстетик диди ва завқини оширишга ҳамда санъаткорнинг ижодий тақомилига хизмат қилади. В.Г. Белинскийнинг фикрича, ҳаққоний танкид ҳамиша жамиятнинг уй ва андишаларини ифодалайди.

Адабиёт пайдо булиши биланок-танкидий қарашлар ҳам вужудга келашлаган. Бирок утмишда адабий-танкидий қарашлар бадиий адабиётнинг узвий бир қисми сифатида турли-туман шакл ва усулларда яшаб келган. Бу даврда бир қанча адабий-танкидий асарлар ҳам вужудга келган. Чунончи , Муҳаммад Авфийнинг «Лубобул-албоб», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чахор

макола», Давлатшоҳ Самаркандийнинг
«Тазки»

кан ёзувчилар , адабий жараёнга багишланган обзор
маколалар ва такризларида адабий-танкидий карашлар
савиясини юксак поғонага кутардилар. Ўзбек
танкидчилиги мана шу заминда кад кутарди ва кукка буй
чузди узбек, адабий танкидчилиги жанговар кураш ва
шонли тараккиёт йулини босиб утди.

*****кан ёзувчилар , адабий жараёнга
багишланган обзор маколалар ва такризларида адабий-
танкидий карашлар савиясини юксак поғонага
кутардилар. Ўзбек танкидчилиги мана шу заминда кад
кутарди ва кукка буй чузди узбек, адабий танкидчилиги
жанговар кураш ва шонли тараккиёт йулини босиб утди.

Ўзбекистонда адабий танкидчилик ХХ асрда фан
сифатида ташкил топди. Абдурауф Фитрат, Чулпон,
Абдулла Кодирий, Садриддин Айний, Отажон Хошим,

Сотти Хусайн, Олим Шарафиддинов, Абдурахмон Саъдий, Ойбек, Гафур Гулом, Хамид Олимжон, Уйгур, Комил Яшин ва бошқалар узбек адабий танкидчилигининг фан сифатида шаклланишида катта хизмат килдилар. Хозир республикамизда куплаб адабий танкидчилар ижод килмоқдалар. И. Султон, М. Кушжонов, Л. Каюмов, С. Мамажонов, С. Мирвалиев, С. Мирзаев, Н. Шукуров, Р. Мукимов, О. Шарафиддинов каби етук танкидчилар, У. Норматов, Н. Худойбергандов, А. Кулжонов, А. Рашидов, И. Гафуров, А. Расулов, каби ёш-таланти адабиётчилар хозирги кунимиз адабий жараёнига актив аралашиб келмоқдалар.

Маълумки, адабиётшунослик юкорида кайд асосий предметлардан ташқари, адабиётшунослик историографияси, текстология ва адабиёт библиографияси каби ёрдамчи предметларни хам уз ичига камраб олади.

Адабиётшунослик историографияси- адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танкиднинг барча даврлардаги тарихий тараккиётига оид материаллар мажмуи, уларнинг умумлашмаси. Игториография адабиётшунослик фанларнинг тарихий тараккиётини босиб утган йулини курсатиб беради. Историография адабиётшунослик фанлари эришган ютукларни умумлаштириш йули билан уларнинг тараккиётига ижобий таъсир курсатади.

Текстология (лот. Textus - асос, боғланиш ; юнон. Logos - суз, фан) - адабиётшуносликнинг кушимча сохаларидан бири булиб, у тадқик этиш, шархлаш ва

оммабоп ёки академик нашрга тайёрлаш мақсадида адабиёт ва фольклор асарларини урганиш, уларнинг яратилиш тарихини аниқлаш ва асл тексти (ёки автографга яқинроқ тексти) ни тиклаш билан шугулланади. Текстология бадий асарнинг у ёки бу нусхаси ёхуд нашрининг нечоғлик мукамал ёки номукамаллигини аниқлайди. Бадий асарнинг, хусусан, утмишдан мерос бўлиб қолган асарнинг асл текстини тиклаш- мураккаб илмий иш: бунинг учун у ёки бу асарнинг турли вариантлари бир-бирига синчковлик билан қиёсланади, шу жараёнда аниқланадиган қотиблар ёки ноширлар томонидан асар матнига киритилган «Тузатишлар», «қушимчалар» чиқариб ташланади ва шу тарика асарнинг илмий- танқидий матни тайёрланади. Масалан, машхур узбек матншунос олими Порсо Шамсиев Алишер Навоийнинг «Хамса»сини тулалигича ва яхлит бир қитоб ҳолида нашрга тайёрлаш борасида мураккаб текстологик илмий тадқиқот ишлари олиб борган. «Биз «Хамса»ни нашрга тайёлашда, деб қайд қилади Порсо Шамсиев,- қупдан буён ишланмоқда булган «хамса» дostonлари критик текстини асос қилиб олдик. Шу билан бирга, критик текстининг асоси булган Абдужамил қотиб ва Султонали Машхадий нусхаларидан ҳамда ХУ1 асрнинг яна бир нодир нусхасидан тула фойдаланишга ҳаракат қилдик» (Алишер Навоий, Хамса, УзФАН, Т., 1960, 11- бет). «Хамса»нинг шу нашрига ёзилган суз бошидан ҳам маълум бўладики, Порсо Шамсиев «Хамса»га қирган дostonлар (Хайратул-аброр», «Фарход ва ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабаъи сайёр»,

«Садди Искандарий»)нинг уз давригача булган деярли барча нашрларини, машхур ёзувчи ва олим Садриддин Айний томонидан яратилган «Хамса»нинг кискартирилган нашри» (1940,1947)ни киёсий планда урганиб чиккан, бу нашрлар (критик текстлар)ни асарнинг кадимий нодир кулёзма нусхалари - Алишер Навоий хаётлик чогидаёк Абдужамил котиб ва Султонали Машхадий ва бошка машхур котиблар томонидан кучирилган нусхалари билан киёслаган. Шундай килиб, олим «Хамса»нинг асл текстига якин келадиган нодир илмий- танкидий текстини тайёрлаган ва 1960 йилда нашр эттирган. Матшунос олим Хамид Сулаймон хам худди шундай машаккатлар билан Алишер Навоийнинг «Хазойинул маоний»сининг илмийтанкидий текстини ишлаб чикди ва нашр эттирди (1958-1961). Алишер Навоий асарларининг илмий- танидий маталарини тайёрлаш ва нашр эттиришда Садриддин Айний («Хамса»нинг кискатирилган нашри), Олим Шарафиддинов, Мззат Султон («Мезон-ул-авзон»), Кононов («Махбуб-ул кулуб»), Суюма Ганиева («Мажолис-уп-нафоис»), Содик Мирзаев, Абдукодир Хайитметов ва бошка олимларнинг хизматлари каттадир. Матншунос олимларимизнинг илмий жасорати патижасида Алишер Навоий ижодини чукур ва атрофлича урганиш имконияти яратилди. Шунингдек, В. Зоҳидов, А. Каюмов, Гулом Каримов, Убайдулла Каримов, С. Муталлибов, А. Рустамов, С. Долимов, Р. Маждий, Х. Расул, Анисий, М. Кодирова ва бошка олимларимизнинг текстологик тадқиқотлари натижасида бир катор узбек классикларининг асарлари нашр этилди. XX аср узбек ёзувчилари асарларининг

текстологик тадқиқотлари соҳасида ҳам бир мунча ишлар килинган. Таникли олим Юсуф Султонов XX аср узбек адабиётининг асосчиси Хамса Хақимзода Ниёзий асарларини нашрга тайёрлаш борасида самарали иш олиб борган. И. Султонов эса машхур суз устаси Абдулла Кодирий асарларини нашрга тайёрлади. Ёзувчи Ойбекнинг ун туккиз жилдлик муқаммал асарлари туплмининг нашр этилаётганлиги- текстология фанимининг жиддий ютуғидир. Шунингдек, Ҳамид Олимжон, Гафур Гулом, М. Шайхзода, Уйғун, Миртемир ва бошқа ёзувчилармиз асарлари куп томлиги нашр килинган.

Текстология фанининг муҳим шохобчаларидан бири- атрибуция (лот. *Attributio*- нисбат бермок) булиб , у автори номаълум (аноним) ёки факат таҳаллус куйилган асарнинг авторини, асар ёзилган жой ва вақтни аниқлаш билан шугулланади. Атрибуция- текстологиянинг қадимий муаммоларидан, Чунончи, антик дунё даврида «Илиада» ва « Одиссея» эпосларининг Гомер қаламига мансублигига шубҳа билан қаровчилар булган. ХУШ асрга келиб яна «Гомер масаласи» кутарилган. Х1Х асрнинг урталарида айрим олимлар буюк инглиз драматурги В. Шекспирнинг авторлигига шубҳа билдиришган. Уларнинг даъвосича, гуё В. Шекспир оддий актёр булган ва , шунга қара, у шохона трагедияларни ёзишга қодир булмаган эмиш. Таекстология фани (атрибуция) уз даврида бундай қарашларнинг асоссизлигини исботлаган- Гомер ва В.Шекспирларнинг муборақ номлари сақлаб қолинган. Кейинги йилларда «Узбек тилида ва адабиёт» журнали

саҳифаларида «Гул ва Навруз» достонининг муалифи хақида мунозара очилди. Нихоят «Гул ва Навруз» Хайдар Хоразмий каламига мансублиги (А.Хайитметов) аниқлади. Шунингдек, бир вақтлар Алишер Навоининг «Лисон-ут-тайир» номли фалсафий асари Фаридиддин Атторнинг «Мантик-ут-тайир» достонининг таржимасидир, деган караш бор эди. Текстологиямиз бундай караш мутлақо асоссиз эканлигини исботлаб берган. Бадиий асарнинг яратилиш тарихини текшириш- текстологияда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада рус адабиётшунослигида анчагина ишлар килинган. Кейинги йилларда узбек адабиёти соҳасида ҳам шундай ишларга киришилди. Бу борадаги ишлар, асосан, Ойбекнинг «Навоий» романини қандай ёздим» ва Абдулла Кахорнинг «Хаёт ходисасидан бадиий тукимага» номли мақолалари билан бошланди, дейиш мумкин. Хабибулла Кодирийнинг «Утган кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларининг ёзилиши тарихи хақида ёзган мақолалар, адабиётшунос С.Мамажоновнинг Гофур Гуломнинг «Шум бола» повестининг вариантлари хақидаги мақоласи, шубҳасиз, Абдулла Кодирий ва Гофур Гулом ижодларини чуқурроқ урганишда, ижод психологиясини билиб олишда, бинобарин, адабиёт табиатини тугри тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиёт библиографияси - бадиий адабиёт ва адабиётшуносликка оид асарлар курсатгичи, мажмуи. Библиография: а) урганилиши зарур булган адабий текстлар, мақолалар, материаллар ва манбаларни аниқлашга; б) тадқиқ этилаётган мавзунинг ишланиш тарихини, у ёки бу ёзувчи хаёти ва ижодининг урганилиш

тарихини кузатиб боришга; в) қачонлардир нашр этилган-у, турли сабабларга кура кейинчалик унутилган ёки йуқолган текстларни адабиётшунослик илмига олиб киришга ёрдам беради.

Библиографиянинг икки тури мавжуд: а) илмий-тадқиқот ишларига ёрдам берадиган (илмий-ёрдамчи, илмий ахборот, ҳисоб-китоб учун тузилган руйхат) библиография ва б) уқиш учун тавсия қилинадиган асарлар библиографияси. Бундан ташқари, библиографик курсатгичларнинг қуйидаги типлари бор: а) умумий библиография (масалан, Ф.И. Бойбекова, М. Султанова таҳрири остида нашр қилинган «Ўзбек адабиёти», 1940-1958), Т., 1963, библиографияси), б) махсус библиография (Алишер Навоий, Х.Х. Ниёзий, Садриддин Айний, Хамид Олимжон, Гафур Гулом ижодлари буйича тузилган библиографиялар ёки Ш. Турдиев ва Б. Кориевларнинг «Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги библиографияси»), в) тематик библиография (масалан, Улуг Ватан уруши мавзусидаги адабиётлар библиографияси кабилар).

Москва библиографик ишларни тартибга солиш мақсадида махсус библиографик журналлар - солномалар нашр қилинмоқда. Чунинчи, а) китоблар солномаси, б) журнал мақолалари солномаси, в) тақризлар солномаси, г) газета мақолалари солномаси журналлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Китоб палатаси ҳам ранг-баранг библиографик журнал- бюллетенлар нашр қилмоқда.

3. АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ БОШКА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР БИЛАН АЛОКАСИ

Адабиётшуносликнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, у деярлик барча ижтимоий фанлар билан узвий алоқада ривожланади- адабиётшунослик- философия, адабиётшунослик- тилшунослик, адабиётшунослик- педагогика, адабиётшунослик-эстетика, адабиётшунослик- санъатшунослик, адабиётшунослик- тарих, адабиётшунослик-ариология, адабиётшунослик- этнография фанлари аро шундай диалектик муносабат борки, шу алоқа туфайли бу фанлар бир-бирининг тараккиётига кумак беради. Адабиётшуносликнинг узи хам утмишда шу фанлар багрида, улар билан коришик холда мавжуд булган. Адабиётшунослик билан бошка ижтимоий фанлараро муносабат гоятда мураккаб булиб, бу уринда талаба факат адабиётшуносликининг тилшунослик, тарих, эстетика ва философия фанлари билан алоқаси мустахам эканлигини тушуниб отса кифоядир. Чунки адабиётшуносликнинг тарих, эстетика, тилшунослик, философия билан алоқаси, уларнинг бир-бирига тахсири жуда аник сезилиб туради. Бундай мустахам алокани, авваламбор, уларнинг объекти булган адабиётнинг узи такоза килади. Проф. И.О. Султонов «Адабиёт назарияси фан сифатида» маколесида адабиётшуносликнинг тарих, тилшунослик, эстетика ва философия билан муносабатини куйидагича хакконий асослайди: Биринчидан, адабиёт- жамият тарихини ва унинг онгини акс эттирар экан, шу тарихнинг умумий конунларига буйсуниши табиийдир. Тарихнинг умумий

конунлари адабиёт ривожининг ҳам умумий конунларидир. Шунга кура, адабиётшунослик тарих фани билан узвий алоқада камол топади. Иккинчидан, жамият онгини ва унинг тарихини адабиёт факат тил воситасида акс эттиради. Тилнинг кишилар орасидаги воситачилик ролини урганадиган тилшунослик фанларининг ютуклари адабиётшуносликда ҳам албатта эътиборга олиниши лозим. Учинчидан, эстетика гузаллик конунлари ва санъат асарлари хақида бахс этар экан, адабиёт ҳам санъатнинг бир тури сифатида унинг хулосаларига таянади- эстетика ва адабиётшунослик бир-бирини бойитади. Туртинчидан, адабиёт- ижтимоий онг шаклларида бири. Ижтимоий онг ва унинг конуниятларини эса философия фани ургани. Шу важдан, философиянинг хулосалари ҳам бевосита бадий адабиётга тегишли булади. Адабиётшунослик бадий адабиёт хақида бахс юритар экан, у, албатта, философиянинг ютукларига таянади.

Демак, адабиётшунослик бошқа ижтимоий фанлар билан узвий алоқада ривож топар экан (Бу ҳақда яна қаранг : И. Султон. Адабиёт назарияси фан сифатида, «Шарк юлдузи» журналі, 1973,8- сон).

4. АДАБИЁТШУНОСЛИК АСОСЛАРИ КУРСИНИНГ ТУЗИЛИШИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Адабиётшунослик асослари курси турт катта булимдан иборат :1 булим: «Бадий адабиёт хақида таълимот» булиб, бунда «Бадий адабиёт ва хаёт», «Бадий адабиётда типиклик проблемаси», «Бадий образ», «Бадий адабиётда дунёқараш ва гоъвийлик» мавзулари;

П булим : « Бадиий асар хакида таълимот» булиб, бунда «Бадиий асарнинг шакли ва мазмуни», «Бадиий асар мавзун ва гояси», «Бадиий асар сюжети», «Бадиий композицияси», «Бадиий асар тили», «Махсус бадиий тасвир воситалари» мавзулари;

Ш. булим «Шеър илми таълими» булиб, бунда «Шеър тузилиши асослари» (Бармок тизими), «Аруз тизими», «Кофия сабоклари», «Шеърий нутк кучимлари», «Бадиий санъатлар», «Шеърий нутк синтаксиси» мавзулари;

1У.булим «Адабий жараён деб номланади, бунда «Адабий турлар ва жанрлар», «Ижодий метод, адабий оқим ва индивидуал услуб» мавзуларини, уз ичига камраб олади.

Кулланманининг суз бошида айтилганидек, «Адабиётшунослик курси» буйича адабиёт назариясининг асосий тушунчалари хакида маълумот берилади ва бундан сунгги адабиёт тарихи ва назариясини урганиш учун шарт- шароитлар яратилади. Бу курсда, асосан, бадиий адабиётнинг умумий хусусиятлари, бадиий асарнинг хислатлари ва адабий жараённинг энг мухим конуниятларига эътибор қилинади. Демак бадиий адабиёт хақидаги энг назарий тушунчалар билан талабаларни изчил ва тизимли темали куроллантириш- «Адабиётшуносликка асослари кириш»нинг вазифасидир.

Текшириш саволлари:

- 1.»Адабиёт ва «литература» атамалари этилнологиялари, маънолари ва кулланиш тарихи.
2. Бадиий адабиёт ва уни урганишнини ахамияти?
3. Адабиётшунослик ва унинг объекти, вазифалари.

4. Адабиётшуносликнинг асосий фанлари адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий тақид;
5. Адабиётшуносликнинг ёрдамчи фанлари: адабиётшунослик историографияси, текстология, адабиёт библиографияси.
6. Адабиётшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги.
7. «Адабиётшунослик асослари» курсининг тузилиши, мазмуни ва вазифалари.

Таянч тушунчалар:

Адабиёт (араб. - адаб сузининг куплиги) - кенг маънода барча китоб турлари, газета- журналлар, тор маънода, бадиий адабиёт.

Адабиётшунослик - бадиий адабиёт тугрисидаги фан. Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари: адабиёт назарияси , адабиёт тарихи ва адабий тақид.

Адабиётшуносликнинг ёрданчи сохалари: адабиётшунослик историографияси (адабий манбашунослик), текстология (адабий матншунослик), адабиёт библиографияси.

Биринчи булим

БАДИЙ АДАБИЁТ ХАКИДА ТАЪЛИМОТ

2- МАЪРУЗА . ХАЁТ ВА АДАБИЁТ (4 СОАТ)

Дарс режаси :

1. Хаёт ва унинг бадиий инъикоси.
2. Фан, санъат ва адабиёт
3. Адабиётнинг тасвир объекти ва вазифалари.
4. Адабиёт - инсоншунослик.

Адабиёт:

Зарурий адабиёт:

1. Иззат Султон. Адабиёт назараяси .- Т.: Укитувчи, 1986-б.3-33.
2. Адабиётшуносликка кириш (Н.Шукуров ва б.)-Т.: Укитувчи,1984-б.3-32.
3. Чулпон. Адабиёт надир - Т.: Чулпон, 1994-б.36-37.
4. Шарафиддинов О. Адабиёт= хаёт дарслиги.-Т.: Адабиёт ва санъат. 1981.

5. Хаёт ва унинг бадий инъикоси.

Бадий адабиётнинг бош хусусияти- унинг ижтимоий онг шаклларида бири эканлиги ва, айти чокда, усткурма ходисаларига мансублигидир. Бас шундай экан, бу уринда, даставвал, «ижтимоий борлик ва ижтимоий онг»,»базис ва усткурм» хакидаги тушунчаларни эслаш жоиздир. Зеро, мазкур тушунчаларсиз бадий адабиётнинг хаётни акс эттириши ва , айти чокда, хаёт тараккиётига кучли тахсир курсатиши конуниятларини чукур англаш мумкин эмас.

Маълумки, ижтимоий борлик- жамиятнинг моддий хаёта, соддий неъматлар ишлаб чикариш хамда шу ишлаб чикариш жараёнида кишилар киришадиган муносабатлар. Ижтимоий онг- карашлар, тасаввурлар гоя ; сиёсий, юридик ва эстетик назариялар; философия, ахлоқ, дин ва хоказо. Демак, жамият хаётининг моддий томонлари - ижтимоий борлик ва унинг маънавий жихатлари ижтимоий онг ходисаси экан. Ижтимоий борлик ижтимоий ингдан ташкарида ва унга боглик булмаган холда мавжуддир. Ижтимоий онг эса ижтимоий борликнинг инъикосидир. Ижтимоий борлик билан ижтимоий ингнинг узаро муносабати - мураккаб

диалектик жараёндир. Адабиёт хам ижтимоий онг шаклларида бири уларок ана шу конуниятга амал килади - адабиёт хаётдан ушиб чикади ва унга узлуксиз таъсир утказиб туради. Дарвок кишилар уз турмушини ижтимоий ишлаб чикишда уларнинг иродаларига боглик, булмаган, муайян, зарур муносабатларига киришадилар, бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чикарувчи кучлари ривожининг муайян боскичига мувофик булади. Бу ишлаб чикариш муносабатларининг жами жамиятнинг иктисодий тузилишини, реал базисини ташкил этади, хукукий ва сиёсий усткурма шу реал базис устига курилади ва социал онгнинг муайян формалари шу базисга мувофик булади. Моддий хаётни ишлаб чикариш усули умуман ижтимоий , сиёсий ва маънавий хаётни белгилайди, Кишиларнинг онги уларнинг борлигини белгиламайди, балки, аксинча, уларнинг ижтимоий борлиги уларнинг онгини белгилайди.

Юкоридаги фикрлардан англашиларлики, жамиятнинг иктисодий структурасини ташкил этувчи ишлаб чикариш муносабатларининг жумалжами базисни ташкил этади. Сиёсий, хукукий , ахлокий, эстетик, диний, фалсафий карашлар каби ижтимоий онг формалари эса усткурмага мансубдир. Ижтимоий онгнинг барча формалари жамиятнинг иктисодий муносабатларини ва иктисодий структурасини акс эттиради. Усткурма муносабатлари мафкуравий муносабатларини уз ичига олади. Мафкуравий муносабатлар эса дасттаввал онг оркали вужудга келади. Базис томонидан белгиланган усткурма ходисалари уз тараккиётида нисбий

мустакилликка эга булади. Бу гаплар бадий адабиётга тула тааллуқлидир.

Хар бир ижтимоий- иқтисодий формация муайян базисга ва унга мувофиқ келадиган усткурмага эга булади. Базис ва усткурманинг узгариши билан бир ижтимоий формация иккинчиси билан урин алмаштиради. Иқтисодий базис бунёдга келтирган ва унинг инъикоси булган усткурма тарихий жариёнда фаол роль уйнайди. Шунингдек, адабиёт усткурма ходисаси сифатида жамиятнинг маънавий ҳаётида гоёта катта аҳамият касб этади. Аммо у уз тараккиёти қонуниятлари асосида ривожланиб боради - бир формация емирилиши билан адабиёт ҳам емириб ташланмайди- адабиёт уз аънаналари заминида узлуксиз ривожланиб боради, бироқ жамият тарихи тараккиётининг хар бир босқичида адабиёт муайян давр тақозоси билан узига хос хусусиятлар касб эта боради.

Юқорида қайд этилган фикрлардан шундай хулосага келамиз : ҳаёт, объектив борлик, ижтимоий турмуш- асос ва ижтимоий онг-ҳосиладир; инсон уз мияси воситасида объектив борликни тугри била олиши, тушуниши мумкин. Инсон онги, билимлари узиде объектив ҳақиқатни ифодалайди - реал борлик заминида пайдо булади. Шунга қура, бизнинг онгимиз, тасаввурдаримиз, билимларимиз нисбий ҳақиқатдир.

Тарихий материализм диалектиканинг бундай хулласини жамият ходисаларига тадбиқ қилади: шунга қура, ижтимоий борлик бирламчи булиб, у ижтимоий онгни белгилаб беради, жамиятнинг маънавий ҳаётини

аниклайди. Шу сабабли, жамиятнинг моддий турмуш кандай булса, унинг маънавий ҳаёти- сиёсий муассасалари, сиёсий карашлари, назарияси ва гоялари ҳам шундай булади. Бирок бундай жамиятнинг ижтимоий онги унинг ижтимоий борлигига бефарк қарор эканларда деан янглиш хулосага келмаслик зарур. Чунки, жамиятнинг моддий турмушини тараккий эттишда илгор ижтимоий гояларнинг ташкилотчилик, сафарбарлик, кайта қурувчилик роли ниҳоятда каттадир. Бинобарин, ижтимоий онг (сиёсат, фалсафа, фан, санъат)нинг жамиятнинг моддий турмуши (базиси)га фаол таъсири ҳақидаги фалсафий хулоса адабиёт ва санъатнинг кишиларни муайян гоялар руҳида тарбиялаш- халқ ҳаётига таъсирини тугри тушунишимизга ёрдам беради. Ҳақиқатан ҳам прогрессив санъат ва адабиёт ҳаётдаги етакчи тенденцияларни ифодалаш йули миллион- миллион китобхонларнинг тонг- шуурига, қалбига эстетик таъсир қилган- уларни порлоқ истикболга даъват этган. Шунинг учун ҳам биз санъат асарларини севиб уқиймиз ва урганамиз.

2. Фан, санъат ва адабиёт.

Ижтимоий онг- объектив олам ва ижтимоий борликнинг кишилар онгидаги инъикоси. Ижтимоий онгнинг ранг- баранг қуриниш мавжуд: сиёсат, мафкуравий, ҳуқуқ, ахлоқ, дин, фан, санъат, философия...

Ижтимоий онг воқеликнинг қундалиқ онгидаги бевосита инъикосидан фарқ қилади: ижтимоий онг шакллари озми- кўпми ситемалаштирилган онг сифатида

назарий тафаккур воситасида вужудга келади. Масалан, санъат ва адабиёт мана шундай жараён махсулидир.

Ижтимоий онг шакллари объекти ва инъикос формасига, социал функциялари ва тараккиёт конуниятларининг узига хос хусусиятларига караб бир-биридан фарк килади. Ижтимоий онг формаларининг хилмахиллиги объектив олам (табиат ва жамият)нинг сермазмунлиги ва хилма-хиллиги билан белгиланади. Ижтимоий онг шаклларининг хар бири вокеликнинг у ёхуд бу жихатини акс эттиради. Онгнинг хар бир формаси узига хос инъикос предметига эга булганлигидан алохида инъикос формаси билан хам характерланади.

Фан, сиёсат, санъат ва бошқалар ижтимоий онг шакллари экан, буларнинг, биринчидан, узига хос хусусиятларини ва, иккинчидан, улар уртасидаги муштаракликларни куздан кечириниш бадий адабиётнинг табиатини англашимига кумак беради.

Фан-ижтимоий-тарахий турмуш тараккиёти жараёнида табиат, жамият ва тафаккур хакида тупланган билимлар мажмуи, йигиндиси. Фаннинг максиди-ходисаларнинг объектив конунларини очиш, уларни тугри тушунтириб беришдан иборат. Жамият ва табиатнинг объектив конунларини билмасдан туриб илмий тафаккурфан хакида хеч кандай гап хам булиши мумкин эмас. Фаннинг кучи унинг илмий умумлашмаларидадир. Фан инсониятнинг ишлаб чиқариш- амалий фаолияти асосида тугилади ва ривожланади. Табиёт фанлари (кимиё, физика, математика, механика, биология каби) табиат ходисаларини урганиш билан шугулланса,

ижтимоий фанлар (тарих, иктисод, фалсафа кабилар) жамиятнинг тараккиёт конунларини кашф этади. Табиат ва жамият хақидаги фанлар ижтимоий онг шакллари сифатида, биринчидан, ижтимоий ҳаёт ва табиат заминидан вужудга келади ва, иккинчидан, улар ижтимоий тараккиёт учун хизмат килади.

Философия- ижтимоий онг формаларидан бири сифатида кишилик жамияти ва табиат тараккиётининг умумий конуниятларини урганади, илмий дунёкарашни шакллантиришга хизмат килади,

Умуман фан ҳаётини мантикий ҳулосалар асосида узида ифодалайди, ҳаёт конунларини очади. Санъат бадиий адабиёт, архитектура, ҳайкалтошлик, рассомлик. мусика театр. хореография, кино ва бошқалар- ижтимоий онг шакллари дандир. Санъат ҳам, худди фандек, ҳаётни акс эттиради ва ҳаёт жумбоқларидан сабоқ беради. Шу сабабли у ҳам ижтимоий аҳамият касб этади. Санъат, фандан факли уларок, ҳаётни образлар воситасида ифодалайди. Гегель айтганидек, санъат образлар орқали фикрлаш демакдир. В.Г. Белинский «1847 йилги рус адабиётига бир назар» номли мақоласида фан ва санъатнинг узига хослиги хақида тухталиб, шундай деган !Философ силлогизмлар орқали фикр юритса, шоир- образлар ва картиналар воситасида гапиради ва уларнинг ҳар иккаласи ҳам айна бир нарсани айтади. Сиёсий иктисодчи статистика рақамлари билан курулганиб, уз укувчи ёхуд тингловчиларнинг зехнига таъсир этиб, жамиятдаги фалон синфнинг аҳоли фалон-фалон сабабларга кура куп яхшилангани ёхуд куп

ёмонлашганини исботлайди. Шоир вокеликнинг жонли ва ёркин тасвири билар куролланиб, уз укувчи ехуд тингловчилар зехнига таъсир этиб, жамиятдаги фаол синфнинг ахволи фалон-фалон сабабларга кура куп яхшилангани ехуд куп емонлашгани исботлайди. Шоир вокелик жонли ва еркин тасвири билан куролланиб, уз укувчиларининг фантазиясига таъсир жамиятдаги фалон-фалон сабабларга биноан хакикатан хам куп яхшилангани ёхуд ёмонлашганини хаққоний картиналарда курсатади.

Бири исботлайди, иккинчиси курсатади ва иккаласи хам ишонтиради, бунга факат уларнинг бири мантикан асослаш , бошкаси картналарда намоён этиш билан эришади.

Хаётни образлар оркали акс эттириш жихатидан санъат турлари уртасида умумийлик, ухшашлик , муштараклик мавжуд булсада, образ яраташ жараёнида хар бир тури унинг факат узигагина хос булган ифода воситаларидан фойдаланади. Бундай ифода воситалари, одатда, санъат турининг «уз тили» деб юритилади.

Бадиий адабиёт тили хайкалтарошлик тилидан, мусика тилидан, меъморлик тилидан ва бошкалардан фарк килади. Рассомликда бадиий образ сурат ва картина колорити воситасида яратилади, шунга кура рассомлик тили деганда, биринчи навбатда, чизиклар, ранг, ёруглик сояси ва композицияни тушунамиз. Хореографиянинг тили эса инсон танасининг узига хос ифодали харакатидир.

Адабиётда нутк, композиция воситасида, поэзияда яна шеърий нуткнинг ритмик - мелодик тузулиши воситасида бадиий образ яратилади. Бундай воситаларнинг жамул-жамисиз адабий асар яшай олмайди. Шу сабабли бу воситаларнинг жами- нутк, ритм, мелодика (оханг), композиция- бадиий адабиёт тилидир. Бирок нутк, М. Горький айтганидек, адабиётнинг курилиш материали, биринчи элементи, асосидир, Шунга кура, бадиий адабиёт « суз анъати» деб хам юритилади. Адабиёт суз воситаси билан образ яратганлиги сабабли санъатнинг бошка турларига нисбатан хаётни ва инсонни мумкин қадар туларок, ифодалаш имконига эга. В.Г. Белинский "Поэзиянинг хил ва ту»лашга булиниши" номли мақоласида шу»дай деб ёзида : " Поэзия (адабиёт- Т.«.) санъатнинг олий туридир. Хар кандай бошка санъат уз ижодий фаолиятида куриниши учун восита булган материал билан маълум даражада сикилган ва чегараланган холда булади. Меъморчилик асарлари, бир буюк бутунлик ташкил этувчи кисмларининг гармонияси билан, ёки уз формаларининг улугворлиги ва дабдабаси билан бизни хайратда колдиради, уткир киррали учлари само бизнинг рухимизни юксалтиради. Лекин уларнинг рухимизга килган таъсири шу билан чекланади. Бу- факат шартли символиздан абсолют мутлак санъатга интилишдир; бу хали тула маънодаги санъат эмас, факат санъатга интилиш ва унга биринчи кадамдир ;... Хайкалтарошлик сохаси, кенгрок, караганда, унинг воситалари бойроқдир, у инсон танаси шаклларининг гузаллигини ифодалайди, инсон юзидаги фикр

куланкаларини курсатади; лекин у юздаги фикрнинг бир пайтини, тандаги ... бир вазиятнигина тутиб олади. Шу билан бирга хайкалтарошнинг ижодий фаолияти инсоннинг бутун сиймосини камрай олмайди, балки инсон танасининг ташки шакллари билангина чегараланади, эркак кишиларда факат мардлик, улугворлик ва кучни, хотинларда гузаллик ва нозикликни ифода килади. Рассомлик санъати бутун инсонни, хатто унинг ички рухий дунёсини ҳам уз ичига олади; аммо рассомлик ҳам ходисанинг факат бир пайтини камраш билан чегараланади. Мусика эса, энг куп рухнинг ички дунёсини ифода этувчидир; лекин мусика ифода килган идеялар тавушлардан (садолардан) айрилмайди, товушлар рухга куп нарса берса ҳам, аклга хеч нимани очик аник килиб айтмайди. Поэзия (адабиёт- Т.Б.) эркин инсон сузида ифодаланади, суз эса- ҳам товуш, ҳам кртина, ҳам аник ва равшан айтилган тасаввурдир. Шунинг учун поэзия (адабиёт- Т.Б.) бошка санъатларнинг ҳамма элементларини уз ичига олади, булак санъатларнинг хар бирига айрам равишда берилган ҳамма воситалардан бир варакай ва тула суратда фойдаланади. Поэзия (адабиёт- Т.Б.) санъатнинг бир бутунлигини ва унинг бутун тузилиши курсатади ва санъатнинг ҳамма томонларини камраб, унинг ҳамма очик вы аник айирмаларини уз олади».

Хакикатан ҳам бадий адабиёт санъатнинг бошка турларига нисбатан тасвир искониятининг кенглиги ва тасвирининг синтетиклиги билан ажралиб туради. Чунончи, санъатнинг макон билан боглик, турлари - рассмолик ва хайкалтарошлик билан киёслаб курайлик.

Тугри, бадий адабиёт кургазмалилик ва ёркинлик жихатидан хайкалтарошлик ва рассомлик билан бахслаша олмайди. Хайкалтарош ва рассом предметнинг кузга ташланиб турадиган жихатларини яккол акс эттиради. Кишиларнинг ички кечирмаларини, характерини, одамлараро муомала - муносабатларнинг бир зуминигина картина ёки хайкалда турли- туман ташки харакатлар воситасида ифодалайди, холос. Суз санъаткорининг эса борада имконият ниhoятда катта: адабий асарда кахрамоннинг ташки куриниши, унинг мухити ва ички кечирмалари (фикр-уйлари, хисхаяжонлари, тугулари, орзу- интилишлари кабилар), яъни инсонинг кузга ташланиб турадиган ва кузга ташланмайдиган жихатлари муфассол ифодаланади. Г.Э. Лессинг «Лаокоон ёки хайкалтарошлик ва поэзиянинг чегараси хакида» номли асарида таъкидлашича, макон билан боглик, санъат, асосан, фигура, яъни предмет , ходиса, шахсни бадий ифодалаш билан шугулланса, поэзия доирасига= харакат, яъни кишиларнинг ички дунёлари ва ташки мухитида юз берадиган хатти- харакатларини акс эттириш масаласи туради.

Бадий адабиёт тарихи бу фикрнинг тугрилиги курсатади. Тугри, дастлабки даврларда фратилган эпик асарларда, асосан, кахрамонларнинг ишлари, жасорати, хатти- харакатлари тасвирланган (масалан, Геркулесга багишланган юнон эпосларида худди шу холни курамиз). Кейинчалик, классик ёзувчилар кишилар характерларини чукуррок очишга, уларнинг хатти- харакатларига сабаб булаётган омилларни тахлил килишга, инсон калбининг

ранг-баранг куринишларини ифодалашга интила борганлар. XIX асрнинг охирларига келиб бу борада рус классиклари жуда катта муваффакиятларга эришдилар. Л. Толстой ва Ф. Достоевскийлар кахрамоннинг ички дунёсини - « калб диалектикаси» ни гоятда чуқур ва атрофхининг жиддий ютуги. Утган асрнинг улуг санъаткорлари характер билан шароит , инсон билан мухит уртасидаги алокани, узаро таъсирни очиш борасида ҳам жиддий ютуқларни кулга киритишди. Хозирги узбек адабиётида утмиш реалистик адабиёти эришган бундай ютуқлар - кахрамоннинг «калб диалектикаси»ни очиш ва характер билан шароитнинг узаро таъсирини чуқур акс эттириш линиялари бир-бирига чамбарчас боғланиб кетди - шу усулда хаётни ва инсонни бадий ифодалаш юксак поғонага кутарилди. (М. Шолохов, А. Толстой, А. Фадеев, Ч. Айтматов, А. Кодирий, Чулпон, Ойбек, А. Каххор каби йирик суз усталарининг асарлари ана шундан гувоҳлик беради).

Музыка билан бадий адабиёт замон билан боғлиқ, булган санъат турларига мансуб булса-да, улар орасида ҳам жиддий тафовутлар бор. Музыка билан поэзияни киёслаб курадиган булсақ, суз санъатининг баъзи чекданган жихатларини ҳам, беҳад афзалликларини ҳам пайкай оламиз. Музыка турли- туман товушлар ёрдамида инсоннинг энг мураккаб ва энг нозик хис-туйғуларини ва кайфиятини шу қадар чуқур очиб берадики, суз санъат бунга шуқадар қодир була олиши амримақолдир. Поэзиянинг афзаллиги шундаки, у шахсни, воқеани, предметни яққол ва ёркин қилиб ифодалайди. Бунга

факат суз санъатигина кодир була олади. Чунки, бадий адабиёт санхатнинг бошка турларига хос булган тасвир воситаларидан хам фойдалана олади. Шундай килиб бадий адабиётнинг синтетик характери, тасвир искониятлари (санъатнинг бошка турларига нисбатан) нихоятда кенгдир. Суз санхатининг тасвир доираси кадар кенгки, у ташки дунёнинг ранг-баранг ходисаларини хам, инсон калби диалектикасини хам уз ичига камраб олади.

3. Адабиётнинг тасвир объекти ва вазифилари .

Инсон- санъат ва адабиётнинг бош предмети, тасвир объекти. Аммо бу хам узига хос тарихга эа- санъат пайдо булиши биланок инсон унинг ассосий предмети килиб олинмаган. В.Г. Белинскийнинг уктуришича кадимги хинд поэзиясида ва санъатининг бошка турларида таъбиат илолхийлаштирилган, биринчи планда усимликлар, илонлар, кушлар, сигирлар, филлар ва бошка хайвонлар курсатилган. Одам эса табиатга тобе, ёрдамчи куч сифатида берилган. Санъат тараккиётининг навбатдаги боскичи- кадимги миср мифологияси бахайбат хайвонлар ва худолар образлари орасида инсон киёфаси хам курина бошлаган. Факат кадимги юнон саъатидан бошлаб инсон санъат асарининг бош предмети булиб хизмат килган В.Г. Белинскийнинг фикрича, антик адабиётда яратилган худолар- идеал одам образи, инсонни илохийлаштиришдан бошка нарса эмас, Гомернинг «Илиада», «Одиссея» асарлари, Эсхил, Софокл ва Еврипд трагедиялари, Аристофан комедиялари- бадий тафаккур тарихидаги илк буюк кашфиётлар булиб, булар инсоннинг

санъатга бош кахрамон килиб олинши окибатлари эди. Шундан бошлаб инсон санъатнинг бош кахрамони, асосий тасвир объекти булиб колди. Улуг санъаткорлик эслаганимизда дафъатан улар яратган адабий кахрамонлар ёдимихга тушади. Чунончи, Гомердеганда-Ахиллес, Гектор, Одиссея; В. Шекспир деганда - Гамлет, кирол Лир , Отелло, Ромео, Жульетта, Макбет; Алишер Навоий деганда _ Фарход, Ширин, Дилором, Искандар, Мажнун, Лайли, Бахром; Л. Толстой деганда - Андрей Болконский, Пьер Безухов, Наташа Ростова, Лезин, Анна Каренина, Нехлюдов, М. Шолохов деганда Григорий Мелехов, Семён Давидов, Нагульнов, Разметнов, Андрей Соколов; Ойбек деганда - Йулчи, Алишер Навоий, Уктам, Комила, Бектимир каби ёркин инсон образлари куз унгимизга келади. Гомер давридан бизнинг замонамизгача бадий адабиёт жуда узок ва бенихоя мураккаб тарихий жараёнларни босиб утди, аммо хар доим инсон унинг диккат марказида турди. Бирок бундан бадий асарда инсондан бошка хеч нарса тасвирланмас экан-да инсондан бошка хеч нарса тасвирланмас экан-да деган бир томонлама хулоса чикармаслик керак. Чунки, адабиётда инсондан ташкари табиат, хайвонот дунёси, буюмлар, жисмлар, предметлар ва бошкалар хам тасвирланади. Аммо улур хам, албатта , инсон билан боглик, холда ёки инсон нуктаи назаридан берилади. Шу муносабат билан талаба бадий асарда тасвирланадиган табиат, хайвонот дунёси, предметлар ва бошкалар хакида хам конкрет тасаввур хосил килиши лозим. Бу уринда

масаланинг куйидаги назарий жихатларига эътибор бериш керак:

Адабий асарда инсондан ташкари тасвирланадиган объектлардан энг мухими табиат булиб, уни илмий адабиётда пейзаж деб юритадилар. Хакикатан ҳам бадиий асарда табиат образи (пейзаж) тез-тез учраб туради. Аввало у асар композициясида, албатта, аниқ, гоёвий максадни ифодалайди: а) кахрамон харакат киладиган табиий мухитни ифодалайди; б) кахрамон характерининг у ёки бу кирраларини очишга хизмат килади; в) асарда тасвирланаётган воқеа- ҳодисага тарихий- конкрет, табиий тус беради ва хоказо. Масалан, Абдулла Каххорнинг «Синчалак» повестида назар ташлайдиган булсак, асарда санъаткорона чизилган пейзаж картиналарининг кахрамонлар характерларининг кирраларини , уларнинг рухий дунеларини очишга тула хизмат килдирилганлигини пайкаш кийин эмас. Чунончи, у (Саида- Т.Б.) жуда кеч ётганига карамай, тонг ёришар- ёришмас уйгонди, лекин кузлари тула уйку, бутун вужуди уйкунинг бир-икки минутли энг ширин жойи колди деб турар, сахар шабадасида япроқларнинг шитирлаши, кушларнинг чугур-чугури уни аллалар эди...». Бу пейзаж тасвирида автор гузал табиат манзарасини куз олдимизда гавдалантирибгина колмасдан, шу билан бирга, кахрамоннинг рухий кайфиятини, ички кечинмаларини ҳам очиб берган. Ёки Каландаров янги олинган юк машинасининг рулида кетар экан... «йул буйидаги таник яшил дарахтлар, барра утлардан кузи кувониб, кишининг вужудини, рухини яйратадиган май хавосидан маст булиб,

хиргойи килиб боради». Бу пейзаж ҳам Каландаровнинг рухи билан гоятда уйгун- кахрамоннинг калб кувончларини, кутаринки рухий кайфиятини, севинчини бурттириброк ифодалашга хизмат килдирилган.

Бадий асарда табиат картиналари факат ёрдамчи воситагина булиб колмайди. Чунончи, пейзаж лирикасида бош тасвир объекти- табиат ходисалари. Аммо бу хил асарларда ҳам пейзаж инсон хаёти Олимжон, Уйгун ва бошка шоирларимизнинг пейзаж лирикаси ана шундан гувохлик беради.

Шоир Ойбек «Наъматок» шеърида юзаки караганда шунчаки бир тог гули - наъматокни таъриф-тавсиф килаётганга ухшайди- шеърда факат наъматок хакида гап бораётгандек туюлади. Аслда эса шоир бу шеърида рамзий образ- наъматок воситасида кахрамон (Шоирнинг узи)нинг жонажон улкамиз бахорига, кувнок хаётга, гугалликка, нафосатга булган жушкин мухаббатини тараннум этади. Шоир фалсафасига кура, нафосат, гузаллик, хаёт иштиёки, завки шу кадар кучлики, у хар кандай кабохаётни, ёзувликни, кора кучларни догда колдира олади. Тог коясини ёриб чиккан, шамолга, беаяв буронларга бардош берган ва улар устидан галаба килиб, куёшга сават ок гул хадя килган наъматок мана шундан гувохлик беради:

Нафис чайкалади бир туп наъматок
Юксақда, шамолнинг беланчагида,
Куёшга кутариб бир сават ок гул,
Викорла ушшайган коя лабида,
Нафис чайкалади бир туп наъматок...

Майин раксига хеч клникмас кунгил,
Вахший тошларга хам у берар фусун.
Сунмайди юзида ёркин табассум,
Янокларни тутиб олтин буса-сун,
Куёшга тутуди бир сават ок гул!

Пойида йиглайди кумуш кор юм-юм...
Нафис чайкалади бир туп наъматак.
Шамол инжуларни сепар чашмадак
Бошида бир сават ок юлдуз- чечак,
Нозик саломлари накадар маъсум!

Тоглар хавосининг фирузасидан
Майин товланади бутун ниhoли,
Вахший кояларнинг ажиб ижоди:
Юксақда ракс этар бир туп наъматак,
Куёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

Шеърдаги хар бир суз ва ибороа шу кадар жозибалики, гуё улар мисраларга тизилган жавохирларга ухшайди :»шамолнинг беланчаги», «викор-ла ушшайган коя», «куёшга кутариб бир сават ок гул»... Накадар оригинал иборалар! Шоир тавирида, наъматек, хатто,» вахший тошларга хам... фусун» беради, унинг пойида «йиглайди кумуш кор юм-юм» ... Натижада китобхон куз унгида тог табиати манзараси жонланади. Бу манзара шу кадар жозибалики, у хар кандай кишининг хам калбини ларзага солади, тадиатнинг муъжизасига, « тоглар

хавосининг фирузаси» - наъматакка- гузаллик рамзига иштиёкини, хавасини, мухаббатини уйготади. Хуллас бу шеърда гуё инсон образи йукдек куринган булса-да, унда инсоннинг табиатга муносабати, лирик кахрамоннинг хаётга иштиёки , нафосатдан завкланиши, хаёт фалсафаси жуш уриб турибди. Шеърдаги наъматак эса уз улкасини жон- дилидан севувчи инсоннинг бой маънавий дунёсини очишга хизмат килдирилган. Бундай асарлар китобхони Ватанга мухаббат, эл- юртига садокат рухида тарбиялайди - уни порлок истикбол сари етаклайди...

Бадиий асарда хайвонот дунёси тасвирига хам алохида эътибор берилади. Аммо у хам инсон хаёти билан боглик, холда ифодаланади. Хайвонлар образлари хам, худди пейзаждек, инсон характерининг у ёки бу кирраларини очиши керак. Бу уринда, «Алпомиш» достонидаги Бойчибар, Ч. Айтматовнинг «Алвидо», Гулсари» повестидаги Гулсари, А. Каххорнинг «Синчалак» киссасидаги от тасвирини эслаш кифоядир. «Синчалак»да Каландаров билан Саиданинг отда колхозни айланиб чикишини тасвирловчи эпизод бор. Шу эпизод оркали, биринчидан, Каландаровнинг колхоз хаётини хаётини яхши билишлиги, кишилар калбига йул топа олувчанлиги, тажрибакорлиги курсатилган булса, иккинчидан, тажрибасиз. Саиданинг ундан куп нарсаларни урганганлиги далилланган. Аммо шу эпизодда автор бир символик гоёни хам олга сурган. Бу гоё от воситасида очилган.

Каландаров аслида Саидани колхоздан бездириш максидида анашу «саёхат»ни уюштиради. Шунинг учун

хам унинг узи ювош саманни олиб, отда юриб урганмаган Саидага бошини куйиб юборса суриб кетадиган, тортса уйноклайдиган ута шухтойни беради. От Саидани хаддан ташкари толиктиради, кийнайди:» Дала йулига чикилганда Саида бир тажрибасизлик килди, той ха деб суришга интила берганидан» бир чоптирай, зораики чарчаб, бироз босилса» деган хаёлда бошини куйиб берди. Шунга махтал булган той бирдан кутариб кетди : Саида харчанд бошини тортмокчи булса хам, худди тушида уринаётгандай, тортолмас эди. У эгарнинг кошени икки куллаб махкам ушлаганича энтикиб, дод дегани нафасини ростлолмай борар эди; назарида мингкилометр куринган бир неча метр масофани босганидан кейин нима булиб хушини унглади-ю, жиловни силтаб торди. Той бирдан йулга кундаланг булиб уйноклади, пишкириб олдинги оёкларини кутарди, чопганидан кейин чарчаб босилиш урнига, баттар булди. Саиданинг белига огрик кирди, такими шилингайдай булиб ачишди ...»

Аввало, бу уринда тойнинг шухликлари хамирида бир поэтик гоя бор, шу оркали Каландаров Саидаги «Сиз болалик килиб, бунака хом хаёлларга бориб юрманг. Мен узим аравадан бошка ишга ярамайдиган пачок отдай куринсам хам унча- мунча чавандоз минолмайдиган улокчи отман. Унча- мунча одамни ерга чалпак киламан. Чалпак. Буни билиб, тушуниб куйинг...» деяётгандек туюлади кишига. Ха, раис чиндан хам мана шундай демокчи. Бирок куп утмай Саида салд тажриба орттириб, шухтойни жиловлаб, бутунлай уз измига солиб олади. Бу билан автор гуё Каландаровга « Бузокнинг югургани

самонхонагача», сен бундай мантиксиз тархашовликларинг билан узокка боролмайсан, барибир Саида сени жиловлаб олади, чунки у факат акл- идрок ва кучли мантик асосида иш килади, ундаги тажрибасизлик, гурлик уткинчидир» деяётгандек...

Баъзан бадий асарда хайвонлар образи мураккаб гоъвий- композицион роль уйнаши, аммо шунда ҳам улар, албатта, инсон характерини очишга, унинг хатти-харакатларини, тақдирини изохлашга кумак бериши керак. Масалан, Л. Толстойнинг «Анна Каренина» романида тасвирланишича, пойгада Вронскийнинг оти йикилиб бели синади. Бу ходиса роман бош қахрамони Анна Каренинанинг қисматида бурилиш нуқтаситнинг содир булишига сабаб булади: шу пайтгача Анна узининг Вронскийга булган мухаббатини эри Алексей Александровичдан яшириб келган булса, эндиликда очикдан-очик, эътироф этади-«... Тугри, мен хаяжонга тушдим, хаяжонга тушмай туролмасдим. Хозир ҳам кулогим сизда-ю, хаёлим унда. Мен уни яхши кураман, мен унинг маъшуқасиман, ортик, чидаёлмайман. Сиздан куркаман, сиздан нафратланаман...» дейди у эрига.

Масал, эртак қаби жанрларда хайвонлар, кушлар ва паррандалар инсоний сифатлар ифодачиси булиб ҳаракат килади-аллегорик образ тарзида берилади.

Бадий асарда буюмлар, жисмлар, нарсалар, предметлар тасвири ҳам, обстановка, бино, уй жихозлари қабилар ҳам узига хос урин эгаллайди. Бундай образлар, одатда, асарда миллий социал-тарихий колоритни ифодалашга, қахрамонларни конкретлаштиришга, уларга

табий тус беришга, характер кирраларини очишга хизмат килдирилади. Бу уринда, лоакал,»Синчалак» повестида берилган буюмлар, жисмлар, предметлар ва обстановка картиналарининг асар кахрамонлари характерларини очишга нечоглик хизмат килдирилганлигига бир назар ташлайлик.

Мана,Кадандаровнинг ховлиси тасвири:»Каландаровнинг ховлиси каттагина экан. Бир томонда унча дид билан солинмаган булса хам, каттагина иморат , сиркор айвон, унинг рупарасида ховуз, чоғрок шийпон, сим кутарилган ток, богча-полиз... лекин буларнинг хаммаси ховли эгасининг хаваси зуру, хафсала ва диди йуклигини курсатиб турар эди: токнинг бир неча новдаси симга уз холича тармашибди-ю, колгани ерда ётибди; мева дарахтларининг остини , полизни шура ва гумай босиб кетибди, ховузнинг уртасида аллаканак коғоз яшик ярмигача сувга ботиб кийшайиб йтибди ва шпканинг гардиши, фанер парчаси сузиб юрибди; шийпон качондир бир буялган экан, хозир буёқдан асар колибди, холос ; айвоннинг зинаси олдида синик хум аганаб, каттакон кадок тош занг босиб ётибди».

Шу обстановка тасвирини автор бир неча мақсадга хизмат килдирган: у, биринчидан, каттагина моддий имкониятга эга булган раис Каландаровнинг рузгор-оиласи ва унинг узи истикомат киладиган шароитни куз олдимизга келтиради ва шу оркали кахрамоннинг хаётийлигини курсатади, уни далиллайди ва конкретлаштиради. Иккинчидан, Каландаров сиймосидаги ункир-чункирликларга, ички дунёсидаги пасту

баландликларга рамзий ишора килади. Ха ,Каландаровнинг ички дунёси ҳам худди шу ховлидек каровсиз , уз холига ташлаб куйилган. Унинг сиймосида, табиатида кенг феъллилик ҳам, одамийлик ҳам, донолик ҳам бор.Бирок уларни каровсизлик натижасида усиб чиккан сассик пупанаклар ураб олган- соф марваридлар чанг-тузон остида кумилиб колган.

Биз куриб утган манзара характерга тула мос. Аммо бадий асарда антитеза усулида чизиладиган ташки обстановка картиналари ҳам учраб туради. Чунончи , «Синчалак»да «Бустон» колхози партия ташкилотининг секретари кабинетини куз олдимизга келтириб курайлик.

Саида «Бустон» колхози партия ташкилотининг секретари» деб кизил ойнага ок хал билан ёзилган лавхали кора клеёнка копланган эшикни очиб кираркан, «кабинетни куриб ... огзи очилиб колди. Кимматбахо мебеллар кузни камаштиради. Столларга ёйилган кизил мовут, курси ва креслоларга копланган кизил бахмал чугдай яшнайджи. Деворларда рахбарларнинг зархал рамкаларга солиб осилган портретлари, областнинг харитаси, колхоз территориясининг плани, турлитуман диаграммалар, фотохужжатлар...»

Четган келган киши кабинет жихозларини куриб «Бустон»да партия ташкилоти ва унинг секретари катта мавкега эга экан. Раис бунга алохида хурмат ва эътибор билан караркан-да» деган хулосага келиши мумкин. Каландаровга эса худди шунинг узи керак: назарида бу гуё унинг обрусига обру кушади. Сохта обру, сохта шухрат, ортикча дабдаба кетидан кувиш- Каландаров характерида

чукур из колдирган иллатлардан биридирки, бу уринда санъаткор мана шунга ишора килган. Энди повестга кулланилган предметлардан бири- юк машинаси деталига эътибор килайлик.

Каландаров юк машинасида район марказига тушади (машина рулида шахсан унинг узи утиради). Хуш, нима учун машинани шофер эмас, аксинча Каландаровнинг узи бошкаради? Нега у уз енгил машинасида эмас, юк машинасида районга тушади? Бир карашда бунда хеч кандай «сир» йукка ухшайди: колхозга келтирилган янгигина юк машинасини раис «синаб» курмокчи булиб, рулига утиради, аммо у кучага чиккач, янги моторнинг соатдек аник чикклаб ишлашига кизикиб район марказига караб йул олади. Демак, раис шунчаки бир кизикиш, хавас билан район марказига тушганга ухшайди. Кахрамон характерининг мантики хам ана шуни такозо килади. Ха, хакикатан хам Каландаровнинг нияти шу. Аммо ёзувчи кузатган максад факат шугина эмас. Бу ерда бошка «сир№ хам бо : машина район марказига етай деб колганда калтис бир вокеа юз беради - машинани милиционер-регулировщик тухтаттиради ва райижрокомнинг курсатмасига мувофик кучанинг бузилган жойини туззаттириш максатида шагал ортиб кетишини сурайди. Бундай жахли чиккан Каландаров милиционерга курслик килади (шапкасини олиб отади, узиги машинанинг каноти билан уриб кетади...) Аммо у шу куни кечкурун автоинспекцияга кириб, уша милиционердан узр сурайди, унга ялиниб: « жон ука, начальникка рупара килиб, эркак каддимни букма, канча

штраф олсанг ол№ деб чунтагини тутуди. Маълум булишича, автоинспекциянинг начальниги хотин киши экан. Шунинг учун у милиционердан узр сураган ва илтимос килган экан. Демак, шу биргина предмет-машина воситаси билан адиб Каландаровнинг «сояда усган раис»лигини, бунинг устига аёлларга пастрок назар билан карашини китобхонга сездириб куяди. Бу эпизоддаги «сир»- ёзувчи кузатган асосий мақсад мана шу.

Демак, адабий асарнинг тасвир объекти - умуман хаёт- табиат ва жамият ходисалари. Бирок тасвир марказида инсон, унинг хаёти, хатти характерлари, хистуйгулари, кураши, севгиси, нафрати, рашки, кувончи ва дард-аламлари туради. Шунга кура, санъат асарининг бош предмети инсондир деб тушунмок керак.

4. Бадий адабиёт- инсоншунослик.

Хуш, санъат инсонни кандай тушунади ва кандай курсатади ?

Болгар академиги Тодор Павловнинг уктиришича, табиат ва жамиятда соф физик, соф химик ёки соф эстетик кийматга эга булган. Бирок хаётдаги предметларда шундай хислатлар борки, улар физикнинг хам, химикнинг хам, санъаткорнинг хам диққатини узига тортади. Улардан бири физик, иккинчиси химик ва учинчиси эстетик нуктаи назаридан шу предметни урганади, тахлил килади, хулоса чикаради. Чунончи, куёш ва юракни астроном, физиолог ва санъаткор уз нуктаи назаридан урганади : куёш - астроном назарида шарсимон, доимо энергия манбаи, эллипс буйлаб харакат килувчи фазовий жисм; санъаткор

нуктаи назарида эса куёш- хаёт ва нур манбаи, эрк ва бахт рамзи. Юрак- физиолог нуктаи назарида жонли организмнинг бир аъзоси- организмга кон етказиб берадиган насос булса, санъаткор наздида эса юрак- инсонийлик рамзи, калбдир. Бу уринда бизни кизиктирадиган нарса- инсон ва уни тушуниш масаласидир.

Аввало шуни айтиш керакки, инсон санъат ва адабиётнинггина предмети эмас. Инсонни физиология, анатомия, стоматология, хирургия, урология, травматология каби тиббиёт фанлари, тарих, этнография, антропология, педагогикакаби катор гуманитар фанлар, биология сингаритабий фанлар хам урганади. Шунга кура, инсонни фан кандай текширади ва санъат кандай урганади деган саволтабий равишда келиб чикади.

Фан инсонни яхлит холда олиб текширмайди, аксинча у уз объектини алохида элементларга булиб урганади. Санъат эса уз предметини чинакам яхлитликда, жонли бир бутунликда олиб текширади. Олим конкрет ходисадан шу ходисанинг мухим хусусиятларини уз ичига камраб оладиган абстракция томон боради, бунда предметнинг бир бутунлиги сакланмайди.

Инсон адабиётда бутун мураккаблиги, яхлитлиги билан акс этади. Адабиётнинг марказида инсон- хис килувчи, фикрловчи, харакат килувчи, уз атрофини куршаб олган ташки дунё билан боғланган киши туради, холос. Шунга кура, М. Горький « бадий адабиётнинг материали-одамдир» деган (М.Горький, собр. Соч. В 30 томах , т. 27, М. 1953, стр.254), адабиётни,

хатто,»инсоншунослик» деб аташни тавсия килган (М.Горький Собр. Соч. В 30 томах , т.25, стр 311).

Шундай килиб, ёзувчи уз асарида бутун воқеликни ва бутун мураккаб ҳаётини муносабатларни конкрет инсон ҳаёти картиналари орқали бадиий ифодалайди. Адабиётнинг билиш предмети- воқелик, ҳаёт; тасвир объекти- инсон ва унинг вазифаси- кишиларни тарбиялаш.

Таъкидлаш керакки, бадиий асар қахрамони китобхон қалбини ҳар қанча ҳаяжонга солмасин у укувчи учун зарур бўлган масалаларни ифодаламаган бўлса қузатилган мақсадга эришиб бўлмайди. Қахрамон турли-туман китобхонларга маънавий озиқ бериши , уларни қизиқтирадиган муоммаларни ифодалаши лозим. Чунончи, Л. Леоновнинг «Рус урмони», Граниннинг «Қидирувчилар» қаби романларида турли профессиядаги олимлар ҳаёти тасвирланган. Буларда шу соҳа мутахассисларини қизиқтирадиган бир қатор масалалар билан бирга ҳамма кишилар учун ҳам зарур бўлган масалалар- меҳнатга, коллективга, Ватанга, инсонга муносабат қабилар ҳам ақс этган. Шунга қура, бу асарларни турли қасб-қордаги ва турли ёшдаги китобхонлар севиб уқишади. Зотан, ишчи ҳақидаги асар дехқон учун ҳам, дехқон ҳақидаги асар ишчи учун ҳам қизиқарди бўлиши- уларни маънавий жиҳатдан бойитиши, тарбиялаши керак. Санъат китобхонни завқлантириш, унга беҳад қувонч, иштиёқ, илҳом бахш этиши лозим. Санъат гузаллик қонунияти асосида иш тутади.

3- маъруза. БАДИИЙ ОБРАЗ (4 соат)

Дарс режаси:

1.Образлик ва образ

Бадий образ ва унинг асосий хусусиятлари.

3.Образ яратиш усуллари.

5.Образлар таснифи

Адабиёт:

1. Абдулла Каххор. Хаёт ходисасидан бадий тукимага. Асарлар (олти томлик).-Т: Адабиёт ва санъат, 1971-6т.б. 314-328

2. Ойбек «Навоий» романини кандай ёздим. Мукаммал асарлар туплами.Т: Фан, 1979-13т-б.291-293

3. Иззат Султон. Адабиёт назорияси-Т.: Укитувчи, 1980-б.191-195.

1.ОБРАЗЛИЛИК ВА ОБРАЗ

Образлилик- санъатнинг умумий хусусияти, хаётни узлаштиришнинг специфик формаси ва усули, санъатнинг «тили» ва шу билан бирга хаёт ходисалари устида чиқарган «хукми». Бадий образ- образлилик тушунчасининг бир қисми. Образлилик- адабий ижоднинг сохиятини, умумий хусусиятларини: адабий қахрамон, бадий тил, табиат, предмет, ҳайвонот дунёси тасвири ва хоказоларни уз ичига қамраб олади. Образ-санъат асаридаги инсон тасвири. Демак, образлилик- кенг маънода, бадий образ- тор маънода қулланилади. Бирок шуни ҳам эсда тутиш керакки, образ атамасининг узи ҳам икки маънода, яъни кенг ва тор маъноларда қулланилмоқда. Образ атамаси кенг маънода

кулланилганда образ тушунчаси доирасига инсон тасвиридан ташкари пейзаж, деталлар, буюмлар, предметлар, жисмлар, хайвонот дунёси, асар тилидаги тасвир воситалари ва хоказолар киритилади. Образ атамаси тор маънода кулланилганда эса фақат инсон ҳаётининг бадиий манзаралари англашилади, холос.

Образ назарияси ҳақитдаги ибтидоий фикрларни машҳур юнон файласофи Аристотелнинг эстетик қарашларидаёқ учратиш мумкин (қаранг: Аристотель, Об искусстве поэзии. М. 1957, стр. 118) Бирок, образ атамаси биринчи марта машҳур немис файласофи Гегелнинг эстетикага оид асарларида ишлатилган, бу ҳақдаги жиддий таълимот ҳам ана шу олим каламига мансуб. Гегель (1770-1831_ уз эстетик қарашларида санъат ҳақида фикр юритар экан, «санъат- образлар орқали фикрлаш» демақдир деб таъкидлайди. Санъатга берилган бу таъриф классик таъриф бўлиб қолган.

Россияда образ атамаси асосан В.Г. Белинский (1811-1848) адабиёт илмига олиб кирди, бу ҳақдаги таълимотни мукамаллаштирди. Утмишда узбек адабиётида образ атамаси ишлатилмаган, бунинг урнига «тасвир», «нусха» каби иборалар кулланилган. XX асрда Ўзбекистонда ҳам образ атамаси кулланила бошланган. Асосан, образ атамаси 1939 йилда нашр этилган Иззат Султоновнинг «Адабиёт назарияси» дарслигида жуда кенг ва принципиал равишда ишлатилган. Шундан бери бу атама узбек адабиётшунослиги терминологиясидан мустаҳкам урин олган.

2. БАДИИЙ ОБРАЗ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, санъат ва адабиётда хаёт образлар воситасида акс эттирилади. Санъаткор хаётни кузатади, кузатган воқеаларини тафаккур оламидан уткази, уларни қайта ташкил қилиб яна жонли хаёт шаклида яратади. Хаёт воқеа-ҳодисаларини қайта тиклашда инсон образи гоёта муҳим роль уйнайди. В.Г.Белинскийнинг фикрича, «роман ёки қиссада шахслар, характер ва типиклик бўлмаса, хаёт воқелиги қай даражада тугри қизилган бўлмасин китобхон ундан хаётнинг реал аксини топа олмайдими...» (Русские писатели о литературном труде», Л. 1954, т. 1. Стр.526). Бундан бадиий асарда образ қанчалик муҳим аҳамият қасб этиши англашиларликдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, бадиий образ дейилганда асосан инсон образи тушунилади ва у адабиётда ҳал қилувчи роль уйнайди. Гоёвий- бадиий етук асарлардаги кишилар образлари орқали биз маълум бир давр хаёти ҳақида кенг ва конкрет маълумот оламиз. Шу сабабли қуйида биз образ ҳақида фикр юритар эканмиз, асосан, кишилик образини назаода тутамиз.

Хуш , бадиий образнинг моҳияти, асосий хусусиятлари нималардан иборат?

Роф. Л.И. Тимофеевнинг таърифича, «образ- туқима ёрдами билан яратилган ва эстетик қиймат қасб этган инсон хаётининг умумлашма ва, айни чоқда, конкрет манзарасидир» (Л.И. Тимофеев, Основы теории литературы, «Прос. М. 1971, стр. 62-63). Ф.М. Головенченконинг фикрича, «образ- индивидуал форма орқали хаётнинг ҳодисаларни умумлаштириш демақдир» ёки «бадиий образ - бу инсон ва инсон хаётининг конкрет

ва, айни чокда, умумлашма манзарасидир» (Ф.М. Головенченко, Введение в литературоведение, «Высшая школа», М. 1964, стр. 20 и 28). Бу таърифлардан ҳам англашиларликки, образ деганда инсон хаётининг бадий манзаралари тушунилади. Инсон хаётининг бадий манзаралари деганда эса биз адабий асарда инсон хаёти картиналарини тасвирлаш жараёнида намоён буладиган куйидаги турт хусусиятни англаймиз: а) умумлашмалик, б) конкретлилик, индивидуаллик, в) бадий тукимадан фойдаланиш ва г) тасвирда эмоционалликка эритиш. Булар- бадий образнинг асосий хусусиятлари булиб, уларни , шартли равишда, алохида-алохида куздан кечириш баддий образ тузилишини, табиатини ва функциясини англашга ёрдам беради.

А) Умумлашма-бадий образнинг мухим хусусияти.

Л. Н Толстойнинг фикрича. Адабиётда маълум бир тип яратиш учун шу тоифадаги жуда куп кишиларга хос хусусиятларни танлаб олиб. Бадий бир бутунликка жамлаш керак. М.Горькийнинг таъкидлашича. ёзувчи бир дукондор.чиновник ёки ишчи образини яратиш учун жуда куп дукондор. чиновник ва ишчи хаётини урганиши. Уларнинг социали-синфий кифасини белгиловчи характерли хусусиятларни. Одадларни ва бошқаларни бир оброзда бера олиши керак. Демак. Адабий асар кахрамони хаётдаги кишиларга жуда ухшаб кетса-да уларнинг айнан узи була олмайди. Образ-умумлашма натижаси булади.- умумлашма натижаси булади.Асарда тасвирланган биргина образ заминиде юзлаб-минглаб кишиларга хос хислат ва белгилар умумлаштирилиб,

жамлаб берилади. Масалан, шоир Гафур Гуломнинг «кукан» поэмасидан олинган куйидаги мисраларга эътибор килайлик:

Кукан йули бой бир тарих, тугал дoston,
Бу дostonда бирлашадир миллионлаб жон,
Бу дostonнинг кахрамони бутун бир синф,
Бу дostonда кураш, улим, енгув ва чин...

(Гафур Гулом, Асарлар, беш томлик, 3 том, Т.,1965,186-бет)

Шоир Хамид Олимжон «Зайнаб ва Омон» дostonининг мукаддимасида:

Суйлаб берай Зайнаб ва Омон

Севгисидан бир янги дoston.

Бир зур оташ, бир зур аланга

Икки калбга туташгани рост,

Бир севгиким жон берур танка,

Хам Зайнабу Омонларга хос.

Деб ёзиши хам бежиз эмас-да!

Шундай килиб, Кукан хам, хаттоки Зайнаб ва Омонлар хам 30-йиллардаги ёшларнинг характерли хусусиятларини узларида мужассамлаштирган, бинобарин, улар умумлаштирилган образлардир. Шунингдек, Ойбекнинг «Кутлуг кон» романидаги Мирзакаримбой образи -XX аср бошларида тугилиб келаётган узбек миллий буржуазиясининг умулашма образи- типичанлигини хам пайкаш кийин эмас. Мана шунга кура, баддий асарни укиганда сезиб турамызки, асарда тасвирланган кишилар хаётдаги жонли

одамларнинг хислатларини узида жамлаган бадий бир бутунликка йиккан, синтезланган таклидир.

2. Бадий образнинг конкретлиги ва индивидуаллиги. Адабий асарда тасвирланган бадий образ умумлашма натижасигина булмай, айти чокда, конкретлаштириш, индивидуаллаштириш махсули хамдир. Затам, адабий кахрамон том маънада индивидуаллаштирилган булиши зарур. Чунки ёзувчи бадий образки индивидуал хусусиятлари билан курсатиш оркали конкретлаштиради, образга жонлилик, хаётлийлик, табиийлик бахт этади, эмоционалликка эришади-укувчи хиссиётига таъсир килади, уни иш онтиради. М. Горький ёзади: «Ёзувчи уз кахрамонларига айнан жонли кишиларга карагандек караши керак, уларнинг жонли булимлари учун эса ёзувчи бир кахрамоннинг куткида, харакатида, жуссасида, юзида, жилмайишида, куз уйинида ва хоказоларда характерли, узига хос оригинал хусусиятларни кидириб тониб, таъкидлаб курсатиш, кайд килиши зарур. Буларнинг хаммасини кайд этиш билан ёзувчи тасвирлаган нарсаларни китобхонинг тузукрок куриши ва этитишига ёрдам беради. Мутлако бир хил одамлар булмайди, хар бир кишининг ички киёфасида хам, ташки куринишида хам кандайдир узига хослик булади.

Индивидуаллаштиришнинг асоси- реал хаёт . Хаётда эса, одамлар хар хил булади. Ана шу турли- туман характерли одамлар адабиётда индивидуаллаштириш оркали уз ифодасини топади. Индивидуаллаштириш бир хил маслак ва гоядаги кишиларнинг ранг=баранг образларини яратиш имконили беради. Масалан, Аскад

Мухторнинг «Туглиш» романидаги Нефиса, Луксонча, Жуман, Поччаев, Самадий, Бек, Адолат образлари маслак ва гоя жихатидан асосан бир гуруҳга мансуб булса-да, бир биридан кескин ажралиб турадиган ранг-баранг кифадаги кахрамонлар сифатида намоён булган. Ойбекнинг «Кизлар» достонида Назмихон, Олтиной, Дилбар, Ойжамол ва Гулшан образлари яратилганки, буларнинг ҳам хар бирининг уз кифаси,- уз ёши, завки, килинги, портрети бор.

Машхур рус классик ёзувчиси М.Е. Салтиков-Щедрин реалистик адабиётнинг мухим хусусиятларидан бири-инсонни хаётда булганидек мураккаб, куп киррали, ранг-баранг хислатлар эгаси килиб курсатишда иборатдир деб таъкидлайди. Унинг уктиришича, «инсон мураккаб организм»дир. Шунга кура, адиб инсоннинг ички дунёсини олдиндан уйлаб куйилган « бир Ёхуд бир неча» деталлар оркали ифодалаокчи булган, аслда эса «тамомила бир колипдаги» образлар яратиётган ёзувчиларга карши кураш олиб борган: образларнинг ранг-баранглиги хакидаги талабни халк хаётини жунлаштириб курсатишга карши кураш билан боглаган.

Образларнинг ранг-баранглиги, эстетик бойлиги, куп кирралиги=хаётнинг мураккаблиги, куп кирралиги такозосидир, Образларнинг ранг-баранглиги - конкрет тарихий вазиятдаги инсон характерларини хакконий тасвирлаш натижаси. Бу- типик шароитни кахрамоннинг бевосита интеллектуал олами, хатти- харакатлари, килик-одатлари, муамола- муносабатлари оркали баддий ифодалаш демакдир. Ёзувчи ранг-баранг образлар

яратишда, хар бир образнинг куп киррали, такрорланмас хислатлар сохиби сифатида курсатишга, албатта, хаёт хакикатига асосланади. Акс холда, турмуш диалектикасини, хаёт эволюциясини бузиб курсатувчи схематик образлар яратиладики, бундай образлар китобхон калбига йул топа олмайди. Бадиий етук образлар яратилган асарлар эса, хакикатан хаёт характеатларни уз очига олади. Шундай асарлар ва уларнинг кахрамонлари китобхоннинг калб кузгусида накшланиб колади, уни эстетик жихатдан бойитади. Чунончи, «Синчалик» повестида Абдулла Каххор калами билан яратилган ранг-баранг кахрамонларнинг хар бири характер жихатидан мураккаб, куп киррали, аммо яхлит, куйма, индивидуал образдир. Саида, Каландаров, Носиров, Эшон, Козимбек, Умида, Тожихон, Исмоилжон, Ойнисо, Зулфиков, Мехрихон, Кифоятхон ва бошка образлар, биринчидан, бир-бирига сира ухшамайдиган гоятда оригинал образлар булса, иккинчидан, уларнинг хар бири куп киррали, ранг-баранг хислатли одамлар типи сифатида куз унгимизда жонданади-жонлилик, хаётийлик бу образларнинг «кон-жони»га чукур сингиб кетган. Хусусан, Арслонбек Каландаров образни яратиш (умумлаштириш ва индивидуаллаштириш)да адиб узининг улкан талант ва санъат сохиби эканлигини тула намойиш кила олган.

Арсланбек Каландаров- бенихоя мураккаб образ. Унинг сиймосида инсоний хислатлар ва кусурлар пайвандлашиб кетган. Каландаров коллективлаштириш даврида фаоллик курсатган, колок хужаликларни

илгорлар даражасига кутаришда катта хизмат килган, дехкончилик илмини сув килиб ичиб юборган, одамлар калбига йул топа оландиган тажрибакор ва тадбиркор рахбар. У колхоз мулкини куз корчигидай асрайдиган одам. Шунинг учун хам уни колхозчилар хурмат килишади. Аммо, айтиш чокда, Каландаров сиймосида катта-катта кусурлар хам бор- у шахсга сизиниш авж олган бир даврда уз ютукларидан магрурланиб кетади- колхоз демократиясини бузади- шухратпарастликка, бекликка берилади: иззат -обрукелтирадиган план ва даромаддан бошка хамма нарсага панжа орасидан карайдиган булиб колади. Шу туфайли у уз фаолиятида кузбуямачиликка, сохталикка йул куяди. Арслонбек Каландаров образнинг конкретлиги ва индивидуаллиги хакида гап кетганда шуни айтиш керакки, ёзувчи Каландаров образнинг ташки портретидан тортиб ички кечикмаларига, хатти- характерлари-ю килик-одатларига, нуткидан тортиб юриш- туришларига чукур индивидуаллаштирган. Бу уринда Каландаровнинг баъзи килик-одатларини эслайдиган булсак, бу одатлар хам бошкаларда сира-сира учрамайдиган, факат унинг узигагина хос одатлар эканлиги билан кишини хайратда колдиради. Масалан, унинг меҳмон кутиш одати хам узгача: «Каландаров мундайрок меҳмон келса югурдагига «Эшон! Дер экан. Бу «иккита нон билан чойнак чой олиб кел» дегани. «Хой, Эшон!» деса - ош буюргани, «Эшон хой» деган эса «ховлига бориб хотинимга айт, нозик меҳмон олиб бораман» дегани булар экан». Раис уз кабинетни ё меҳмон келганда, ё жахли чикканда

очтиради. У овкатлардан факат паловни, рахбарлардан факат урток Кодиров (район партия комитетининг собик биринчи секретари)ни, дорилардан факат пеницилинни тан олади! Ёки у шахарга тушса, албатта, циркка киради ва бошқалар. Шу каби хислат ва белгилар жам булиб, Каландаров образини конкретлаштирган, индивидуаллаштириш. Натижада, Каландаров - эстетик жахатдан бой, турли- туман хислатли, куп киррали ва тулакони характер- давр типичи - шиддаткор инсон образи даражасига кутарилган. Мана шундай етук бадий образларгина китобхон хотирасида жонли кишидек (хаётдан унинг узи айнан бордек) адабий мухрланиб қолади.

Таъкидлаш лозимки , агар образ конкретлаштирилса, индивидуаллаштирилса-ю, етали даражада умумлаштирилмас, у типич булмайдиган унда образ нотипич, китобхон учун зерикарли бир натура булиб қолади. Шунингдек, образ умумлаштирилган булса-ю, аммо конкретлаштирилмаган булса- унда образ мавхум, жонсиз, китобхоннинг эсида сакланиб қолмайдиган схемага айланиб қолади. Демак, адабий асар қахрамон факат умумлашма сифатларгагина эмас, балки ҳамма жонли кишилардек тамомила конкрет, индивидуал сифатларга ҳам эга булар экан. Хар бир тула қонли образ, айни чоқда, индивидуал характердир.

В) Тукима- бадий образнинг муҳим хусусияти.

Образ хаётий умумлашмаларни индивидуал шахс белгилари, инсон хаётининг конкрет манзаралари орқали ифодалашни такозо қилар экан, бундай мураккаб ижодий

жараённи бадий тукумасиз, ижоди фантазиясиз килиш мумкун эмас. Энг оддий умумлашмада хам фантазиянинг булакчалари булади. УМУМЛАШТИРИШ ЭСА САНЪАТНИНГ УМУМИЙ Конунияти- умумлашмасиз хеч кандай бадий образ яратилмайди. «Бадий адабиёт,- деб ёзган эди М. Горький, - ходиса ва характерларни типиклашни, «уйлаб топиш»ни, тукумани талаб этади» (Русские писатели о литературном труде, т.4, М. 1956, стр. 59) . Адабиётда «бадий тукума канча куп булса, шунча яхши,- деган Алексей Толстой, - Лекин бадий тукумани шундай амалга ошириш керакки, ундан укувчида чинакам турмуш хакикати деган таассурот колсин. Ёзувчи бадий тукумасиз яшай олмайди. Зотан, бутун адабиёт бадий тукумалардан иборат, чунки турмуш ходисалари замон ва макон ичида сочилиб ётади. Масалан бир одамни олайлик: у одам узининг мохиятини, табиатини очиб берадиган бир сузни бугун айтса, иккинчисини бир хафтадан, учинчисини бир йилдан кейин айтиши ва балки хеч бир айтмай утиб кетиши хам мумкин. Ёзувчи ана шундай одамни кетма-кет сузлатади. Унинг мохияти ва табиати учун характерли сузларнинг хаммасини айтдиради. Бу эса турмушни бадий тукумалар воситасида акс эттириш булади. Аммо бадий тукумадаги хаёт оддий турмушдан кура реалрок ва туликрокдир» (Русские писатели о литературном труде, т.4, стр.489). «Халк орасида бундай типлар жуда куп ...- дейди Абдулла Кодирий («Утган кунлар» ва « Мехробдан чаён»ларининг кахрамонлар Отабек ва Кумуш, Раъно ва Анвар образлари хусусида тухталиб). Лекин, уларнинг

хаммасини хам асардаги каби айнан деб булмайди. Шахс, асардаги кахрамонга канчалик ухшаб кетмасин, бари бир унда кандайдир бирон камчилик, нуксон булади. Баъзан китобхон асарни бериблиб укийди-да, ундаги кахрамонни уз атрофидан излаб куради: айнан ухшадини топа олмагач, умидсизланади; умумлаштирилган типлар, деб хулоса чикаради ... Ёзувчи эса, куплаб шахсларда курган-кузатган типлардан узига керагини танлаб олади, умумлаштиради, бирон кахрамонда мужассамлаштиради. Бирок бунинг шартлари бор: типлар ясама, суъий булмаслиги, халк орасида бировда булмаса бировда курилган, табиий, мантикка тугри келадиган, китобхонни ишонтирадиган булиши шарт». Ёзувчи Абдулла Каххор «Хаёт ходисасидан бадий тукимага» деган маколасида шундай деб ёзади: «Агар ёзувчилик турмушдан нусха кучиришдан иборат булса, бундан осон иш булмас эди. Хаётдан айнан кучириш, китобдан кучиришдай гап. Копия булиб колаверади. Бундай нарсалардан оригиналик кутиш беҳуда. Оригиналлик хаёт хакикати дилдан утказиш, унга кунгилдаги гапларни сингдириш, тилагингни кушиб ифодалаш билан юзага келади».

Бадий тукима хаётини факт билан кушилган, уйгунлашган чоғдагина чинакам умумлашма - бадий образ вуждга келади. Бадий тукима ёзувчининг хаётга актив муносабати натижасида юзага келади. Ёзувчи бадий тукима ёрдамида конкрет одамларда мавжуд булган ижобий ёки салбий хислатлар ва искониятларнинг хали руёбга чикмаганларини хам хаёлан руёбга чикариб тасвирайди, хаёт фактини уз ижодий максадига мувофик

равишда ривожлантириб, узгартириб курсатади. Чунончи. Абдулла Каххорнинг «Бемор» хикоясида худди холни курамиз.

Ёзувчи Абдулла Каххорнинг узи гувоҳлик беришича, унинг «Бемор» хикояси автобиографик фактлар асосида яратилган. (Асарда тасвирланган воқеа муаллиф оиласида, Яйпан кишлогиди, 1913 йилда юз берган). Хикоядаги касалманд аёлини даволата олмай ночор ахволда колган Сотиболди- ёзувчининг отаси Абдукаххор ака, огир касал-муаллифнинг тулгоқ тутаётган онаси, «худое аямди дайдига даво бейгин» деб дуо киладиган турт ёшди кизчаёш Абдулланинг узи (беш ёшлик пайтлари). Бирок хикоядаги воқеа (бадий хакикат) хаётдаги воқеа (хаёт хакикати)нинг айнан узи эма : аслда тулгоқ тутаётган она куз ёриб, улим чангалидан омон колади - хикояда эса бемор ўазо килади... Бу уринда турмуш фактларининг узини айнан тасвирлаш кифоя килмас эди,»... инсоннинг хаёт- мамот холатини, унинг ниҳоятда огир турмуш шароитидаги ночор ахволини, улимга махкум килиб куйилганлигини курсатиш талаб килинар эди... Мен фактни кайта бичиб тикканимда хаёт хакикатига карши иш килаётиман деб сира уйлаган эмасман. Аксинча, хикояда хаётни ушандай курсатиб тугри килган эканман ; беш яшарлигимда аямдан етим колишим уша давр дароитида хеч гап эмас экан. Бу жудолик натижасида юз бериши мумкин булган бутун дахшатларни ва бунинг барча окибатларини энди тушуниб етдим» деб ёзган Абдулла Каххор.

Бадиий туқимани уйдирмадан, ёлгондан факрлаш керак. Уйдирма китоб хонно ишонтирмайди, унга хаёт хақиқати тугрисида сохта маълумотлар беради. Бадиий туқима эса ёзувчининг хаётдан олган хаққоний таассуротларига асосланади, унинг самимий хистуйгулари, теран фикрлари, узига хос истеъдоди ва махорати билан китобхоннинг маънавий дунёсини бойитади.

Конкрет тарихий шахсларга бағишланган адабий асарларда бадиий туқима бир қадар камрок ишлатилади. Масалан, Алишер Навоий хақидаги асарларда, кунинча, Алишер Навоий билан Хусайн Бойқаро уртасидаги мураккаб муносабат каламга олинади. Бу тарихий фактни узнартириб бошқалар қилиб курсатиш мумкин эмас. Аммо шу хаёт фактининг «Навоий» романида, «Алишер Навоий» драмасида ва «Алишер Навоий» бадиий фильмида қандай тасвирлангани қиёсан таҳлил қилинса, уларни яратган хар бир ижодкор тарихий хақиқатга содиқ булгани холда масалага узига хос ёндашганини қураминиз, Бундай узига хослик асарларнинг жанр такозосига қура бадиий туқимадан фойдаланиш демақдир.

Бадиий туқима хаёт хақиқатига зид булмайди, аксинча у хам уз навбатида хаётни типиклаштириб тасвирлаш усули сифатида қулланилади. Ёзувчи ижодий фантазияга, хаёлга, бадиий туқимага қанча бой булса, у яратма образлар шу қадар хаққоний, хаётий, муқаммал булади. Демақ, бадиий туқима қахрамон образни яратишда муҳим аҳамият қасб этар экан.

В) Эстетик таъсирчанлик(эмоционаллик,жозибадорлик)-бадий образнинг мухим хусусияти.

Саъатнинг вазифаси, биринчидан, воқеликни эстетик жиҳатдан узлаштириш ва , иккинчидан, китобхонда эстетик хиссиёт

(эмоция) уйготишдан иборат. Саъаткор гузаллик конунният асосида ижод қилади. Шунга қура, санъатнинг вазифаси- гузалликни тарғиб қилиш, унинг предмети-инсон эса баъзан гузаллик ва баъзан хунуқлик ифода қилиши мумкин. Бадий образ китобхонда, албатта, қандайдир эстетик хиссиёт (эмоция) уйготиши керак. Чунинчи, ҳаётдаги хунуқликни акс эттирган бадий образ китобхонда нафрат уйғотса, гузалликни ифодалаган бадий образ укувчида эстетик завқ-шавқ уйғотади. Езувчи бадий образ орқали эстетик идеални ифода қилади: идеал ижобий образда бевосита ва салбий образда билвосита ифодаланади. Езувчи ҳар бир образини эҳтирос билан тасвирлайди, унга актив муносабатда бўлади. Ижоткор энг оддий нарса устида ишлаётган бўлса ҳам, борингки чипта қовуш туқийётган бўлса ҳам, бу ишга қалбини қушади. Хунарманд шу ишга қалбини қуша олма, жуда улуг санъаткор бўла олади ва санъаткор фақат буёқларни чаплай берса-ю, ишга қалбини қушмас, хунарманд бўлиб қолиши мумкин..... Шунга қура, у ёки бу асарни уқиганимизда биз ҳам бадий образнинг фаолиятига бефарқ қарай олмаимиз: улардан ё илҳомланамиз, завқланамиз ёки фахрланамиз, урناق оламиз ёки нафратланамиз, газабланамиз жирқанамиз ва ҳаётдаги шундай қишиларга қарши қурашга аҳд қиламиз.

Чунончи, Садриддин Айнийнинг «Сутхурнинг улими» кисасидаги Кори Ишкамбанинг хар бир ёхатти-харакати бизда нафрат уйготса, Ойбекнинг « Кутлуг кон » романидаги хатти харакатларидан фахрланамиз, унга койил коламиз.

Проф. Л.И.Тимофеев « Адабиёт назарияси асослари» номли дарслигида образларнинг таъсирчанлигига санъат тарихидан куйидаги ажойиб мисолларни келтиради: француз санъатшуноси Ипполит Тэн (1828-1893)нинг хикоя килишча, америкали бир оддий солдат театрга тушиб «Отелло» спектаклини тамоша килади. Сахнадо Отелло рашк утида ёниб, савгили хотини, пок Дездемонани бугиб улдирар экан, солдат ундан гоятда нафратланиб кетади ва Отелло - актёрни отиб ташлайди.

XU11 аср поляк солномачиларининг ёзишича, поляклар билан австрияликлар уртасида жанг кетаётган бир пайтда бир гурух поляк солдатлари театр тушишади: сахчада полякларнинг австрияликлар устида козонган галабасини акс эттирувчи спектакль намойиш килинади. Вокеа давомида сахнага асирлар- австрияликлар олиб кирилади. Шунда солдатлар асирларни катл этишни талаб килиб туриб олишади, бу талаб бажарилмагач солдатларнинг узлари асирлар-актёрларни отшади.

Бу мисолларимизнинг узиёк бадий образнинг эстетик таъсирчанлик роли нихоятда катта эканлигини курсатади. Демак, китобхонда эстетик хиссиёт уйготиш- бадий образнинг гоятда мухим хусусити экан. Шусиз образни тасаввур килиб булмайти. Образнинг эстетик тарбиявий киймати ана шунда.

3. ОБРАЗ, ХАРАКТЕР, ТИП

Маълумки , одетда, образ тушунчаси характер тушунчасига нисбатан кенгрок булади: адабий асарда иштирок этувчи хар бир шахс образ деб юритила беради. Бунинг устига, юкорида айтганимиздек, образ атамасини баъзан образлилик маъносида хам кулланилаберди. Бу жихатдан караганимизда образ тушунчаси характер тушунчасига нисбатан янада кенгрок эканини пайкамиз. Адабиётшунослигимиз эришган ютукларга таяниб шуни дадил айтиш керакки, бадий адабиётда образга нисбатан характер мухим ахамият касб этади (хар кандай образ эмас, балки энг пухта образ характер була олади.) Ёзувчи характерлар тасвири оркали вокеликни акс эттиради. Бу-хаётни эстетик узлаштиришнинг асосий усули.

Характер- маълум ижтимоий шароит яратга инсоний ижтимоий фаолият типи. Характер Л.И. Тимофеев айтганидек, образнинг ядроси. Характер, биринчи навбатда, конкрет хаётий шароитда уз индивидуал хатти-характерлари ва рухий кечирмалари билан намоён буладиган аник инсон тасвири. Умуман айтганда, кахрамоннинг мухим хусусиятларини аниклайдиган асосий белгилар мажмуи характер деб юритилади (Г.А. Абрамович).

Адабиётшунос М. Кушжонов характерларнинг мохиятини аниклайдиган икки асосий хусусиятни курсатади: а) «шахс ирода йуналишини курсатувчи нарса характерни белгилайди» (Аристотель. Поэтика,М., 1957, стр.60). Н. Погодиннинг уктиришича , «агар одам бурнини кашиса ё кашимаса, секин ёки тез юрса шу билан

характер була бермайди, характер шахс продасининг юзага чикиши, харакатда ифодаланиши». («Вопросы литературы», 1960, №7, стр 185). Демак, характер энг аввало шахс иродаси, уша ироданинг йуналиши, унинг юзага чикиши ва ифодаланиши билан белгиланади (М. Кушжонов). Шахснинг ирода йуналиши маълум мухит ва шу мухитнинг шахсга фаол муносабати ва , аксинча, шахснинг мухитга муносабатидан пайдо; б) хулк-атворни белгилайдиган индивидуал асихологик белгилар: мардлик, куркоклик, инсофлилик, инсофсизлик, ташббускорлик, мехнатсеварлик, ишёкмаслик, дангасалик кабилар. Бундай индивидуал психологик хусусиятларсиз характерни тасаввур килиб булмайди.

Бадий асарда характерни белгиловчи психологик хусусиятлар купрок шахснинг индивидуал жихатларини аниклашга хизмат килса, шахснинг ирода йуналиш купрок унинг умумлашмалигини аниклашга хизмат килади. Бу иккала хусусият бир медалнинг икки томонини ташкил этади. Адабиётшунос М. Кушжонов уз тадқиқотларида характерни белгиловчи бу икки хусусиятни « Кутлуг конг» романидаги Йулчи образи талкини мисолида жуда ибратли килиб исботлаб берган: хакикатан хам, Йулчида мехнаткаш халк вакилларига хос булган умумий хислатлар хам, унинг шахсий хислатларини аниклайдиган конкрет белгилар хам мавжуд. Чунончи, у содда, ювош, уятчан, хушёр, софдил, мехнатсевар, бакувват, халол, жасур йигит. Бу унинг хулк-авворини белгилайдиган психологик аломатлар. Шунинг узи билангина характер пайдо булиб колмайди. Ёзувчи Йулчининг ирода йуналишини очишга

хам алохида ахамият берган: Йулчидаги конкрет социал мухит таъсирида пайдо булган уз-узини англаш хусусияти ва шу хусусият натижасида ундаги олга интилишлар. Бу хусусият Йулчининг характерини белгилаб берган.

Асардаги мукаммал тасвирланган образларгина характер даражасига кутарила олади. Асарда иштирок этган образларнинг хаммаси хам бир варакайига характер даражасига кутарилмаган булиши мумкин. Характер - бу аник ирода йуналиши ва узининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажралиб турадиган шахслар образи , (Кушжонов). Шунингдек, хар бир характер хам адабий тип даражасига кутарила бермаслиги мумкин. Характернинг энг мукаммал шаклигина адабий тип даражасига кутарилган булади.

Тип (юнонча *tipos*- из, нусха, тамга; намуна, образ)- бу узининг аник ирода йуналиши билан, индивидуал психологик хусусиятлари билан маълум бир синф, маълум бир ижтимоий гурухнинг мухим хусусиятларини узида акс эттиган шахслар образи (М. Кушжонов). Адабий тип- муаян тарихий шароитдаги бутун бир синф ёки жамиятнинг бутун бир тоифасига мансуб булган кишиларнинг мухим хусусиятларини узида мужассамлаштирган мукаммал бадий образ Агар санъат асаридаги образларнинг мукаммали характер булса, чукур ва хар тарафлама пухта ишланган характер- образнинг олий нави адабий тип була олади. Григорий Мелехов (М. Шолохов, «Тинч Дон», Чапаев (Дм. Фурманов, «Чапаев»), Олег Кошевой (А. Фадеев, «Ёш

гвардия»), Алексей Мересьев (Б. Полевой, «Чин инсон киссаси»), Гофир ва Солихбой (Хамза, «Бой ила хизматчи»), Йулчи ва Мирзакаримбой (Ойбек, №Кутлук кон»), Саидий (А. Каххор, «Сароб»), Очил бобо (А. Мухтор, «Чинор»), Улугбек (О. Ёкубов, «Улугбек хазинаси»), Ойнисо (Х.Гулом, «Тошкентликлар»), Умид (Мирмухсин, «Умид№) каби мукамал бадиий образлар адабий типлардир. Адабий тип- давр ходисаси. А.С. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» комедиясидаги «Фамусов, Скалозуб, Молчанин, Репетилев сингари образларда бутун бир давр тарихий жихатдан аниқ акс эттирилган, уларнинг ҳар бирида даврнинг синфий ва «профессионал» белгилари курсатилган. Улар давр чегарасидан чиқиб, бизнинг кунларимизгача яшаб келиб, энди характер эмас, балки, масалан, Шекспирнинг Фальстафи, Мольернинг Мизантропи ҳамда Тартюфи сингари тип булиб қолганлар» (М. Горький. Адабиёт ҳақида, Узадабийнашр, Т. 1962, 197-1986) Адабий типда у мансуб булган синфнинг, ижтимоий гуруҳнинг, халқнинг, миллатнинг муайян даврдаги характерли хусусиятлари- « синфий белгилар» ифодаланади. «Тип, - деб таъкидлайди М. Горький, - бу бирон ижтимоий тоифага мансуб кишиларга хос булган жуда қўп айрим белгиларнинг синтезидир» (М. Горький, Собр. Соч. Т 26, стр 88). Бироқ факат « синфий белгилар»нинг узигина жонли, мукамал образни, конкрет характерни яратишга етарли имкон бермайди. «Ҳар бир акс эттирилатган шахсда умумий синфий белгилардан ташқари, ана уша шахс учун энг характерли булган, оқибат натижада унинг ижтимоий

ахлокини белгилайдиган фазилатларни топа билиш керак» (М.Горький Адабиёт хакида, Узадабийнашр, Т. 1962, 192- бет). Зотан тип аллакандай механистик равишда жамланган «гоялар комплекси» эмас, балки аник характерга, такдирга, шахсий хис- туйгуларга, одат килик, портрет, дид ва бошка индивидуал белгиларга эга булган жонли шахсдир. Масалан, Ойбекнинг «Навоий» романидаги Алишер Навоий, Хусайн Бойкаро, Мажидиддин ва бошка образларнинг хар бирида « синфий белгилар» хам, айти чокда,»ижтимоий ахлокини белгилайдиган фазилатлар» хам- индивидуал белгилар хам мужассамлашган.

Хар бир адабий тип, айти чокда, характер хамдир. Дунёни тушуниш ва бадий акс эттириш адабиётда образ, характер ва тип яратиш оркали амалга ошади.

Образ яратиш йуллари:

Езувчи образ яратишда типиклаштиришнинг рангбаранг усулларидан фойдаланиди. Бу уриндареализм адабиётида кенг Кулланилган бадий образ яратишнинг баъзи йуллари хакида тухталиб утмокчимиз. Чунончи:

а) Жамлаш йули билан образ яратиш. Езувчи хаётидаги дамлар турмушини, ички дарёсини , урф-одатини, рухиятини, фаолиятини урганиш асосида уларнинг энг мухим белгиларини, типик хусусиятларини саралаб танлаб олади, умумлаштиради, синтезлаштиради, бадий бир бутунликка йигиб, конкрет шахс образи оркали ифодалайди. Н.Г.Чернишевский дейди ёзувчи « купгина индивидуал шахсларни кузатади; буларнинг хеч кайсиси тула тип булиб хизмат кила олмайди; лекин у хар биридан

умумий типик хусусиятларни аниклайди; барча тасодифий хислатларни чиқариб ташлаб, ҳар бир кишиларга хос булган хусусиятларни бадиий бутликка бирлаштириш йули билан характер яратади» 1. М.Горкийнинг айтишича, ёзувчи « хамма ерда иш куради, у хамма гуллардан шарбат туплаб, асал ва мум хосил киладиган асал арининг узидир».

Санъаткор тукима образларнишу даражада хаётий, хакконий, табиий килиб яратадики, натижада китобхон шу боразнинг айнан узи хаётида бор деб уйлайди ва унга ишонч кузи билан карайди. Масалан, Х.Х.Ниёзийнинг « Бойила хизматчи » драмасидаги Жамила ва Гофир, Ойбекнинг « Олтин водийдан шабадалар» романидаги Уктам ва Комила, Гофур Гуломнинг « Кукан» поэмасидаги Кукан, А.Каххорнинг «Синчалак » повестидаги Саида каби жуда куплаб бадиий образлар ана шу усулда яратилган.

Б) Прототип асосида бадиий образ яратиш. Прототип нима ва у бадиий образ яратишда кандай рол уйнайди? Прототип (юнон- prototupon: protos - илк , дастлабки, бошлангич: typos- нукта, нишона образ) адабиётшуносликда бадиий образни юзага келтиришда негиз, асос, узак, ядро, фундамент, бош йуналиш нукта сифатида хизмат килувчи реал шахс (хаётда булган тарихий шахс) маъносида кулланилади. Бу усулда бадиий образ яратишнинг характерли жихати шундаки, бунда хаётда мавжуд булган тарихий шахс бадиий образнинг асосида туради. Зувчи хаётдаги фавкулудда шахслар-прототипларга таяниб бадиий образ яратади. Прототипли образ ратиш жараёнида хам, худди жамлаш йули билан

образ яратилаётганидагидек, хаёт ходимлари типиклаштирилиб курсатилади, (образ яратишда, умуман, кандай усулдан фойдаланишидан катъи назар) хаётни образли ифодалайди. Хакикий санъаткор каламига мансуб булган хар бир образ узининг хатти-харакати, килик ва одати, у-фикри, орзу-интилиши, бажарган иши билан тамомила типик ва шу билан бирга конкрет, аник шахс сифатида китобхоннинг ишончини козонади. Шунга кура, бундай образлар мутлако хаётий булиб чиқади.

5. ОБРАЗЛАР ТАСНИФИ

Адабиётшуносликда бадиий образлар куйидаги тамойиллар асосида таснир килинади:

а) Ижодий метод такозосига кура образлар куйидаги турларга булинади: мифологик образ, афсонавий образ, хаёлий-фантастик образ, символик образ, романтик образ, реалистик образ кабилар.

Реалистик образ- хаёт хакикатига монанд образлар булиб, улар жонли одамларга хос булган хусусиятларни узида мужассамлаштиради. (Юкорида бадиий образ ва унинг хусусиятлари хакида фикр юритилганки, булар бевосита реалистик образлар учун характерлидир). Узбек классик адабиётида яратилган образларнинг аксарияти романтик образлар булса XX аср адабиётининг асосий кахрамонлари реалистик образлардир. «Бой ила хизматчи»даги Гофир, Солихбой, Жамила; «Кутлуг кон»даги Йулчи, Мирзакаримбой, Гулнор, Ёрмат; « Сароб»даги Рахим Саидий, Мухторхон, Мунисхон; «Имон»даги Йулдош Комилов, йша, Азиза, Ориф; «Улугбек

хазиnasi»даги Мирзо Улугбек, Темур Самаркандий, Каландар Карнакий, Али Кушчи, Абдуллатиф; «Меъмор»даги меъмор Нажмиддин Бухорий, Бадиа ва бошка образлар реалистик образлардир.

Романтик образлар- хаётда айнан булмаган ва булиши орзу килинган муъжизакор куч- кувватга эга булган, юксак кутаринки рух билан яратилган образлар. Масалан, улуг узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг «Хамса»сида яритилган катор образлар- Фарход, Ширин, Мехинбону, Шопур, Бахром, Дилором, Лайли, Мажнун, Навфал, Искандар Зулкарнайн ва бошқалар ана шундай муъжизакор романтик образлардир.

Хаёлий- фантастик образлар- хвддан ташкари бурттирилган илохийлаштирилган, муъжизавий характерга эга булган образлар. Бундай образлар, хусусан, халк, огзаки ижодида куп учрайди. Чунончи, «Алпомиш» достонидаги. Пиру Жин, «Минг бир кеча» даги Дев, халк эртақларидаги Жин, Ажина, Дев каби образлар ана шулар жумладан. Хаёлий-фантастик образлар ёзма адабиётда хам учрайди, Масалан, Алишер Навоийнинг «Фархон ва Ширин» достонидаги ва Фирдавсийнинг «Шахноам» сидаги Девлар образларини эслаш кифоя.

Афсонавий образлар- бутунлай хаёлий образлар булиб, улар битмас-туганмас куч-куватга, юксак фазилитларга эга булади. Халк огзаки ижодидаги пахлавонлар мана шундай характерда. «Алпомиш» достонидаги Алпомиш, « Гур угли» циклидаги дostonлардаги Гур угли образлари хам афсонавий кахрамонлардир.

Символик образлар - предметлар, усимликлар, нарсалар, жониворлар, ранглар оркали ижтимоий ходисаларни умумлаштириш демақдир. Чунончи, кабутар-тинчлик рамзи, гул ва булбул - маъшука ва ошик рамзи, кизил ранг- озодлик рамзи ва хоказо. Бадиий асарларда яна шундай символик образлар ҳам учраб туради. Масалан, Асқад Мухтон «Чинор» романида Чинор символик образи оркали узбек халкига ишора килади. Уйгун узининг «Тинчлик кабутари» шеърида кабутарни тинчлик рамзи, миллионларнинг канотланган орзуси сифатида талкин этади:

Бу бир кушким утда ёнмас,
Сувга ботмас, ук утмас.
Чунки унинг юрагида
Миллионларнинг кони бор.
Чунки унинг юрагида
Кексаларнинг нажоти,
Оналарнинг мухаббати,
Болаларнинг жони бор.
У куш эмас- у келажак,
У саодат, у тинчлик,
Миллионернинг учиб юрган
Ироси, тилага!

Символик образларнинг яна бир гурухи аллегорик образлар деб юритилади. Аллегория (юн. Αλληγορία allos- бошка + agoreu- гапираман - киноя, мажоз) образи шу билан характерланадики, бунда куш, хайвон, хашорат кабилар инсонларга хос булган хусусиятга эга килиб курсатилади, бошкача килиб айтганда, улар

инсонийлаштирилади ва шу оркали хаётдаги айрим одамларнинг нуқсонлари устида куллинади. Чунончи, масалларнинг кахрамонлари, асосан, аллегрлик образлар булади. Мухаммадшариф Гулханий «Зарбулмасал» асарида Кур куш, Бойукли, Худхуд, туя, буталок, ташбока, чаён каби аллегорик образлар яратган. Сами Абдукаххор «Рахбар- хуроз» масалида Хуроз образи оркали уз мансабини суистеъмол килувчи, ошна- ргайнигарчиликка берилиб кетган айрим рахбарлар устидан очик ва аччик кулади.

Мифологик образлар- мифология (афсона) асосида яратилган асотирий образлар. Мифологик образлар инсон табиатга карши курашда ожиз булиб, ундаги ходисаларни кандайдир табиатдан ташкари, кишиларга нисбатан эзгу ёки ёзув ниятда булган худолар ва рухлар бошкаради деб уйлаган аждодларимиз томонидан яратилган. Мифологик образларда хам реалистик элементлар булади: улар вокеликнинг фантастик тасвири ва орзу- умидларнинг бадий ифодасидир. Масалан, кадимги юнон мифлари - Антей, Икар, Дедал ва Прометей тугрисидаги мифларда яратилган образларда халк орзу- умидлари афсонавий кобикка ураб берилган. Кадимга Урта Осиё, Эрон ва Арабистонда яратилган Каюмарс, Жамшид, Митра ва бошка мифологик образлар жуда машхурдир. «Шохнома», «Хамса», узбек халк традицион дostonларида яратилган худолар, девлар, яъжуж- маъжужлар, алвасти ва парилар хам асотирий образларга мисол була олади.

Б) Адабий тур ва жанрлар тақозосига кура бадиий образларнинг хиллари: лирик образ, эпик образ, драматик образ. Лирик шеърларнинг қахрамонлари лирик образ ёки қахрамон деб юритилади. Хамид Олимжоннинг «Улка», «Урик гуллаганда», «Ўзбекистон» шеърларининг бош қахрамони- шоирнинг узи - лирик образдир. Эпик асарларроманлар, повестлар ва эпопеяларнинг қахрамонлари эпик образлар деб юритилади. Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романидаги Бектимир, Али тажанг, Сафар чутир, Аскар полвон қаби образлар ҳаётни кенг- эпик планда ифодалаганликлари учун ҳам эпик образлардир. Драматик сахна асарларининг қахрамонлари драматик образлар бўлади. К. Яшиннинг «Инқилоб тонги» драмасидаги Фозилхужа кескин вазиятларда ҳаракат қилади, унинг қалбида драматик қоллизиялар тугён қилади. Демак, Фозилхужа - драматик образдир. Бундан ташқари, қувноқ, қулги воситасида яратилган образлар («Шоҳи сузана»даги Ҳамробуви, Ҳолнисо қаби) қомик образлар, қожиявий қисматга эга бўлган образлар (М.Шолоховнинг «Тинч Дон» эпопеясидаги Григорий Мелехов, М.Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек, В.Шекспирнинг «Отело» сидаги Отело образлари)трагик- қожиявий образлар ҳам деб юритилади.

Йирик ҳажмлі асарларда (эпик, драматик) ва бош ёрдамчи образлар бўлади. Асар воқеаларнинг марказида туриб, ҳаракатга қелтирадиган, ёзувчи айтмоқчи бўлган асосий қояни узида ифодалайдиган шахслар бош образ ёки бош қахрамон деб айтилади. А.Қаҳҳорнинг « Сароб»

романида бош образ - Саидий. Бу образ оркали ёзувчи 20- йилларда хаётда ух йулини топа олмаган, адашган шахслар фожиасини ифодалаган. Баъзан асар марказида карийб баробар ахамиятга эга булган икки ёки ундан ортик образлар туради. Чунончи Синчалакда етакчи уринда аида ва Каландар образлари туради. Булар асосий образлар ёки ёёндош образлар деб аталади. Бадиий асарда жуда кам иштирок этган ва маълум бир гояни ифодалаган кичик образлар эпизодик персонажлар ёки ёрдамчи образлар дейилади . «Синчалик» повестидаги Козимбек,Эшон,Мехри, Зулфикоров, Ойниса, Умида каби образлар мана шундай характердадир.

В) Адабиёт хаётни икки хил йул билан тадқиқ килади: бири - тасдиқлаш, иккинчиси- инкор этиш. Шунга кура, образлар хам бир-биридан фарқ килади. Хаётнинг ёзувчи идеалига мувофиқ томонларини тасдиқлаш учун асарга киритилган образлар - ижобий образлар деб юритилади. Хаётнинг бирор томонини инкор қилиш учун хизмат қиладиган образлар - салбий образлардир. Масалан,Ойбекнинг «Кутлуг кон» романида ёзувчи идеали Йулчи образи оркали бадиий ифодаланса, хаётнинг инкор қилинадиган томони Мирзакаримбой тимсолида акс этган. Шунга кура, Йулчи-ижобий образ. Мирзакаримбой - салбий образдир. Реалистик асарларда баъзан ута мураккаб, ута зиддиятли образлар хам учрайди. Масалам, М.Шолоховнинг «Тинч Дон» эпопеясидаги Григорий Мелехов, А. Каххорнинг «Синчалак» повестидаги Арслонбек Каландаров каби образлар мана шундай характердадир. Бу уринда Л.Н.

Толстойнинг мухим бир фикри ёдга тушади : ёзувчи «Тирилиш» романида хаётдаги одамларнинг турли туманлиги хакида тухталиб, уларни дарёларга киёслайди: «Одамлар дарёдек гап : хаммасининг сунни бир хил, хамма жойда уша сув, лекин дарё гох кенг булади, гох тор, гох тез оқади, гох секин, суви гох тиник булади, гох лойка, гох совук, гох илик булади. Одамлар хам шундай». Сиртдан каралганда бир одам бошка бир одамга ухшаб кетиши хам мумкин, аммо зухн солиб каралса, бир одам иккинчи бир одамга сира-сира ухшамайди - хамр бир одам узига хос бир дунёдир. Адабиётимиз кахарамонлари хакида хам худди шу гапларни такрорлаш мумкин: бадий образлар шу кадар ранг- барангки, уларни факат шартли равишдагина шу хилда классификация килиб урганамиз, холос. Ха, образ- бадий кашфиёт- у бир мартагина кашф этилади. Шу сабабли, адабий ўхрамонларни тугри келса- келмаса салбий ва ижобийга зуппа- зураки ажратавериш зарорлидир - бундай харакат бадий образларни бир андозага солиб куйиш хавфини тугдиради. Адабиёт эса хеч кандай схемани - андозани - колипни тан олмайди.

Д) Хажаиётнинг бадий образлари хам узига хос хусусиятлари билан ажралиб туради - бундай асарларда, асосан, сатирик ва комик- юмористик образлар етакчилик килади. Сатирик образ кисман салбий образга ухшаб кетса-да (хар иккала типдаги образлар воситасида хаётдаги салбий кишилар ёхуд хаётдаги ксурлар танкид килади, улар уртасида принципал фарклар хам бор: салбий образда хаётдаги ксурлар инкор килинса-да хажв этилмайди- автор улар устида очикдан- очик кулмайди-

захарханда кахкаха - сарказм, масхаралашга йул куймайди, сатирик образларда эса аксинча, хаётдаги кусурлар устида захарханда кулиш, сарказм, киноя, масхаралаш усули етаклик килади. Сатирик образнинг хатти- харакатлари ва килик- одатларидан киши бехад нафратланади, улардан жирканади. Калвак Махзум (Калвак Махзумнинг хотира дафтарида), Кози, Хидоятхон, Мулларузи («Бурунги козилар ёхуд Майсаранинг иши»), Кори Ишкамба («Судхурнинг улими»), Мулла Дилкаш («Хийлаи шаръий»), Сурмахон («Юрак сирлари»), Марасул, Заргаров («Огрик тишлар»), Сухсуров, Нетайхон, кори («Сунгги нусхалар») каби образлар - мукамал сатирик характерлардир. Комик- юмористик образ - бутун фаолияти кувнок кулги билан йугрилган характер. Бу хил образлар воситасида ёзувчи хаётдаги айрим нуксонлар устидан кулади - уларни тузатишга даъват этади. Холмат («Бой ила хизматчи»), Мулладуст («Бурунги козилар ёхуд Майсаранинг иши»), Хамробуви, Холнисо («Шохисузана»), Бустон («Аяжонларим»), Тошболта («Тошболта ошик») каби образларда ана шундай хусусиятлар яккол сезилиб туради.

Е) Адабий асарда иштирок этувчи хар бир шахс персонаж деб юритилади. Бадиий асардаги бир-бири билан узвий боғлиқ образлар мажмуи- образлар тизими деб аталади. Асардаги маълум бир гуруҳга мансуб образлар - образлар галереяси дейилади: ижобий образлар галереяси ва салбий образлар галереяси.

Ё) реализм адабиётида ижобий кахрамон образи марказий уринди туради. Чунки, бундай ижобий образлар миллион- миллион китобхонларга таклид объекти булиб хизмат килади. Адабиётининг тулаконли ижобий образлари укувчиларнинг эстетик дидини устиришда, уларни маънавий жихатдан бойитишда, коммунистик рухта тарбиялашда катта ахамият касб этади.

ТЕШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Образлик ва образ
2. Бадиий образ ва унинг асосий хусусиятлари.
3. Бадиий образнинг умумлашмалиги, конкретлиги, индивидуаллиги, бадиий тукима ишлатилиши, эмацианаллиги.
4. Образ, характер ва тип.
5. Образ яратишнинг жамлаш (тукима) ва прототип асосида образ яратиш : йуллари.
6. Образлари таснифи (тамойилари).

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Образлик - адабий асарнинг умумий хусусияти, хаётни узлаштиришнинг узига хос шакли ва усули, саъатнинг «тили» ва хаёт ходисалари устидан чиқарган «хукми» - адабиётнинг яшаш шакли.

Образ- образлиликнинг негизи, ядриси

Л.И. Тимофеев...

Образ - тукима ёрдами билан яратилган ва эстетик киймат касб этган инсон хаётининг умумлашма ва , айни чокда, конкрет манзарасидир.

Л.И. Тимофеев.

Образ- индивидуал форма оркали хаётий ходисаларни умумлаштириш демакдир.

Ф.М. Головенченко

Характер- (юн. Charakter- хусусият , белги) - маълум ижтимоий фаолият типи.

Характер... шахс иродасининг юзага чиқиши, харакатда иродаланиши.

М. Кушжонов.

Характер, биринчи навбатда, конкрет хаётий шароитда уз индивидуал хатти- характерлари ва рухий кечинмалари билан намоён буладиган инсоннинг аниқ тасвири қахрамоннинг муҳим хусусиятларини аниқлайдиган асосий белгилар мажмуи.

Г.А. Абрамович

Характер - шахснинг ирода йуналиши муҳитнинг шахсга актив муносабати ва , аксинча , шахснинг муҳитга муносабатидан пайдо булади... хулқ- атворни белгилайдиган индивидуал белгилар (мардлик, куркоклик ...).

М. Кушжонов

Адабий тип- муайян тарихий шароитдаги жамиятнинг бутун бир тоифасига мансуб булган кишиларнинг типик хусусиятларини узида мужассамлаштирган мукамал бадиий образдир.

Учинчи боб.

4-мартуза БАДИИЙ АДАБИЁТДА ТИШИКЛАШТИРИШ (2 соат)

Дарс режаси :

1. Хаёт типиклик манбаи.
2. Истеъдод, илхом, меҳнатсеварлик
3. Типиклаштириш қонуниятлари ва усуллари.
4. Типик шароит ва типик характер
5. Бадиий деталь.

Адабиёт:

1. Чернишевский Н.Г. Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати. Танланган адабий- танқидий мақолалар- Т. Уздавнашр, 1956- б. 401-409.
2. Каримов Э.А.
3. Норматов У. Хикояда деталь ва тафсилот. Узбек адабиёти масалари.-Т: Уздадабийнашр, 1962.
4. Ёқубов Х. И. Типик шароит ва типик характер. Ifhǎ .klerb@? 1969,¹², 215-227 бет.
5. Маллаев Н.М. Бадиий ижодда типиклик проблемаси. Совет мактаби, 1955,№8.
6. Каюмов Л.П. Типиклик - бот мазон. Аср-ва наср.-Т: Адабиёт ва санъат, 1975-б.74-103.
7. Умиров С. Санъатнинг сеҳрли қалити. Т: Адабиёт ва санъат,1974.
8. Добин Е. Сюжет и действительность. Искусство детали.- Л.:Сов. Писатель, 1981-б.300-310

1. Хаёт-типиклик манбаи

Санъат асариди хаёт бадиий акс эттирилади. Аммо прогрессив ёзувчи хаётда дуч келган хар бир нарса-ходисани, одамни адабиётга шунчаки олиб

киравермайди. Хаётдаги, конуний, мукаррар, мухим, табиий нарса- ходисалар- ижтимоий ахамиятга молик булган ходисалар адабий асардан урин олишга хакли. Тасодифий, уткинча нарсалар эса абадий асарга кириб колмаслиги лозим. Адабиётшуносликда санъат асарида тасвирланиши лозим булган хаётдаги мухим нарслар «типик нарсалар» ва тасвирланмаслиги лозим булган нарсалар эса « нотипик нарсалар» деб юритилади. Хаёт бенихоя мураккаб: унда конуний нарсалар билан уткинчи нарсалар аралаш-куралаш холда булади. Ижодкор яратилажак асари учун зарур булган нарса-ходисаларни саралаб ола билиши зарур. Бунинг учун эса ёзувчи хаётни истеъдод кузи билан кура олиши лозим. Ёзувчи хаётда нималарнидир типик деб билиши, у асарларида кандай хусусиятларни типик хусусият сифатида тасвирлаши, нималарнидир типиклаштириши, даставвл, унинг талантига, дунё карашига, уз халки хаёти билан нечоглик якинлигига боглик Умуман, ижодкор вокеликнинг мухим жихатларики хам, мухим булмаган томонларини хам тасвирлаши мумкин. Бу уринда хамма гап ёзувчи шахсиятига, унинг эътиқоди ва маданий совиясига боглик. Ёзувчининг калби кайнок булиши - хаётдаги янги, истикболи парлок кучларни фахм-фаросат ва нозик керак.

Шуролар даврида (50- йилларда) типикликни талкин этишда хотоликларга хам йул куйилган. Масалан, баъзи адабиётчилар тиликлик купчиликка тегишли, хаётда кенг таркалган нарсларгина типик була олади, деб даъво килганлар. Холбуки, бу кондани типикликнинг абсолют

конуни деб кабул килиб булмайди. Тугри, шундай санъат асарлари хам борки, уларнинг бош кахрамонлари хаётда кенг таркалган типлардир. Зайнаб, Бектемир, Уктам, Комила, Дехконбой, Хафиза, Саида, Ахмаджон, Лукмонча, Ориф каби образлар замондошларимизнинг етакчи хусусиятларини узларида мужассамлаштирганки, бу хусусиятлар хаётда кенг таркалган. Лекин, шу билан бирга, адабиётда хали хаётда унчалик кенг таркалмаган хислатлар хам типик булиши мумкин. Масалан, Н.Г. Чернышевский «Нима килмок керак?» романининг кахрамони Рахметовга ухшаш кишилардан факат саккаизтасини хаётда учратган, холос. Й.С. Тургенев «Оталар ва болалар» романининг бош кахрамони Базаровга ухшаш биргина кишини - вилоят врачини учратган экан. Шунга корамай, Рахметов хам, Базаров хам типик образлар булиб чиккан. Чулки, бу хил образлар оркали муаллифлар уз даври ижтимоий гурукларининг кийёфаларини ёркин кусатиб бера органлар. Демак, хаётда кенг таркалган ва , хатто, эндигина пайдо булган ходисалар хам давр такозасига кура типик була олиши мумкин.

Хаётдаги у ёхуд бу нарсанинг типик ёки нотипиклиган конкрет тарихий шароит белгилайди. Шу сабабли жамият тараккиёти тарихининг бир даврида типик булган хам мумкин... Хаётдаги дол зарб масалалар, турмушнинг мухим муаммолари доимо типикдир. Хаёт узлуксиз харакатда, типимсиз узгаришда, усишда. Бинобарин, ижодкор хам типимсиз изланишдан, ижодий усишда булими табиийдир. Хаётда социал кийматга эга

булган хислатларгина типик булар экан. Одатда, социал типда жамият тараккиёти тенденциялари уз ифодасини топади- шу маънода хаётдаги етакчи кучлар типик булади. Аммо тараккиётга халакит килаётган, демакки, социал кийматга эга булган кучлар хам типик була олади. Умуман айтганда, ижтимоий- сиёсий куч мохиятиши умумлаштириб бериш- социал тип учун хам, адабий тип учун хам характерлидир. Лекин, бундай муштаракликдан ташкари, социал тип билан бадиий типнинг жиддий фарклари хам бор.

Бвдий образ оркали хаётдаги мухим, мукаррар, конуний, табиий, типик ходисаларни умумлаштириб ифодалаш- типиклаштиришдир. Демак, хаётдаги умумий, конуний, табиий, социал нарсалар- социал типлар санъатда тула индивидуаллаштирилган, конкретлаштирилган холда- характерлар оркали акс эттирилар экан.

Типиклаштириш конунияти, асосан, уч жараёндан иборат : хаёт, биринчидан, умумлаштирилади, иккинчидан синтезлаштирилади ва индивидуаллаштириладию

Умумлаштириш нима ?

М. Горькийнинг айтишича, барча катта асарлар хамма вақт умумлашма натижасидир. Чунончи, жахон адабиётининг « Дон Кихот», « Фауст», «Гамлет» каби шох асарлари бадиий умумлашманинг ёркин намуналаридир. Горький умумлашма деганда адабиётда мазмунни «коюклаштириш» усулини , мазмунни чуқурлаштириш ва кийматини ошириш усулини, асарлар давомида жаранглай олувчи кудратга эга килиш усулини назарат тутуди. Мана

шу маънода типикликни бадиий хакикат билан боғлайди: бадиий хакикат типиклаштириш махсулидир. Бадиий хакикат хаёт хакикати асосида яратилса-да, унинг айнан узи эмас - хаёт хакикатининг кайта куюлтирилган, гузаллаштирилган шакли. Демак, бу уринда типиклаштиришнинг яна бир муҳим хусусияти аникланади : бу хусусият шундан иборатки, типиклик хакикати-бадиий хакикат реал- хаёт ходисасидан юкорирок туради. Адабий типнинг воқелиқдан фарқи , унинг узига хослиги типнинг қонуниятини ташкил этади. Бундан М. Горький «Санъатнинг асосий вазифаси воқелик устидан .қори қуратилишдиро деган хулосага келади. Бу уринда, санъатнинг воқелик устида .қори қурарилиши типикликнинг соҳиятидан ва қонуниятидан келиб чиқиш зарур. Шундагина типиклаштириш- воқеликни акс эттириш ва билиш воситаси сифатида намоён булади: «воқелиқдан юқори қутарилиш» усули воқеликка зарар етказмаслиги, санъатни воқелиқдан ажратиб қуймаслиги, аксинча воқеликни бадиий узлаштиришнинг зарурий усуллари билан бири булиши керак. Санъат олдига воқелиқдан юқори қутарилиш вазифаси қуйилар экан, бу ҳолда адабий типда бадиий туқима, ижодий фантазиянинг ахамияти ниҳоятда катта булиши мутлақ табиийдир.

Типиклаштириш, М. Горькийнинг уқтиришча, фақат умумлаштиришдангина иборат эмас, айти чокда у воқелик заминида пайдо булувчи бадиий синтез ҳамдир.

Типиклаштириш қонуниятининг яна бир жараёни индивидуаллаштиришдирки, биз бу уринда юқоридаги фикрларга қушимча тарзида қуйдагиларни

таъкидламокчимиз, холос : Типиклаштириш- хаётдаги мухим ходисаларни умумлаштириш ва синтезлаштиришдангина иборат эмас, айти чокда, бу ходисаларни тула индивидуаллаштиришни, конкретлаштиришни хам такозо килади. Индивидуаллаштириш- типиклаштиришнинг мухим шарти. Бундан англашиларлики, индивидуалликсиз бадий образни тасаввур хам килиб булмайд. Зеро, жахон адабиётидаги Гамлет, Отелло, Фауст, До-Кихот, Обломов, Хлестаков, Чичиков, Гофир, Йулчи, Каландаров каби образлар узлари мансуб булган ижтимоий куч-социал гурухларнинг мохиятини чукур ифодалаганликлари учунгина эмас, балки индивидуал хислатлари билан хам ёркин адабий типлардир.

Шундай килиб, типиклаштириш - маълум ижтимоий - сиёсий кучнинг энг мухим белгиларини умумлаштириб, синтезлаштириб ва индивидуаллаштириб тасвирлаш санъати. Такорорланмас ва индивидуал хислатлардан махрум булган образ - оддий схема ва, аксинча, умумлашмасиз образ- оддий фотографик суратдир. Хар иккала холда хам «образ» санъат доирасидан чикиб кетади.

Шундай килиб , типиклаштириш - маълум ижтимоийсиёсий кучнинг энг мухим белгиларини умумлаштириб, синтезлаштириб ва индивидуаллаштириб тасвирлаш санъати. Такорорланмас ва индивидуал хислатлардан махрум булган образ- оддий схема ва, аксинча, умумлашмасиз образ - оддий фотографик

суратдир. Хар иккала холда хам «образ» санъат доирасидан чикиб кетади.

4. ТИПИК ХАРАКТЕР ВА ТИПИК ШАРОИТ

Санъат асарида хаёт факат образлар, характерлар, типлар воситасидагина типиклаштирилиб колмасдан, айна чокда, муайян адабий кахрамонлар характерлари намоён буладиган шароит оркали хам типиклаштириб курсатилади.

Реалистик адабиётда типик характерлар типик шароитда хакконий тасвирланиши шарт.

Характерларнинг мохияти факат муайян шароитдагина очилади. Чинакам санъаткор уз кахрамонини конкрет вазиятларда ранг-баранг синовлардан утказеди: бу эса кахрамоннинг социал мохияти ва индивидуал хусусиятларини очишга имкон беради. Шароит - инсон харакат киладиган мухит, социал шарт-шароит, конкрет хаётий муносабатлар. Санъат асарида шароит туласинча типиклаштирилади: тасвир жараёнида купинча шароит кескинлаштирилиб, кучайтирилиб берилади. Мухим булмаган вокеа ходисалар чикариб ташланади, характерлилари ажратиб олинади. Ёзувчи хаётдаги куплаб вокеа-ходисалардан кахрамонларининг пинхоний хис-туйгуларини ёркин очишга имкон берадиган вазиятларни танлаб олади. Бирок, шароит сунъий, уйдирма булмаслиги керак. У муаллиф ниятигагина эмас, реал хаётнинг объектив конуниятига хам тула мос булгандагина бадий жихатдан узини оклайди.

Реалистик асарда типик шароит ва типик характер уртасида диалектик муносабат булиши табиий: характер шароитга ва, айни чоқда, шароит характерга узлуксиз таъсир этиб туради, хатто улар купинча бир-бирининг ичига киришибЮ сингишиб кетади. Шунга кура, реалистик адабиётда типик шароит Хам, типик характер хам хакконий булиш лозим. Бу- реализмнинг асосий шартларидан бири. Ёзувчи характер оркали хаётни тасвирларкан, у доимо хаёт диалектикасини, табиат ва жамиятдаги хамма нарсларнинг узлуксиз харакатдалигини, уларнинг бир-бирларига богликлиги ва алокадорлигини, бири-иккинчисига, иккинчиси биринчисига таъсир этиб туришини хисобга олади , албатта. Бошкacha килиб айтганда, реалистик адабий асарда хаётнинг мана шу объектив конунияти уз бадий ифодасини топади. Бунга хам ёзувчи, асосан, типик характерлар билан типик шароит уртасидаги диалектик муносабатни курсатиш оркали эришади. Типик характер ва типик шароит уртасидаги муносабат бадий асарларда ранг-баранг куринишда (худди хаётнинг узидагидек) ифодаланади. Масалан, А. Каххрнинг «Синчала» повестида бош ккахрамон Саида характери типик шароит («Бустон» колхозида, мухит ва « каланларовчили») да курсатилар экан, автор характер ва шароит орасидаги мураккаб муносабатни ифодалайди: киссада, биринчидан, шароит характерга ва характер шароитга узлуксиз таъсир этиб туради- колхоздаги мавжуд «каландаровчилик» мухити» ва соглом кучлар Саиданинг ички дунёсига кучли реакция беради. Шу реакция заряди билан Саида узидаги

ожизликларни енгиб, тинимсиз олга интилади. Уз навбатида Саида «Бустон» даги бикик, мухитни емириб ташлаш учун тинимсиз кураш олиб боради. Иккинчидан, шароитнинг характерга таъсирга нисбатан характернинг шароитга таъсири устунлик килади- Каландаров ва у вужудга келтирган мухит Саида кайириб, узига тобе килишга каттик харакат килса-да, окибатда мамлакатимизчи янгича согломшароит (халқдан кучкуват, битмастуганмас энергия олиб турган Саида) ва у бошчилик килаётган колхоз бошлиегич партия ташкилоти «Бустон» колхозидаги «каландаровчилик мухити»ни чилчил килади, колхозда чинакам демократия принциплари кайта тикланади- Саида (ва унинг хамфикрлари) тантана килади.

Демак, ёзувчи Абдулла Каххор «Синчалак» повестида типик шароитнинг типик характерга таъсирга нисбатан типик характер (Саида)нинг типик шароит (бу уринда «каландаровчилик мухити» кузда тутилади)га таъсирини биринчи планга чиқариб тасиврлаган (тема,гоя, бош кахрамон характерининг мантики, хуллас, муаллифнияти мана шуни такозо этган). Бирок, бундан, албатта, хамма асарларда хам шароит билан характер уртасидаги муносабатни худди шу тарзда, яъни характернинг шароитга таъсири доимо биринчи планда берилиши зарур экан-да, деган хулосага келиш ярамайди. Чунки ёзувчи шароит-характер муносабатига хамма вақт ижодий ёндашади, шу важдан баъзи асарларда худди «Синчалак» дагидек характернинг шароитга таъсири биринчи планда булса, бошка бирларида шароитнинг

характерга таъсири биринчи уринга чиқарилиб берилади, яна бошқа бир асарларда эса шароит билан характернинг бир-бирига таъсири параллель булади...

Бадиий деталь

Хаётни типиклаштиришда, уни бадиий ифодалашда, қахрамон характерининг у ёки бу қиррасини очишда, асар гоёсини ифодалашда, унинг эмоционал таъсир қучини оширишда бадиий деталлар ҳам муҳим роль уйнайди.

Аввало шуни айтиш керакки, деталь деганда маълум асар туқимасидаги предмет, белги, штрих қабиларни тушунамиз. Бирок асардаги ҳар қандай предмет, белги, штрихлар ҳам бадиий деталь була олмайди. Деталь, одатда, лунда, аниқ, ёркин ва образли булиб, асосан, тасвир объектини синтезлаштириб қурсатишга хизмат қилади. Деталь бадиий асар композициясида уз урнини топгандагина функциясини утай олади. У ёзувчи қуп сузликдан, «адабий лакмалик»дан саклайди. Қиска-ю сермазмунлилик- бадиий деталнинг характерли хусусияти.

Бадиий асарда, одатда, ранг-баранг деталлар қулланилади: предмет металл, психологик деталь, нуткий деталь ав хоказо. В. Шекспирнинг «Отелло» трагедиясидаги румолча, А.Қаххорнинг «Анор» ҳикоясидаги анор қаби деталлар- предмет деталлар булиб, улар қахрамонлар тактирида гоётда муҳим роль уйнаган. Баъзан ёзувчилар уз қахрамонлари нутқини индивидуаллаштиришда нуткий деталлардан фойдаланадилар. Чунончи, М. Шолохов «Очилган курик» романида Семён Давидов нутқида «факт» қаби сузларни

урни-урни билан такрорлаш оркали ҳам кахрамон нуткини узига хос килиб курсатишга интилган.

Саид Ахмаднинг «Уфк» романида кулланилган биргина предмет детални олиб курайлик: Турсунбойнинг кочоклиги- хоинлиги хакидаги шум хабарни эшитар экан, «бир» пасда Икромжонинг кадди букилди-колди», гуё « у бир кечадаёк қариб қолганга ушарди». Мана шундай чуқур рухий азобда қолган Икромжонинг уз ховлисидаги хатти-харакатларини муаллиф гоятда табиий килиб чизади :

Унинг қушлари ховли юзини маъносиз кезарди. Бирдан ошхона деворига тикилганича тухтаб қолди. Унда Турсунбойнинг лой чаплаганидаги беш панжасининг изи қолган эди. Жаннат хола неча марта бу бармоқ изларини табаррук нарсасидек қушлари билан сийпаб қушларига, юшларига суртарди.

Икромжон шахд урнидан туриб уша ерга борди. Бармоқ изларига узок тикилиб турди. Кейин бурилиб тандир тагида ётган кетмонни олди-ю, деворни гурсиллатиб чопа бошлади. Жаннат хола уқдек отилиб унинг қушларига ёпишди :

-Нима қиляпсиз , нима қиляпсиз?..

-Тегма менга, тегма менга! Бу уйда унинг изига ҳам урин йук. Изларини қириб ташлайман !..

Бу эпизоддаги кашфиёт- бадиий деталь Турсунбойнинг ошхона деворигаги беш панжасининг изи. Бу деталь худди шу вазиятда қахрамонларнинг маънавий гузалликларини уловчи мезон ролини уйнаган: Жаннат холанинг уқдек отилиб қелиб, Турсунбойнинг панжа

излари босилган деворни чопаётган эри Икромжоннинг кулларига ёпишишидан биз унинг калбида чексиз оналик меҳри жуш уриб турганлигини сезамиз. Турсунойнинг девордаги панжа изларига Икромжоннинг муносабати оркали эса автор уз кахрамонининг калбида икки кудратли куч курашаётганлигини ифодалаган: унинг девордаги «бармок изларига узок тикилиб туриш» - шахсий туйгу - бебахо оталик мухаббатини курсатса, «деворни гурсиллатиб чопа бошлаши» - ижтимоий туйгу - уз углининг хоинлигидан беҳад газабланганлигини, ундан нафратланганлигини билдиради. Автор худди шу уриндаёк Икромжон калбидаги ижтимоий бурчни чуқур хис қилиш туйғуси уринг шахсий хислари устидан голиб чиққанлигини гоётада табиий, ишонарли қилиб талқин этган. Ана шунга кура ҳам у замонамизнинг хақиқий кахрамони, даврнинг етакчи тенденцияларни узида ифодаловчи типик характер даражасига кутарилган. Куринадики, санъаткор оддийгина бир деталь оркали уз кахрамонларининг ички дунёсига кириб борган ва уларнинг интеллектуал оламини китобхон кузи унгида гавдалантиришга муваффақ булган.

Мана шундай топқирлик- бадиий деталлар асарнинг эмоционал қийматини оширади, китобхоннинг эстетик дидини устиришга ёрдам беради, хаётни типиклаштириб курсатади.

Хулоса урнида шунини таъкидлаш керакки, санъат асари ва адабий жараён хаётни типиклаштириб курсатишни такозо этади. Адабий асарнинг хар бир компоненти (характер, пейзаж, нарслар, буюмлар,

жисмлар, предметлар, шароит ва бошқалар) ёки адабий жараённинг ҳар бир элементи (оқим, адабий тур ва жанрлар...) типиклаштириш типиклаштириш махсулидир. Шунга қура, типикликни санъат асарининг мазмунидан тортиб (шаклигача уз ичига камраб оладиган масала деб карамок керак.

Текшириш саволлари:

1. Типиклик нима ?
2. Социал тип ва адабий типни киёсланг
3. Умумлаштириш, синтезлаштириш, индивидуаллаштириш- типиклаштириш қонуниятлари.
4. Типик характер ва типик шароит
5. Бадиий деталь

Таянч тушунчалар:

Тип ва типиклик.

Социал тип ва адабий тип.

Типиклаштириш қонуниятлари.

Типик характер ва типик шароит.

Бадиий деталь- типиклаштириш воситаси.

5 - М А Ё Р У З А.

БАДИИЙ АДАБИЁТДА ДУНЁКАРАШ, ГОЯВИЙЛИК,
ХАЛҚЧИЛЛИК, МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСОНИЙЛИК
(4 соат)

Дарс режаси:

1. Дунёкараш ва гоъвийлик:
2. Синфийлик ва партиявийлик хакидаги маъшум назария хамда унинг зарарли окибатлари ;
3. Адабиёт -маънавият - мафкура- сиёсат- миллий гоъ.
4. Миллий истикло- ижод эркинлиги - адабиёт раванкининг зарур шарти;
5. Халкчилик, миллийлик ва умуминсонийлик.

Адабиёт:

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият-Т.:Узбекистон , 1994.
2. Белинский В.Г. Танланган асарлар. -Т: Уздавнашр, 1955- б. 322-365.
3. Храпченко Б.М. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы.-М. Сов. Пис., 1970- ст. 3-59.
4. Брюсов В. Свобода слова. Лит. Газета, 23 августа 1990.
5. Каримов Н.Ф. Узбек адабиётнинг жалладлар. Фан ва турмуш, 1991 , №1.2.3.
6. Худойберганов Н. Партиявийлик чексизми?. Мулокот , 1991, -№2-б.38-43.

Бадий адабиётда дунёкараш ва гоъвийлик. «Дунёкараш»нинг таърифи ва тавсифи. Дунёкараш ва ижлдий метод, дунёкараш ва истеъдод, дунёкараш ва услуб , дунёкараш ва вокелик, дунёкараш ва ёзувчи шахсияти. Дунёкараш- ижтимоий борликнинг инъикоси. Дунёкараш- илмий, сиёсий, фалсафий, хукукий, ахлокий, эстетик, диний карашлар мажмуи. Ёзувчи дунёкарашининг

бадий ижод жараёнида мухим роль уйнаши. Дунёкарашнинг адабий асар тукимасида сукур из колдириши. Гоявийлик - дунёкараш махсули. Ёзувчи дунёкарашнинг хаёт окими билан бирга ушиб, узгариб шаклланиб бориши - ижодий эволюциясини белгилаб бериши. Гоявийлик ва гоявий йуналиш хакида тушунча. Бадий гоямумлашма ахамият касб этган образли ва таъсирчан фикр. Гоявийлик, биринчидан, бадий асар мазмунининг ижтимоий - сиёсий, фалсафий, ахлокий киймати. Бадий асар тукимасига сингдирилган фикрнинг хакконийлиги, долзарблиги, таъсирчанлиги, уткирлиги билан тасифланиши. Шунингдек, гоявийлик ёзувчи ижтимоий- сиёсий- эстетик карашларининг аниклиги, эътиқоди, ихлоси билан изохлаши. Адабиёт миллий ва умумин соний кадрийларга хизмат килиши.

Шуролар даврида адабиётнинг синфийлиги ва партиявийлиги хакидаги мушъум назариянинг пайдо булиши. Комфирка карорлари ва резолюцияларида бу таълимотнинг зур бериб адабий хаётга тадбик килиниши. Адабий ходисаларга, ёзувчи ижодига соф синфий ва партиявий нуктаи назаридан каралиб бахо берилгани- Шуро даври адабий сиёсати даражасига кутарилгани - адабиёт иши умумпролетар ишининг» «парракчаси» ва «винтчаси»га айлантирилгани, адабиётнинг узига хос хислатлари инобатга. Олинавермагани. Амалда ижод эркинлиги бугилгани. Окибатда адабиётда хам, адабиётшуносликда хам катта «упирилиш»лар йукотишлар юз бергани - катли ом дахшатли тарзда давом эттирилгани: Абдурауф Фитрат, Чулпон, Абдулла

Кодирий, Элбек, Боту, Усмон Носир каби ижодкорлар бошларига тушган фожеалар; Ойбек, Мирзакалон Исмоилий, Шухрат, Шукрулло, Саид Ахмад, Миртемир, Хамид Сулаймон, Отажон Хошим, Максуд Шайхзода ва бошқаларга келтирган кулфатлар. Бирок, бундай дахшатли зугум ҳам адабиётни йук кила олмагани - миллий адабиётимиз уз ички тараккиёт конуниятлари асосида яшай олгани. Халк яшар экан- адабиёт ҳам яшаши мукаррарлиги.

Адабиёт - маънавият - мафкура - сиёсат- миллий гоя...

Миллий истиклол - ижод эркинлиги - адабиётимиз тараккиётининг зарур шарти эканлиги. Истиклол даври адабиёти - уз тараккиётининг бош йулида.

Халкчиллик- адабиётимизнинг асосий фазилати. Халкчиллик тамойиллари. Узбек мумтоз адабиётининг халкчиллиги. «Хамса»- буюк халкчил асар. XX аср адабиётида халкчилликнинг узгача тарзда намоён булиши.

Миллий ва умуминсонийлик. Адабиёт халк хаётини, маънавиятини, рухиятини акс эттирар экан, у, албата, ижтимоий турмушдаги миллий ва умуминсоний кадриятлари баланд кутариши зарурлиги. Миллийлик ва умуминсонийлик ижтимоий ходисаларгина эмас, айни чокда, эстетик ходиса ҳам эканлиги. Санъат асарида миллий характерлар воситасида умуминсоний туйгулар ҳам таргиб килиниши. Абдурауф Фитра, Абдулла Кодирий, Чулпон, Ойбек, Абдулла Каххор, Чингиз Айтматов, О Ёкубов, П. Кодиров, Э. Вохидов, А. Орипов асарларида

миллий ва умуминсоний кадриятларнинг улугланиши.
Узбек адабиётининг жахоншумул ахамияти.

Текшириш саволлари:

1. Ёзувчи дунёкараши- ижодий метод ва бадиий ижоди уртасидаги муносабат.
2. Гоявийлик ва унинг дунёкараш билан алоқадорлиги.
3. Шурулар даврида адабиёт ва санъатда машъум синфлилик ва партиявий назариясининг пайдо бўлими ва бу назариянинг давлат сиёсати даражасига кутарилиши. Унинг зарарли оқибатлари.
4. И. Сталин шахсига сизинишнинг авас олиши ва эммасий репрециянинг авас олиши.
5. Адабий - маънавият- миллий гоя- мафкура- сиёсат...
6. Миллий истиклол- ижод эркинлиги- адабиётимиз тараккиётининг зарур шарти.
7. Адабиёт концепциясининг узгариши, методлогик тамойилларнинг янгиланиши - тарихийлик ва замонавийлик, хакконий ва кадриятларнинг кад кутариши.
8. Халкчиллик тамойиллари.
9. Миллийлик ва умуминсонийлик.

Таянч тушунчалар:

Дунёкараш нима ?

Гоявийлик- чи?

Адабиёт- маънавият- миллий гоя- мафкура- сиёсат...

Ижод эркинлиги нима ?

Миллий- адабий кадриятлар кад кутариши.
Методологик янгиланишлар.

Иккинчи булим.

БАДИИЙ АСАР ТАЪЛИМИ

6- МАЪРУЗА. БАДИИЙ АСАРДА МАЗМУН ВА ШАКЛ
МУТАНОСИБЛИГИ (2 соат).

Дарс режаси:

1. Мазмун ва шаклнинг узаро алокадорлиги.
2. Мазмун хакида тушунча.
3. Мазмуннинг шаклга утиши.
4. Шакл хакида тушунча.
5. Мазмун ва шаклнинг диалектик бирлиги.

Хакикий санъат асарининг сифатини ундаги юксак гоъвийлик билан бадий мукамалликнинг уйгунлиги, мазмун билан шаклнинг мослиги белгилайди. Шунга кура, бадий асарнинг мазмуни ва шакли масаласи адабиётшунослигимизнинг гоътда мухим муаммоларидан биридир.

Адабиёт:

1. Добролюбов Н.А. Адабий- танкидий маколалар - Т: Узадабийнашр, 1959.-б.104-256;306-387.
2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси.-Т : Укитувчи, 1980-б. 152-157.
3. Кушжонов М. Шакл ва мазмун бирлиги. Сайланма (икки жилдлик).Т: Адабиёт ва санъат, 1983.- 2 жилд.б. 166-185.

4. Шукуров Н. Поэтик мазмун ва бадийлик проблемаси. Бу олам сохнида...-Т: Адабиёт ва санъат , 1982- б.9-33.
5. Хайитметов А. Алишер Навоий адабий -танкидий карашлари. -Т: УзФАН, 1959-б.96-115.

1.МАЗМУН ВА ШАКЛНИНГ УЗАРО АЛОКАДОРЛИГИ

Бадий асарда мазмун ва шакл диалектик алокада булади: бири иккинчисига, иккинчиси биринчисига утиб туради. Хатто шундай хам булиши мумкинки, асарнинг бир компоненти бир компоненти бир холатда мазмун ходисаси, иккинчи холатда шакл ходисаси булиб хисобланади. Шунга кура, мазмун билан шакл орасига хитой деворини куйиб, уларни катъий чегаралаб булмайдди. Бадий ижоддаги мазмун ва шаклнинг узаро диалектик муносабати философиядаги сабаб ва натижа уртасидаги узаро алокадорликка ухшаб кетади.

Бадий ижодда мазмун ва шакл диалектик бирликда ва бир-бирига утувчи ходиса сифатида олиб текширади. Хакикатан хам мазмун ва шакл бир-бири шу кадар узвий богликки, уларнинг бири иккинчисисиз яшай олмайди: шакл бирор нарса (мазмун)нинг шакли, ташки кураниши - шусиз шаклни англаш мумкин эмас; мазмун хам бирор шаклда намоён булади - шакл мазмунга аник ташки кураниш булади, унга гузаллик багишлайди, Шунга кура, мазмун ва шакл бир-бири билан узвий боглик. Бирок бу бирликда мазмун етакчилик килади - узи узгариши билан шаклнинг узгаришига сабабчи булади. Шакл эса мазмунга нисбатан бир мунча консервативрок- у секинрок узгаради. Шу сабабли, бадий ижодда янги мазмун билан

эски шакл уртасида зиддият келиб чикиши хам мумкинки, у, албатта, шаклни узгартиришга олиб келади. Бу уринда улуг узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг шеъриятда мазмун (маъно) ва шакл (сурат) хакидаги фикрларини эслаш жоиздир.

Алишер Навоий шакл билан мазмунни, сузнинг шакли билан унинг маъносини диалектик бирикда олади ва шу бирликда маъно-мазмунни сузнинг етакчи асоси деб билади. Шоирнинг фикрича, шеър мазмуни билан хам, шакли билан хам гузал булиши керак:

Назмда хам асл анга маъне дурур,
Булсин анинг сурати хар не дурар.
Назмки маъни анга маргуб эмас,
Назмки хам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доги дилкаш анга.

Алишер Навоий маъно-мазмунинг етакчилигини инкор этиб, курук шаклбозликка берилиб кетган, сузни суиистимол этувчи формалист шоирларни шафкатсиз фош этган, уларга карши тинимсиз кураш олиб борган. Афсуски, бундай формализмга берилиш холати адабиёт тарихида, ахён-ахёнда булса-да учраб туради. Бу уринда, лоакал, XIX асрда Кукон хони- Амир Умархон саройида яшаган шоирларнинг купи шоир Амирий (Амир Умархон)га таклидан яратган курук шаклбозликдангина иборат шеърлари эслаш кифоя. Бу шоирларнинг шеърларида шакл бор-у иазмундан тайин йук. Шунга холатни 20-30- йилларда ижод килган айрим узбек

формалист шоирлари ижодида ҳам куриш мумкин. Таъкидлаш керакки, хикоябоп фикрни хикояда, киссабоп фикрни киссада, романбоп фикрни романда баён килиш керак. Агар ёзувчи хикояга лойик фикрни киссада ёки киссага лойик фикрни романда баён килишга интилса ёхуд акчинча романбоп фикрни киссада, киссабоп фикрни хикояда беришга уринса- санъат асарида мазмун ва шаклнинг манандлиги принципи бузилади - у, албатта, муваффакиятсизликка учрайди. Бу фикрни тасдиқловчи фактларни адабиёт тарихидан топиш кийин эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, шакл ҳам мазмунга бефарк карай олмайди : мазмунга муайян тус-сурат беради , уни безайди, тугеллайди- эстетик таъсирчалик багишлайди:

Сенга бахтдан тахт тиларман,

Толедан бошингга тож,

Хусни мулкингга омонлик,

Тожу тахтингга ривож.

Ёки

Дуст билан обод уйнинг,

Гар булса у вайрона ҳам,

Дуст кадам куймас эса,

Байронадир кошона ҳам.

Шоир Эркин Вохидов газалларидан олинган юкоридаги байтлар мазмуни билан ,хам шакли билан ҳам багоят гузал - у китобхонга тарбия ҳам, эстетик завк ҳам беради. Агар шу байтларда ифодаланган маъномазмунни саъат (газал) шаклига солмасдан жунгина баён килинса-

«сенга бахт ва толе ёр булсин, хуснинг ва бахтинг баркарор булсин» ёки «хонадонингдан дустаримасан% дуст келса уйнинг обод булади, келмаса вайрон булади» дейилса, бу фикрлар укувчида муайян таассурот колдиради-ю, аммо унга завк-шавк багишламайди, фикрнинг таъсир кучи хам кутилгандай кучли булмайди. Шаклнинг мазмунга таъсири мана шундай уринларда аник сезилади.

Кенг маънода - санъат - объектив борликнинг узига хос бадий ифодаси, юкорида айтганимиздек, ижтисий онг шаклларида бири.

2. МАЗМУН ХАКИДА ТУШУНЧА

Изчил материалистик таълимотга кура, мазмун деганда биз санъат асарида акс эттирилган хаёт парчасини тушунамиз. Бошкacha килиб айтганда, вокелик, ижтисий турмуш муоммалари санъат асарининг мазмунини, мохиятини ташкил килади. Чунончи, Абдулла Каххорнинг «Угри» хикоя сининг мазмуни деганда биз асарда тасвирланган утмишдаги узбек дехконининг типик образи Кобил бобонинг аччик кисматини куз унгимизга келтирамиз : Кобил бобонинг якка-ю ягона ола хукизини угри олиб кетади , бобо кумак сураб элликбошига, аминга, приставкага арз килади, уларга бор- йугини пора авазига беради, кампири эса азайимхонга обдастагардон килдираман деб унга топган-тутганини беради... Окибатда, Кобил бобо пахтафуруш Эгамберди бойга карам бклиб колади.

Санъат асарида вокелик ижодкорнинг нуктаи назари, яъни дунекараши тақозосига кура тасвирланади. Шу сабабли, авторнинг дунекараши санъат асарнинг мазмунида уз ифодасини топади, унда чуқур қолдиради. Бинобарин, «Угри» хикоясида Абдулла Қаххорнинг Қобил бобони бутунлай хароб қилган эликбоши, амин ва приставкаларга, яъни хақиқий угриларга нафрати, газаби қанчалик қучли сезилиб турса, Қобил бобо тақдирига ҳам шу қадар аниқ сезилиб туради.

Санъатда ижодкор томонидан англашилган вокелик тасвирланади. Шунга кураю санъат асарининг мазмуни деганда биз муайян асарда ифодаланган гоъвий мазмуни тушунамиз. Адабий-бадиий асарнинг гоъвий мазмунини таҳлил қилар эканмиз, биз шу жараёнда авторнинг хаётни қандай тушунганини ва унга қандай баҳо берганини аниқлаймиз. Авторнинг хаётга муносабати-унга берган баҳоси асардаги образлар тизимида уз ифодасини топади: образ- бадиий асарнинг гоъвий мазмунини ифодаловчи восита- шакл. Уз навбатида, образ сузлар воситаси билан яратилар экан, уз воситасига нисбатан мазмундир. Л.И. Тимофеевнинг таъқидлашича, тип (суз) образга нисбатан шакл, образ эса асарнинг гоъвий мазмунига кура шаклдир. Асардаги нутқий ифодалар, композиция, ритмик- интонацион воситалар образнинг моҳиятини очишга хизмат қилади, шу орқали асар мазмунини ифодалайди.

Мазмун - вокеликнинг бадиий ифодаси дер эканмиз, биз бу уринда образни, яъни инсон хаётининг қонкрет бадиий манзараларини назарда тутамиз. Ёзувчи хаётни

образлар воситасида акс эттирар экан шу образнинг фаолиятига уз карашларини, яъни тенденциясини сингдириб юборади Н.А. Некрасов «Россияда ким яхши яшайди» поэмасида бахт проблемасини кутариб чиқар экан,бу масалага синфий нуктаи назардан ёндашади: асарда таъкидланишича, Россияда мавжуд булган самодержавие-помещчик тузумига карши кураш йули билан меҳнаткаш халк оммаси бахтга эришиши мумкин. Поэманинг бош қаҳрамони Гриша Добросклонов - илгор разноченец интеллигенциянинг вакили - кишиларни мана шунга даъват қилади. Х.Х. Ниёзий «Бой ила хизматчи» драмасида Гофир, Ойбекнинг «Кутлуг кон» романида Йулчи ҳам халкни мавжуд ижтимоий тузумга карши курашга даъват қилар экан, улар ҳам худди Гриша Добросклоновга ушаб, инсоний бахтни кураш орқали қулга қиритиш мумкин деб қатъий ишонадилар. Эрк ва бахт учун курашга даъват этиш - бу асарларнинг гоёвий-йуналиши- мазмунини ташкил қилади.

3.МАЗМУННИНГ ШАКЛГА УТИШИ

Мазмуннинг шаклга утиши, биринчи навбатда, образлар орқали юз беради. Ёзувчининг гоёвий нияти инсон ҳаётининг конкрет манзаралари- образлар орқали гавдаланади. Масалан, А.А. Фадеев «Ёш гвардия» романида ёш гвардиячи ёшлар образлари орқали уруш йилларидаги ёшларнинг ички дунёсини ва фашизмга карши олиб борган курашини тасвир этган. Шу, сабабли, ёзувчининг образлар тизими устатига барча ижодий ишлари асарнинг гоёвий моҳиятини ёрқин ва таъсирчан қилиб очиб беришга қаратилади.

Мазмуннинг образлар оркали шаклга утиши диалектик алока булиб хисобланади. Бу алока - муракаб жараёндан иборат. Чунончи, мазмун образлар оркали шаклга утар, шу жараёнда образ мазмунга хам таъсир килини мумкин. Адабиёт тарихида шундай далиллар хам борки, ёзувчи кахрамонлари характерларини чуқурлаштириш устида ишлар жараёнида узининг дастлабки гоъвий ниятини , яъни мазмунни хам узгартириши мумкин. Масалан, Л. Н. Толстой «Уруш ва тинчлик» роман- эпопеясида дастлаб декабристларнинг 1856 йилги хаётини (Лобазовнинг сургундан кайтгандан кейинги хаётини) тасвирламокчи булган. Ижод жараёнида ёзувчи кахрамоннинг такдирини изохлаш мақсадида 1825 йилги воқеаларга мувожаат килишни зарур деб топган. Ундан кейин ёзувчи Лобазовнинг 1812 йилги, ундан сунг 1805 йилги хаётини ёритишни лозим топган. Шундай килиб, асарнинг гоъвий мазмуни хам кенгайиб, чуқурлашиб кетган. Худди шунга ухшаш холат , чунончи, узбек ёзувчиси Саид Ахмад ижодида хам юз берган: у дастлаб «Уфк» романида Икромжон, Азизхон, Низомжон каби кахрамонларининг уруш давридаги хаётини акс эттирмокчи булган, ижод жараёнида кахрамонларнинг урушдан аввалги ва кейинги хаётини курсатиш нияти тугилган. Шу тарика, уч романдан иборат булган «Уфк» трилогияси пайдо булди.

Мазмуннинг шаклга утиши сюжет оркали хам, композиция оркали хам юз бериши мумкин. Бундай пайтда, сюжет ва композиция шаклнинг атрибути (характерли белгиси) булиб хизмат килади, мазмунга хам

бил восита таъсир курсатади. Чунки улар образларнинг жойлашиши, группалашиши, узаро алокадорлиги билан боглик. Бундан шаклнинг мазмундорлиги хакидаги диалектик-материалистик таълимотнинг тасдики келиб чикади Мазмуннинг шаклга утиши поэзияда мухим роль уйновчи ритмик-интонацион воситалар оркали хам юз беради.

4. ШАКЛ ХАКИДА ТУШУНЧА

Эстетиканинг уктуришича, шакл мазмун билан узвий боглик: мазмунли шакл. Образ- мазмунни ифодаловчи шакл-усул сифатида хизмат килади. Образ- хам мазмун, хам шакл ходисаси. Чунки гоъвий мазмун образлар оркали очилади, образлар эса бадий- тасвир воситалари- сузлар оркали яратилади.

Тил, бадий тасвир воситалари, конфликт, композиция, адабий тур, жанр, шеър тузилиши кабилар, биринчи навбатда, шакл ходисаларидир. Чунончи, «Угри» хакоясининг шакли деганда биз шу хикоя поэтикасини, хусусан, унинг сюжети, композицияси, конфликти, бадий тил хусусиятлари ва хоказолари тушунамиз.

Шуни хам айтиш керакки, ёзувчи шакл сохасида тинимсиз изланишлар олиб боради (чунки, гузал шаклсиз санъат асари яратиб булмайти). Бирок, ижодкорнинг шакл сохасидаги топкирликлари окибат натижада мазмунни куюклаштиришга олиб келиши лозим. Зеро, мазмунга хизмат килмайдиган шакл санъат доирасидан чикиб кетади. Шу муносабат билан Н.Г. Чернышевский ёзади:»Мазмун бутунлай бошкача- бунинг учун

веруларни жой-жойига куйиш, пароход билан паровоз, аллергия билан категория орасидаги фаркни яхши билиш етмайди. Асарни мазмун билан жонлантириш учун санъаткор кузатувчан, тажрибакор, хусусан, талантли булиши керак. Аксарият холларда бу хислатлар ҳам етмайди. Баъзан мазмун хусусисида санъаткор узок вақтлар уйлайди. Бу хар бир шоир ва ёзувчининг талант хусусиятига боглик... Агар Гоголь узининг «Улик жонлар» повести устида узок вақт уйлаган булса, у «Нурафшон офтоб нур сочди» деб тасвирлаш келакми, ё «ажойиб нур сочди» деб тасвирланган маъкулми, деган маънода уйлаган эмас. Гоголь икки-уч марта, Руссо туккиз-ун марта уз кулёмалари устида ишлар экан, уларнинг тузатишлари факат тил ва услуб камчиликлари эмас. Балки хар гал бир фикрни иккинчи бир фикр билан алмаштириб борганлар».

Шу тарика, шакл сохасидаги изланишлар мазмунни куюклаштиришга, чуқурлаштиришга олиб келган тақдирдагина чинакам санъат асари- бадий кашфиёт юз беради.

Чинакам санъат асарида шакл мазмунга, мазмун шаклга тула монанд булади. Мазмун- гоаявийлик, шакл - бадий ходисаси. Гоаявий- бадий жихатдан пишик асаргина китобхонга манзур булади, холос.

5. МАЗМУН ВА ШАКЛ БИРЛИГИ

Санъат асарида мукамал шакл хаёт хакикатини узида ифодалайдиган конкрет чуқур мазмун билан узвий боғланиб кетиши- органик бирикда булиши керак. Бу-

бадийликнинг зарур шарти. Хакикий бадий асарда мазмун ва шакл бир-бирига киришиб-бирикиб кетади, уларни бир-биридан ажратиб булмайди. «Мазмунни ифодаловчи шакл,- деб таъкидлайди В.Г. Белинский, ббир-бири билан шундай богликки, шаклни мазмундай ажратиш- мазмунни йук килиш, мазмунни шаклдан ажратиш- шаклни барбод килиш демакдир. «Нафис адабиётда шакл ва мазмун айрим- айрим олиб текширилиши мумкин эмасдир, - деб ёзган эди Олимжон-Асарнинг киммати, энг аввал, унинг мазмун жихити билан улчангани холда бадий асар эканлиги мазмунидан эмас, балки унинг шакл ва услубидан махлум булади».

Илгор санъаткорлар доимо гоёвий мазмун жихатидан тулаконли асар яратиш учун курашар экан, шу билан бирга шаклга ҳам катта эътибор берганлар. Бадий ижоддаги новаторлик - мазмун соҳасидаги изланиш шаклни янгилашга, мукаммаллашга олиб келган тақдирдагина чинакам новаторлик булади. Чунончи, В.В. Маяковскийнинг мазмун соҳасидаги изланишлари шаклни янгилаш (эркин вазн) олиб ендди. Хамза вокелигини ифодалашда поэзияда бармок вазнига мурожаат килди, айрим холларда аруз вазнини ислох этди. У янги мазмунни ифодаловчи янги адабий тур (драмматик тур) ва янги адабий жанр (драма, комедия, трагедия каби) ларни топди. Узбек адабиёти тарихига янги гоё ва унинг ифодачиси булган янги ижобий кахрамон янги дунё яратувчи халк кахрамони образини, янги ижобий метод олиб кирди. Шу тарика, Х.Х.Ниёзий- узбек адабиёти асосчиларидан булиб колди.

Адабий асарнинг мазмуни билан шакли уртасидаги диалектик бирлик муаммосини тушуниш ва талкин этишда адабиётчилар хамиша яқдил карашга эга булаверишмаган. Масалан, улкамизда XX аср адабий харакатчилигининг дастлабки йилларида (хатто, 30-йилларнинг урталарида ҳам) бу сохада икки зарарли оким иш тутган. Бир гурих адабиётчилар адабий асарнинг факат шаклинингина эътироф этдилар, мазмунни ахамиятсиз санадилар. Уларнинг фикрича, адабий асар шакл компонентларидан - поэтик приёмлар ва тил, бадиий тасвир воситаларидангина иборат эмиш. Бу хил адабиётчилар кейинчалик Адабиётшунослигимизда « формалистлар» деган машъум ном олдилар . Иккинчи гурух адбётчиларэса аксинча йул тутдилар- улар адабий асарнинг факат мазмунинингина эътиборга олдилар-у, аммо шаклнинг ахамиятини менсимадилар. Бу адабий оким кейинчалик адабиётшунослигимизда « вульгар социалогизм» деган машъум ном олди. Хар иккала оким маълум даврларда адабий характчилигимизда, адабиётшунослигимизда ута салбий роль уйнади - адабиётимиз тараккиётига анча- мунча зарар келтилди. Шу сабабли , бу окимлар уз даврида адабий жамоатчилигимизнинг каттик каршилигига дуч келди- улар узилкесил фoш килинди. Адабиётимиз тараккиёти учун мусаффо атмосфера вужудга келтирилди. Бирок, хозирги даврда ҳам Гарбда , аникроги, буржуа адабиётида формалистик ва вульгар- социалогик окимларнинг турли- туман куринишлари мавжудки, улар ҳам чинакам санъат табиатига зид бидбирларни амалга оширмоқдалар- шу

йул билан бадий тафаккур тараккиётига зарар келтирмоқдалар.

Бу уринда адабиёт ва санъатнинг миллий шакли хусусида ҳам бироз тухталиб утиш жоиздир. Чинакам санъат уз миллий шакли, миллий колорини билан кучли ва жозибалидир. Шу жихатдан, хар бир халкнинг санъати жахон маданияти хазинасини бойитади.

Миллий форма, миллий узига хослик деганда биз кишиларнинг характерида, ички дунёсида, хатти-харакати, тили ва хоказоларида намоён буладиган миллий хислатларини кузда тутамиз. Адабиётда мана шу хислат бадий ифодаланади. Бу- бадийликнинг мухим шартларидан бири.

Демак, санъат асарида мазмун билан шакл диалектик бирликни ташкил килади - асарга жонли бир бутунлилик, яхлитлик багишлайди. Бадий асар уз тузилишига кура гуё жонли организмдирки, унинг хеч бир аъзоси -эвеносига тегиб булмайди. Адабий асарда хамма нарса уз-урнида ва уз меёрида булиши шарт.

Текшириш саволлари:

1. Адабий асар мазмуни ва шаклининг узаро алокадорлиги деганда нималарни тушунасиш?
2. Шакл- мазмун диалектикасида мазмуннинг етакчилиги.
3. Алишер Навоий назмда маъни ва сурат диалектикаси хакидаги фикрлари ва уларнинг биз учун ахамияти?
4. Адабий асар мазмуни деганда нималарни тушунмок керак?

5. Ёзувчининг гоёвий позицияси ва унинг асар мазмунида акс этиши.
6. Қандай компонентлар воситасида мазмун шаклга утади?
7. Адабий асар шакли тушунчасига қайси компонентлар кириди?
8. Мазмун соҳасидаги изланишларнинг шаклга ва шакл бобидиги изланишларнинг мазмунга таъсири.
9. Шаклнинг мазмунга утиш йуллари.
10. Мазмун ва шаклнинг диалектик бирлиги- санъат асарининг асосий гарови.

Таянч тушунчалар:

Мазмун- ҳаёт воқеа - ҳодисаларининг бадиий ифодаси. Мавзу, масала, гоё, образ, сюжет ва бошқалар, биринчи галда, асар мазмуни таркибига мансуб.

Шакл- адабий асарнинг ташки: қурилиши, ҳаётни порадалаш тарзи, усул ва услублари- бадиийлик- шакл ҳодисаси.

Мазмун ва шакл бирлиги- мазмунни ифодаловчи шакл, бир-бири билан шундай боғлиқки, шаклни мазмундан ажратиш- мазмунни йук қилиш, мазмунни шаклдан ажратиш- шаклни барбод қилиш демақдир.

В.Г. Белинский

... тил (суз) образга нисбатан шакл, образ эса асарнинг гоёвий мазмунига қура шаклдир.

Л.И. Тимофеев.

7-МАЪРУЗА

БАДИИЙ АСАР МАВЗУИ ВА ГОЯСИ (2 соат)

Дарс режаси :

1. Мавзу хакида тушунча;
2. Гоя хакида тушунча
3. Мавзу ва гоя бирлиги

Адабаёт:

1. Добролюбов Н.А. Хакикий кун качон келади? Адабий-танкидий маколалар.Т:Узадабийнашр, 1959 -б. 257-305
2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси.Т: Укувчи, 1980-б.166-171.

Мавзу хакида тушунча, Мавзу - бадий асарда фалсафий, ижтимоий, ахлокий ва бошка муаммоларни куйиш хамда ёритишга хизмат киладиган, унинг хаётий асосини ташкил этадиган воқеа= ходисалар доираси эканлиги. Адабиётшуносликда «Мавзу» атамасининг кулланилиш маънолари : а) мавзу адабий асарда акс эттирилган хаёт булаг, парчаси; б) мавзу - асарда кутариб чиқилган ва ёритилган муаммо. Мавзуга куйиладиган талаблар. Мавзу ва замон. Мавзу типлари: адабий мавзулар, замонавий мавзулар, тарихий мавзулар. Йирик хажмли асарларда мавзу куплиги (бош мавзу, кушимча мавзулар) ва уларнинг бир бутунлиги.

Гоя хакида тушунча. Гоя адабий асарда тасвирланган хаёт воқеа-ходисалари устидан чиқарилган «хукм», хулоса эканлиги. Бадий гоя умумлаштирилган ва бадий тукима (образ)га сингдирилган- таъсирчан фикр эканлиги. Йирик хажмли асарларда ранг-баранг гоялар ифодаланиши;

асарда мавзу куплиги гојалар куплигини, мавзулар бир бутунлиги гојалар бир бутунлигини келтириб чиқариши. Бадиий гоја типлари: муаллиф гојаси (нијати), асосий гоја, объектив гоја. Сохта гоја хақида тушунча бериш. Ёзувчининг асарда нима демокчи эканлиги (бу ҳам муҳим) нисбатан нима дея олганлиги (объектив гоја) муҳимлиги.

Мавзу ва гоја бирлиги- санъат асарининг хаётий асосни, яхлитлигини, мукамаллигини ташкил этиши. Дилогия, трилогия, театрлогия хақида тушунча.

Мавзу ва гоја - адабий асарнинг барча унсурларини уз доирасига олувчи , уларни бир- бирларига пайвандлаб, яхлит шаклга келтирувчи, хаётийлик ва бадиийлик бахш этувчи восита эканлиги.

Текшириш саволлари:

1. Мавзу нима ?
2. Гоја нима ?
3. Асар мавзун ва гојасининг узаро боғликлиги.
4. Бадиий гојанинг хусусиятлари: умумлашма, образли ва эмоционал фикр эканлиги;
5. Гоја типлари: асосий гоја, муаллиф гојаси, объектив гоја, сохта гоја, муаммо гоја.
6. Асар мавзун ва гојасининг ранг-баранглиги ва бирлиги.

Таянч тушунчалар:

Тема: (юнон. Theta- асосида турувчи)- бадиий асарда фалсафий, ижтимоий, ахлокий ва б. Муаммоларни

куйиш хамда ёритишга хизмат киладиган воқеа-ходисалар.

Гоя- асарда куйилган ва ёритилган масалаларнинг мохиятидан, характерлар талкинидан мантикий равишда келиб чиқадиган хулоса.

Гоя - умумлаштирилган, образларга сингдирилган, эмоционал фикр.

8- М А Ё Р У З А

БАДИИЙ АСАР СЮЖЕТИ (4 соат)

Дарс режаси:

1. Сюжет хақида умумий тушунча. Адабиёт турлар ва сюжет.
2. Сюжетни тавсифловчи икки тенденция.
3. Сюжет унсурлари: экспозиция, тугун, в,р,, кульминация, ечим, пролог, эпилог.
4. Сюжет типлари: хроникали сюжет, ретроспектив сюжет, концентрик сюжет ва ассоциатив сюжет.
5. Хаёт материали ва бадий сюжет.
6. Сюжет ва фабула.
7. Сюжет макон ва замон.

Адабиёт:

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т: Укитувчи, 1980- б.172-188
2. Кушжонов М. Сайланма (икки жилдлик)-Т: Адабиёт ва санъат, 1983-2-жилд б. 185-253.
- 3.Тураев Д. Хаёт ва сюжет. Т: Адабиёт ва санъат, 1984.

4. Добин Е. Сюжет и действительность ... Л. : Сп. 1981- с. 168-298.

Сюжет хакида умумий тушунча. «Сюжет» атамасининг этимологияси, лугавий маъноси. Сюжет материалларини акс эттирувчи бадий восита- асар таркибидаги зарур унсурлардан бири. Сюжет асарда тасвирланган харакатнинг мазмунини ифодаловчи хаётий воқеа- ходисалар тизмасида намоён буладиган характерлар тарихи, поэтик фикр-туйгулар оқими эканлиги. «Сюжет»- воқеалик концепцияси» (Е. Добин). «Сюжетлилик- асар эстетик кийматининг биринчи шarti», «сюжет йук жойда- бадийлик йук» (Н.Г. Чернышевский)лиги. Хамонки, асар (шеър, хикоя, драма) бадий булиши шарт экан, у, улбатта, сюжетли булиши лозимлиги. Хар бир адабий тур ва жанрнинг сюжети узига хос булиши: лирик шеър сюжети, эпик асар сюжети ва драматик асар сюжети хакида тушунча бериш. Сюжетнинг ёркин кузга ташланиб турадиган тури эпик ва драматик асарларда учраши. Бадий сюжет таърифи ва тавсифи. Сюжетни тавсифловчи икки тенденция :а) сюжет- характер кирралари намоён буладиган воқеалар мажмуи; б) сюжет -хаёт зиддиятларини умумлаштирувчи воқеалар мажмуи. Конфликт ва сюжет. Бадий конфликтнинг ранг-баранг куринишлари хакида тушунча бериш. Конфликт - сюжет динамикасининг ички оқими эканлиги. Шу важдан сюжетни конфликтсиз тасаввур килиб булмаслиги.

Сюжет унсурлар. Асосий унсурлар: экспозиция, тугун, вокеа ривожлари, кульминация ва ечим; кушимча унсурлар: пролог ва эпилоглар хакида тушунча бериш.

Сюжет типлари: хроникали сюжет, ретроспектив сюжет, концентрик сюжет, ассоциатив сюжетлар талкини ва тахлили.

Хаёт материали ва бадий сюжет. Бадий сюжетнинг хаёт материали, бадий тукима ва эстетик идеалнинг санъаткорона пайвандланишиданг келиб чикиши. Сюжет фратишда ёзувчи дунёкараши, истеъдоди, илхоми, хаёли, ижодий методи, услуби, махорати, ёзувчилик маданияти ва тажрибаси чукур из колдириши. Сюжет ва мавзу. Хаёт материали асосида бадий сюжет яратиш - муракаб ижодий жараён эканлиги Сюжетнинг миллийлиги.

Сюжет ва фабула. Фабула бадий сюжетнинг хикоя килиб берса буладиган узаги эканлиги. «Сюжет» ва «фабула» атамаларининг ишлатилишидаги турли-туманликлар хакида маълумот.

Макон ва замон. Хаёт вокеа=ходисалари муайян бир макон (кишлок, гахар) ва замон (аср, йил, ой)да юз бериши табиийлиги. Хаёт конунияти бадий сюжет учун асос эканлиги. Шу важдан адабий асарда макон ва замон тасвирига алохида эътибор килиниши. Макон ва замон бадий сюжетнинг унсури эмас, балки унинг омили; хаётлийлиги, хакконийлиги, ишонтирувчанлиги, манбаи. Макон ва замоннинг ифодаланишида ранг- баранглик мавжудлиги.

Текшириш саволлари :

1. Сюжет ва унинг адабий жанрлар табиатига боғликлиги.
2. Лирик шеър сюжет, эпик асар сюжет, драматик асар сюжет.
3. Сюжет таърифи ва иавсифи.
4. Сюжетда воқеа ва характерлар мантики.
5. Хаёт зиддияти- конфликт- сюжетнинг ички оқими.
6. Сюжет унсурлари: экспозиция, тугун, воқеалар ривожлари, кульминация, ечим, пролог ва эпилог.
7. Сюжет типлари: хроникали сюжет, ретроспектив сюжет, концентрик сюжет, ассоциатив сюжет.
8. Хаёт материалдан бадиий сюжетга.
9. Сюжет ва фабула.
10. Сюжет макон ва замон.

Таянч тушунчалар:

Сюжет - воқелик концепцияси.

Сюжет (фран. Sujet - предмет, мазмун) - адабий асарда тасвирланган ҳаракат (туйғу) мазмуни.

Сюжет «... одамларнинг узаро алоқалари, улар уртасидаги карама- каршилиқлар, симпатия ва антипатиялар, умуман кишилар уртасидаги муносабатлар - у ёки бу характернинг типнинг тарихий ривожланиши, ташкил топиб боришидир».

М. Горький

Сюжет унсурлари: экспозиция, тугун, воқеа ривожлари, кульминация, ечим, пролог ва эпилог.

Сюжет типлари: хроникали сюжет, ретроспектив сюжет, концентрик сюжет, ассоциатив сюжет.

Сюжет ва фабула.

Сюжетда макон ва замон.

Сюжетни тавсифловчи икки тенденция : а) сюжет-характер кирралари намоён буладиган вокеалар мажмун ; б) сюжет= хаёт зиддиятларини умумлаштирувчи вокеалар мажмун.

Адабий сюжет конфликтсиз яшай олмайди.

Конфликт - сюжетни характерга келтирувчи асосий куч.

9. МАЪРУЗА

БАДИИЙ АСАР КОМПОЗИЦИЯСИ (4 соат)

Дарс режаси:

1. Композиция хакида тушунча
2. Композиция тамойиллари
3. Композиция воситалари
4. Сюжет ва композиция мутаносибелиг.

Адабиёт:

1. Кушжонов М. Асар композицияси. Сайланма (икки жилдлик)-Т: Адабиёт ва санъат, 1983-2 жилд -б. 253-286.
2. Жамол Камол. Лирик шеърятда композиция. Адабиёт назарияси (икки томлик).Т: 1976-1-т.-б. 291-311.
3. Жалолов Б. Узбек драматургияси поэтикаси масалалари.-Т: Фан, 1984-б.26-38.

Композиция хакида тушунча. Композицияи тахрифи ва тавсифи. Композиция - ёзувчи-нияти тақозосига кура унсурларнинг асар туқимасидан жой олиши ; жилдлар,

булимлар, кисмлар боблар, манзаралар, эпизодларнинг уринлашиши тартиби; образларнинг бир тизимга уюшуви, уларнинг узаро муомала- муносабатларининг ифодаланиш тарзи, тасвир воситаларининг муайян мақсадга хизмат қилиши, тасвирда мувофиқлик ва меъёр эканлиги. Композициянинг бадиий асарда бажарадиган вазифалари. Композициянинг сюжет билан ҳамбарчас боғликлиги : экспозиция, тугун, воқеа ривож, кульминация, ечим- сюжет ходисаси бўлса, шу унсурларнинг узаро боғланиш тартиби- бадиий қолипаш - композиция ходисаси эканлиги. Композициянинг ёзувчи дунёқараши, ижодий методи, услуби, нияти, мавзуи, жанр табиатига боғликлиги. Хар бир асар композицияси узига хос хусусиятлар касб этиши. Лирик асар композицияси (тезис, антитезис, синтез), эпик асар композицияси , булим, қисм, боб, манзара, эпизодларнинг узаро боғланиш тартиби) ва драматик асар композицияси (парда, қуринишларнинг узаро боғланиши) узига хослиги билан бир- бирдан ажралиб туриши. Композиция асарнинг шунчаки ташқи қуриниши- шакл ходисасагина эмаслиги, айни чоқда, у мазмунни ифодаловчи, уни уткирлаширувчи - таъсирчанлигини оширувчи қурол ҳаётни акс эттирувчи восита эканлиги- асарнинг сермазмунлиги, кизиқарлиги, укимишлигини оширувчи воситалиги.

Композиция тамойиллари. Композиция маркази, булак (қисм)ларнинг узаро жойлашиши тартиби, образларнинг ягона тизимга уюшуви, тасвир воситаларининг муайян мақсадга хизмат қилдирилиши,

тасвирда меъёр ва мувофиклик - асар композицияси мохиятини белгилаши.

Композиция воситалари. Асар сарлавхаси , эпиграф, лирик кириш, лирик чекиниш, лирик хотима, кистирма эпизод, бадий колиплиш, пейзаж, уй- жой, жихоз, буюмлар каби воситалар талкини ва тахлили.

Сюжет ва композиция мутаносибелиги. Сюжет ва композициянинг, асосан, асар кахрамонлари характерларини очишга, ёзувчи ниятигоясини ёркин ва жозибали ифодалашга- хаётни бадий тасвирлашга хизмат килдирилиши.

Текшириш саволлари:

1. Асар композицияси таърифи ва тавсифи.
2. Лирик, драматик ва эпик асар композициясини узига хослиги
3. Композиция тамойиллари ва уларнинг асар кисмларини бир бутунликка уюштиришдаги роли.
4. Сарлавха, эпиграф, лирик кириш, лирик чекиниш, лирик хотима, кистирма эпизод, колиплаш, пейзаж, уй-жой, жихозлар, буюмлар талкини ва тахлили.
5. Сюжет ва композициянинг бир- бирига мослиги.

Таянч тушунчалар:

Композиция - (лот. Compositio- тузиб чикиш, тартибга солиш) = ёзувчининг аник гоявий- бадий нияти тақозосига кура бадий компонентларнинг асар туқимасидан жой олиши, асар кисмлари, боблари,

эпизодларнинг уринлашиш тартиби; образларнинг бир тизимга уютуви; тасвир воситаларининг муа ян максадга хизмат килиши, тасвирда мувофиклик ва меъёрдир.

Лирик асар, эпик асар ва драматик асар композициясининг узига хослиги.

Колиплаш - сюжет ва композицияни бирлаштирувчи восита.

Композиция тамойиллари: композиция маркази, асар қисмларининг узаро жойлашиш тартиби, образларнинг ягона тизимга уюшуви тасвир воситаларининг эстетик ниятга мослиги, тасвирда меъёр.

Композицион воситалар : сарлавха, эпиграф, лирик қириш, лирик чекиниш, лирик хотима, кистирма эпизод, колиплаш, пейзаж, уй- жой, жихоз, буюмлар.

10 - МАЪРУЗА

БАДИИЙ АСАР ТИЛИ (4 СОАТ)

Дарс режаси:

- 1.Тил хақида умумий тушунча.
2. Бадиий тил ва унинг асосий хусусиятлари.
3. Муаллиф, хикоячи ва персонаж нутқи.
4. Кахрамонни тавсифлаш ва унинг воситалаш воситалари.
5. Махсус лексик катламлар.

1. Абдулла Кодирий. Майда хикоялар ёзганда сузни кандай тежаш керак? Кичик асарлар -Т.: Бадий адабиёт, 1969, б. 200-202.
2. Ойбек. Абдулла Кодирий ижодий йули. Мукаммол асарлар туплами. Т : Фан, 1979- 14т.-б.113-179.
3. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т: Укитувчи, 1980-б. 19-220.
4. Кодиров П. Адабий асад тили. Адабиёт назарияси (икки томлик)- Т. Фан, 1978-1т .б. 312-356.
5. Ойбек. Узбек поэзиясида тил. Мукаммол асарлар туплами- Т: Фан, 1979-14т- 107-112.
6. Пахимов А. Персонаж нутки ва миллий характер. Узбек тили ва адабиёти, 1981- №1-б.-22-24
7. Шодиев Н. Русият рассоми.-Т.: Фан, 1977.
8. Гафуров И. Гузалликнинг олмос кирралари. Т: Адабиёт ва санъат, 1964-б. 125-141.

Тил хакида умумий тушунча. Миллий (халкнинг жонли сузлашув) тил, адабий тил ва бадий тил.

Бадий тил ва унинг асосий хусусиятлари. Тил - адабиётнинг энг мухим унсури эканлиги. «Тил-адабиётнинг асосий куролидир,хаёт ходисалариф фактлар билан бирга унинг материалидир... Бадий адабиётдан равон, тушунарли тил, пухта танланган сузлар талаб этилади « (М.Горький). Адабиётда хаёт характерлар ва манзаралар воситасида тасвирланса, тил эса манзара ва характерлар яратиш куроли эканлиги. Адабиёт - суз оркали хаётни бадий тасвирлаш санъати эканлиги. Бадий асар тилини тасифловчи асосий хусусиятлар;

адабий асар тилининг типиклиги, халкчиллиги, лаконизми ва афоризми, тасвирийлиги, образлилиги ва таъсирчанлиги.

Муаллиф, хикоячи персонаж нутки.

Адабий асар тилининг адабий турлар ва жанрлар табиати билан боғликлиги: лирик асар тили, эпик асар тили ва драматик асар тили.

Адабий асар тилида кахрамонларнинг таъриф-тафсиф этилиши: а) муаллиф тавсифи, б) персонажларнинг нуткий тавсифлар: а) персонажларнинг узунлиги тавсифлаши, б) бир персонажнинг иккинчи персонажга, иккинчи персонажга тавсифнома бериши.

Тавсифлаш воситалари : монолог, диалог, полилог, портрет, мимик-помтамимик характерлар- имо-ишоралар, психологизм, туш куриш...

Махсус лексик кайламлар: адабий асар тилида эскирган сузлар (тарихий сузлар ва архаизмлар), неологизм, вулгаризм, варваризм, диалектизм, жаргон сузлар, профессионализм, фразеологизмлар, омоним, синоним, антоним, макол, матал, хикматли сузлар, халк кушиклари, каргишлари, ибораларининг ... ишлатилиши.

Текшириш саволлари:

1. Умумхалк тили, адабий тил ва бадий тилнинг муштарак жихайлари ва бир-биридан фарқни шарҳланг.
2. Бадий тилнинг асосни хусусиятлари.
3. Хикоячи- муаллиф тили ва унинг вазирлари.
4. Персонаж тили ва унинг индивидуаллиги.
5. Бадий матида тавсифлаш ва унинг турлари.

6. Монолог, унинг турлари ва шакллари.
7. Диалог- нима ?
8. Полологни шархланг.
9. Портрет ва унинг вазифалари.
10. Малика ва пантомимик харакатлар.
11. Тучи куриш ва унинг функциялари.
12. Эскирган (историзм ва арханзи) сузларни шаркланг.
13. Неологизм, диалектизм, варваризм, вулгаризилар.
14. Омоним, актоним, синоним сузлар.
15. Жаргон сузлар, профессионализмлар, фразеологизилар.
16. Асар тилида фольклозилар.

Таянч тушунчалар:

Жонли сузлашув нутки.

Адобий тил.

Бадий тил ва унинг хусусиятлари.

Лирик, эпик, драматик асарлар тиллари.

Хикоячи - муаллиф нутки ва унинг вазифалари.

Персонаж нутки ва унинг индивидуаллига.

Бадий матида тавсифлаш.

Монолик, диалог, полилог, портрет , рухият, туш.

Бадий матида махсус лексик катламлар.

Ш. Б У Л И М. ШЕЪР ТУЗИЛИШИ АСОСЛАРИ
(Бармок тизими) (2 соат)

Режа:

1. Шеърий нутк хакида умумий тушунча;
2. Шеър тизимлари;
3. Бармок шеър тизими ва унинг конуниятлари
4. Ритм, бугин, турок, бош турок, туркум.
5. Вазн ва унинг типлари.
6. Банд ва унинг турлари.
7. Узга шеър йуллари: ок (харора) шеър ва сочма (насрий) шеър.

Адабиёт:

- 1.Фитрата. Адабиёт уоидалари.-Т.: Уккитувчи 1995, б.35-38.
2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси - Т.: Укитувчи, 1980, б.237-314.
3. Туйчиев У. Узбек шеър тузилиш. Адабиёт назарияси (икки томлик)-Т.:Фан,1979-2т-б.337-348,368-385,397.
4. Бобоев Т. Шеър илми таълими.-Т. Укитувчи, 1996-б.16-64, 166-184.
5. Адабиётшуносликка кириш (Н. Шукуров ва б.)-Т: Укитувчи, 1984-б.77-182.
6. Бобоев Т. Узбек шеър тузилиши асосларини урганиш.Т-РУММ ва ТДПМ, 1991.

Шеърый нутк хакида умумий тушунча. Шеърый ва насрий нуткларнинг узига хослиги. Шеърый тил-мураккаб, серкирра, сержило, образли нутк. Шеърый нутк - шеър тузилиши - узгача бир дунё: шеър тукимасида, биринчидан, насрий ва драматик асарлардагидек, гоя, образ, конфликт, сюжет, композиция, бадий тил унсурлари мавжуд булса, иккинчидан, унда факат шеър тузилишига хос булган унсурлар: мусикийлиу. Оханг, ритм, бугин, турок, бош турок, туркум, вазн, кофия, банд, кучимлар, фигуралар, бадий санъатлар, фонетик усуллар булиши. Шеърый нутқда «юррак сезгиларини курсатадиган» (А. Фитрат) маънавий-илохий куч-оханграбо, жозиба булиши шартлиги.

Шеър тизимлари- метрик (антик), силлабик, тоник, силлаботоник, гекзамер, дольник... Жахон шеър тизимларини квантитатив ва квалитатив типларга ажратиб урганиш анъанаси мавжудлиги. Узбек шеър тизимлари: барсох шеър тизими ва аруз тизими. Узбек шеършунослигига кискача экскурс:

Бармок шеър тизими ва унинг конуниятлари. Ритм - шеър мисраларида бир-бирига тенг нутк булаklarнинг бир текисда ва изчил такрорланишидан келиб чиқадиган охпндошлик (зарб, бармок, аруз). Ёки шеър мисраларидаги ритмик булаklarнинг нотекис такрорланишидан келиб чиқувчи оханг (зарб)(сарбаст). Ритм - шеър муסיкийлигини таъминловчи бош восита эканлиги. Хаёт - ритм манбаи. Ритмнинг вазн, кофия, интонация, поэтик фигуралар, бадий санъатлар, кучимлар билан узвий богликлиги. Ритмни вужудга келтирувчи унсурлар: бугин, турок, бош турок, туркум хакида маълумот. Бармок ва арузда римни вужудга келтиришдаги узига хосликлар.

Вазн- шеър тузилишининг асосий уловчи, меъёри, мезони. Вазн типлари: содда вазн, кушма вазн ва эркин вазн хакида маълумот. Бармок ва арузда вазнларни вужудга келишидаги узига хосликлар.

Банд- шеърнинг йирик ритмик булагии. Банд ва унинг вазифалари. Банд тузилиши. Банд турлари: содда бандлар ва мурккаб бандлар. Маснавий, мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман бандлари тахлили.

Узга шеър йуллари. Ок (харора) ва сочма (насрий) шеърлар.

Текшириш саволлари:

1. Шеърий нутк хакида тушунча.
2. Жахон поэзия тизимлари: антик, силлабик, тоник, силлаботоник, гекзаметр, дольник... Квантитав ва квалитатив типларга булиб урганиш.
3. Узбек шеър тизимлари: бармок шеър тизими ва аруз шеър тизими.
4. Бармок шеър тизими ва унинг конуниятлари. Ритм, Вазн, банд, бугин, бош турок, турюум хакида маълумот. Вазн ва унинг типлари: содда вазн, кушма вазн, эркин вазн. Банд ва унинг тузилиши: содда бандлар (маснавий, мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас) ва мураккаб бандлар (мусамман мусаббат, мутассаъ, муашшар).
5. Узга шеър йуллари: Ок шеър- харора шеър, сочма (насрий) шеър.

Таянч тушунчалар:

«... шеър кишиларнинг конини кайнатгувчи, сингирларини уйнатгувчи, миясини титратгувчи, сезгисини кузгатувчи бир куч, маънавий бир куч бор. Шундай бир кучи булмаган суз «вазн» ва «кофия»си булсун, шеър була олмайдир... Чин шеър юрак сезгиларини курсатмақдир. Вазн ва кофия эса сузнинг беагидир».

Абдурауф Фитрат.

Поэзия- бу, башар хаётининг тегиб турган юраги,
унинг кони ва жойи, унинг шуъласи ва куёши.

В.Г. Белинский

12- МАЪРУЗА АРУЗ ТИЗИМИ (4 соат)

Режа:

1. Аруз хакида тушунча.
2. Узбек арузи поэтикаси.
3. Фонетика, хижо, асил рукнлар ва Фаръий рукнлар, зихофот ва фуруъ.
4. Вазн, бахр, доира таълими.
5. Тактиъ.

Адабиёт:

1. Алишер Навоий. Мезон ул авзон. Асарлар (уй беш томлик)-Т.: Адабиёт ва санъат, 1967-14т-б.133-182.
2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси-Т. Укитувчи, 1980-б 315-330.
3. Рустамов А. Аруз хакида сухбатлар. - Т.:Фан, 1972.
4. Бобоев Т. Шеър илми таълим.-Т: Укитувчи 1996-б. 64-108,184-196.
5. Хожиахмедов А. Мумтоз бадият малохати.Т:Шарк, 1999-б. 120-194.
6. Хожиахмедов А. Узбек арузи лугати.-Т: Шарк, 1998.
7. Хожиахмедов Аю Мактабда аруз вазнини урганиш.Т: Укитувчи, 1995.
8. Алишер Навоий .Лирика (тузувчи: проф. Н. Маллаев), машк-кулланма.Т: Укитувчи, 1992.

Аруз хакида тушунча. «Аруз» атамасининг этимологияси ва лугавий маънолари. Аруз тизими - арабларнинг тугма шеър тузилиши. Арабларнинг Шарк мамлакатларида утказган истилочилик сиёсати. УШ асрда Туркистон улкасининг Араб халифалари томонидан истило килишини. Араб тили ва у билан боғлиқ холда аруз шеър тизими илмининг (форстожик) шеърятини оркали) узбек шеърстига кириб келиши ва узбек тили табиатига мослашиб ривожланиши. Аруз-узбек мумтоз шеърятининг асоси. Аруз -XX аср узбек шеърятининг (бармок билан бирга) асосий вазнлар тизимидан бири эканлиги. «Араб арузи», «Форс- тожик арузи»,»Турк- узбек арузи» каби истилохлар шархи.

Узбек арузининг узига хослиги. Шарк, шу жумладан, узбек арузшунослиги тарихига қисқача экскурс килиш. «Мезон ул авзон» - узбек арузшунослиги ютуғи. «Фунун ул балога» (Шайх Аҳмад Тарозий), »Мухтасар» (Захириддин Мухаммад Бобур), «Бадойиъу-с-санойиъ» (Атоуллох Махмуд Хусайний), «Жамъиул мухтасар» (Воҳид Табразий) каби илмий рисолалар сарҳисоби. Узбек арузшунослигининг XX асрдаги равнақи (Абдурауф Фитрат, Содик Мирзаев, Иззат Султон, Хамид Сулаймон, Алибек Рустамов, Абдуқодир Хайитметов, Уммат Туйчиев...

Узбек арузи поэтикаси.

Фонетика - аруз вазнларининг ук илдизи- нағизи эканлиги. Араб графикаси асосидаги эски узбек ёзуви ва рус графикаси асосидаги амалдаги узбек ёзувида

битилган шеърӣй мантларда хижолар сифатикиска чузик ва урта чузиклигини аниклашда узига хосликлар борлиги. Арузда хижоларнинг миқдоригина эмас, балки сифати хал килувчи ахамият касб этиши. Хижо - жузв таълими: сабаб, ватад, фосила талкини ва тахлили. Асил рукнлар ва фаръӣй рукнлар. Уларнинг тузилиши ва ахимияти. Зихофот ва фруъ таълими: арузшуносликнинг энг мураккаб ва кийин сохаси эканлиги. Мафойилун, фоилотун, мустафъилун, мафъулоту, фаулун, фоилун, мафоилатун, мутафоилун асил рукнларининг зихофотлари ва фуруълари талкини.

Вазн. «Вазн» атамасининг этимологияси, лугавий маъноси, вазифалари, Вазн, ритм, банд, кофия билан узвий бирликдагина уз вазифасини утай олиши мумкинлиги. Аруз тизимида шеърнинг биринчи мисрасидаги хижолар сони, сифати ва тартиби бошқа мисраларда муайян конуният асосида такрорланишига алоҳида эътибор берилиши. Товушлардан хижолар, хижоларнинг гурухланишидан рукн ва рукнларнинг уюшувидан вазнлар (мисралар) келиб чиқиши. Икки- турт рукн бирикумидан мисра, иккимисра уюшувидан байт хосил булиши: байтда турт рукн, олти рукн ва саккиз рукн булиши... Байт - шеър уйи. Байт тузилишига караб вазн аникланиши. Шеърнинг биринчи мисрасида хижолар миқдори, сифати ва тартиби ; рукнлар сони, тузилиши ва тартиби кандай булса, иккинчи масрада ҳам шу схема айнан такрорланса, аруз тизимининг содда вазн типи вужудга келиши. Содда вазн типи- аруз тизимининг асосини ташкил килиши. Аммо арузда «кушма вазн» Хам (шеърнинг бир мисраси бир

вазнда, юошка мисраси бошка вазнда) учраб туриши мумкинлиги. Аруз тизимида вазнлар ниҳоятда куплиги ва ранг-баранглиги.

Бахр. Узаклари бир-бирига якин булган вазнлар туркуми. Бахр улчов бирлиги эмас, вазнлар гуруҳи эканлиги. Аруз тизимида ун туккизта бахр борлиги ва уларнинг тавсифи. Шулардан, асосан, тавил, мадид, басит, вофир ва комиллар араб шеърстига мансублиги, колганлари (рамал, хазаж, ражаз, мунсарих, музориъ, сариъ, хафиф, мужтасс, муктазаб, мутақориб, мутадорик, қариб, мушоқил, жадид бахлари) форс-тожимк ва турк-узбек шеърстида кулланилганлиги. Бахрлар байтдаги рукнларнинг миқдори билан кушиб номланиши (рамал бахридаги байт турт рукнли булса- ромали мураббаъ, олти рукнли булса- рамали мусаддас, саккиз рукнли булса - рамали мусамман деб юритилиши). Бахрларнинг ҳар бири бир неча вазнлардан таркиб топиши (уларнинг-ҳар бири махсус арабча номлар билан аталиши). Агар вазн бир асил рукннинг қисқартирилмаган (тула) шакли такроридан тузилган булса,»солим» (бутун) вазн (рамали мусаммани солим - саккиз рукнли бутун рамал), вазнда рукнлар (купинча мисра охиридаги рукн)нинг бири «Кесик» Холда келса- унинг номига «максур» (кусурли, кемтик) қушимчаси тиркалиши (рамали мусадаси максур...) Ҳар бир вазннинг номи унинг бахрига, байтдаги рукнларнинг миқдори ва зихофларига қараб қуйилиши. Вазн номи, иккинчи суз- рукн миқдори, учинчи ва ундан кейинги сузлар- рукн зихофини англатиши (хазажи мусаммани махзуф...) Бахр заминида, асосан, асил рукнлар

туриши (фаулун рукнидан- мутакориб, фоилун рукнидан- мутадорик, мафойлун рукнидан -хазаж, фоилотун рукнидан- рамал, мустафъилун рукнидан- ражаз... бахрлари келиб чиқиши).

Бахрлар таснифи : солим бахрлар ва тормок бахрлар. Узбек шеъриятида кенг кулланилган хпзаж, ражаз, рамал ва мутакориб бахрлари тавсифи ва тахлили.

Аруз доиралари. Бахрлар бир-бирига яқинлиги ва умумий узак хусусиятларига кура гурухларга- аруз доираларига ажаритиб урганилиши Узбек арузидаги туккиз доиранинг тавсифи ва талқини.

Текшириш саволлари:

1. «Аруз» атамасининг этимологияси ва лугавий маънолари.
2. Арузшунослик тарихига бир назар.
3. «Араб арузи», «Форс- тожик арузи», «турх-узбек арузи» шархлари.
4. Узбек арузининг узига хослиги. «Мезон ул авзон», «Фунух ул балога», «рисолан аруз» шархлари.
5. Узбек арузи поэтикаси: аруз фонетикаси, хижо таълими.
6. Асил рукнлар ва фаръий рукнлар.
7. Зихофот ва фуруъ таълими.
8. Арузда вазн таълими.
9. Бахр хақида таълим.
10. Бахр таснифи.
11. Аруз доиралари.
12. Тактиъ.

Таянч тушунчалар:

«Ва буким, бу илмни нечун «аруз№ дедилар... Ва ул будурким, халил ибни Ахмад рахматуллоҳки, бу фаннинг возиъидур, чун араб эрмиш ва анинг якинида бир води эрмишки, ани «Аруз» дерлар эрмиш ва ул водида аъроб уйларини тикиб, жилва бериб, бахога кюрурлар эрмиш. Ва уйни араб «байт» дер. Байтларни бу фан била мезон килиб, мавзунини номавзундин аюрурлар, гуёки киммат ва бахосинини маълум булур, бу муносабат била «аруз» деб турлар...»

Алишер Навоий.

Хижо - киска, чузик, ута чузик хижолар мутаносиблиги.

Рукн - асил рукн, фаърий рукн.

Вазн,

Бахр,

Долра,

Тактиъ.

13- МАЪРУЗА КОФИЯ САБОКЛАРИ (2 соат)

Дарс режаси:

1. Кофия ва унинг вазифалари;
2. Мумтоз кофия назарияси : кофия унсурлари, типлари ва турлари;
3. Кофия тизими ва тирговичлари.

Адабиёт :

- 1.Иззат Султон. Адабиёт назарияси.-Т.:Укитувчи, 1980-б.331-342.
- 2.Мирзаев С. Узбек адабиётида кофия. Узбек тили ва адабиёти, 1972,№5.
- 3.Рустамов А. Кофия нима?-Т: Фан, 1976.
4. Фитрат А. Адабиёт коидалари. -Т. Укитувчи ,1995,б.48-49.
5. Бобоев Т. Шеър илми таълими.-Т: Укитувчи. 1996-б.108-166.
6. Бобоев Т.,Бобоева З. Кофия илмидан сабоқлар- Т: РУММ, 1994.
7. Бобюев Т. Мумтоз кофия унсурлари. Маънавиятимиз сарчашмалари. Т: ТДПУ, 1999-б.97-106.
8. Бобоев Т. Кофия санъатлари. Янгича тафаккур ва адабиёт жараён.Т- ТДПУ-б. 37-52.
9. Тухлиев Б. Юсуф Хос Хожиб ва туркий кофия тараккиёти-Т: ТДПУ, 1994.
10. Хожирахмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз кофия.Т: Шарк, 1998-б.0115-158.
11. Хожирахмедов А. Мумтоз баднийат малохати.Т: Шарк,1999-б.195-237.

Кофия ва унинг вазибалари. Кофия - шеър уйининг устуниси. Кофия илми. Туркий кофия ва мумтоз кофия. Туркий кофия тараккиёти.

Мумтоз кофия назарияси. Кофия унсурлари хақида маълумот. Мукайяд кофия унсурлари: равий, таъсис, ридф, кайд, дахил талкини ва тахлили. Мутлак кофия унсурлари: васл,хуруж, мазид, нойира талкини ва тахлили.

Мумтоз кофия типлари ва турлари. Мукаййад кофия типи ва унинг турлари. Мутлак кофия типи ва унинг турлари.

Кофия санъатлари. Безакли кофия (зулкофиятайн, тарсиъ-кофия). Кофияда суз маънолари (суз куллаш санъати). Содда кофия, тасвирий кофия. Кофияда семантик аломатлар (киноявий кофия, контракт кофия, метафорик кофия, тажник-кофия). Кофияда фонетик аломатлар (очик кофия, ёпик кофия, тулик кофия, нотулик кофия, тахминий кофия).

Кофия тизими. Кофия макони. Кофия тартиби. Кофия тирговичлари: хожиб, радиф, эпифора, накарот, рефрен талкини ва тахлили..

Текшириш саволлари:

1. Кофия нима ? Кофия шеър тузилишида кандай вазифани утайди? Кофиясиз шеър булими мумкинми?
2. Пароллизм ва сажъдан туркий кофияга.
3. Мумтоз кофия унсурлари.
4. Мукаййад кофия унсурлари.
5. Мутлак кофия унсурлари.
6. Мумтоз кофия типлари ва турлари.
7. Мукаййад кофия типи ва турлари.
8. Мутлак кофия типи ва турлари.
9. Кофия айблари.
10. Кофия санъатлари.
11. Кофия безаклари.
12. Кофия суз куллаш.
13. Кофияда макон.
14. Кофияда тартиб.
15. Хожиб, радиф, рефрен, эпифора, накарот.

Таянч тушунчалар:

Билгилкин, мажмун уламо ва фузало мазкабинда
ахли табъга кофия илмин билмак мухимдир, зероки
табънинг натижаси шеърдур ва шеърлинг асли кофия.

Шайх Ахмад Тарозий.

14-МАЪРУЗА. ПОЭТИК КУЧИМЛАР (2 соат).

Дарс режаси:

1. Поэтик кучимлар ва уларнинг таснифи.
2. Ухшаш кучимлари.
3. Коришик кучимлари.
4. Зидлов кучимлари.

1. Фитрат А. Адабиёт коидалари-Т:Укитувчи, 1995-б. 62-71.
2. Ойбек. Узбек поэзиясида тил. Мукамал асарлар туплами-Т: Фан, 1979-14т-б.107-112.
3. Иззат Султон. Адабиёт назарияси.Т: Укитувчи, 1980-б.207-220.
4. Туйчиев У. Поэзия тилининг хусусиятлари. Адабиёт назарияси-Т:Фан, 1978,1т-б.357-405
5. Бобоев Т. Шеър илми таълили-Т:Укитувчи, 1996-б.199-235 ,305-308.
6. Самадов К. Шеърятда суз куллаш санъати. Узбек тили ва адабиёти, 1963-№6,-б. 28-35.
7. Киличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари.-Т: Фан, 1982.

Бадий асар тилида суз куллаш санъати: адабий асарда сузларни уз ва кучма маъноларида кулланилиши. Суз- тасвир воситаси. Агар асар тилида суз асил маъносида эмас, кучма маъносида ишлатилган булса - у махсус бадий тасвир воситаси хисобланиши.

Кучимлар. Адабий асар тилида кучма маънода кулланилган сузларилмда троплар (юн trifol - мажоз) - кучимлар деб юритилиши. Кучимларнинг ранг- баранг куринишлари борлиги. Улар, одатда, сузнинг асил ва кучма маънолари уртасидаги муносабатларга караб куйидагича тасниф килиниб, урганилиши:

а) ухшаш (компаратив) кучимлар. Бу турга ухшаш кучимлар (тасвир объектнинг ташки куриниш жихатдан узига ухшашрок булган объектга киёс килиниши) мансублиги. Ухшаш кучимларнинг муштарак хусусиятлари булардан икки предмет (ухшатилаётган ва ухшаган нарса) бир- бирига киёсланиши ёхуд бир нарса (ухшаётган нарса)нинг хусусиятлари бошка предмет (ухшатилаётган нарса- тасвир объекти)га кучириб утказилишитасвир объекти образли ифодаланиши. Ухшаш кучимлардан намуна сифатида сифатлаш, истиора (метафора), жонлантириш (ташхис ва инток), апострофа, разм (символ), аллегориялар талкини ва тахлили.

Б) коришик (контигуаль) кучимлар. Бу турга ноухшаш кучимлар (тасвир объекти ташки куриниш жихатдан унчалик ухшаш булмаган, аммотушунчада якинлиги булган объектга яширин киёслаш) кириши. Бу гурухдаги кучимлар мупаккаблиги, ранг-баранглиги -

коришиклиги билан тавсифланиши. Метонимия, муболага, тафрит (литота), синекдоха, перифразлар коришик кучимлар намуна сифатида тахлил килиниши.

В) зидлов (контраст) кучимлари. Бир-бирига зид тушунчали сузларни ёнма- ён келтириш санъати ехуд киноя, пичинг, кесатиш маъносини ташувчи тасвир воситаларини куллаш. Киноя, сарказм, оксиморонлар шу тоифадаги кучимлар намунаси сифатида тахлил этилиши.

Текшириш саволлари:

1. Баддий асар тилида суз куллаш санъати.
2. Поэтик (троп) кучимлар ва уларнинг таснифи.
3. Ухшаш (компаратив) кучимлар:
4. Истиора ва унинг турлари.
5. Сифатлаш.
6. Жонлантириш ва унинг турлари
7. Рамз (символ)
8. Аллегория.
9. Коришак (контигуаль) кучимлар.
10. Метонимия.
11. Муболага
12. Тафрит (литота)
13. Синекдоха.
14. Перифраз.
15. Зидлов (контраст) кучимлар.
16. Каноя
17. Саркази
18. Оксиморон.

Таянч тушунчалар:

Кучим - адабий асар тилида кучма маънода кулланилган сузлар.

Кучимлар таснифи:

- а) ухшаш (компаратив) кучимлар
- б) коришик (контигуаль) кучилар.
- в) зидлав (контрасти) кучимлар.

15- МАЪРУЗА. БАДИИЙ САНЪАТЛАР (2 соат)

Дарс режаси:

- 1. Бадиий санъатлар хакида умумий тушунча.
- 2. Бадиий санъатлар ва уларнинг таснифи.
- 3. Маънавий санъатлар.
- 4. Лафзий санъатлар.
- 5. Маънавий- лафзий санъатлар.

Адабиёт :

- 1. Фитрат Аю Адабиёт коидалари-Т: Укитувчи, 1995-б.70-81.
- 2. Ойбек. Узбек поэзиясида тил. Мукамал асарлар туплами-Т. Фан, 1979-14т-б.107-112.
- 3. Иззат Султон. Адабиёт назарияси-Т: Укитувчи, 1980-б.207-220.
- 4. Бобоев Т. Шеър илми таълими. Т: Укитувчи, 1996-б. 199-235,305-308.
- 5. Хожиахмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз кофия-Т шарк, 1998-б.115-158.

6. Хожиахмедов А. Мумтоз бадиият малохати. -Т: Шарк, 1999-б. 4-114.
7. Хожиахмедов А. Шеърий санъатларни биласизми?-Т: Шарк, 1999.
8. Хусайний Атоуллок. Бадойиъу-с-санойиъ (фосчадан А. Рустамов таржимаси) -Т: Адабиёт ва санъат, 1981-б.34-274.
9. Шайхзода Мю Асарлар (олти томлик)-Т: Адабиёт ва санъат, 1970-4т-б 195-294.
10. Классик адабиёт поэтикасида материаллар. Узбек тили ва адабиёт. 1970, №1 -1973 .№1 Чунончи: Ийхом(197-№1), Талмех, Тажохулу-л-ъориф (1970, №3), Ташбих (1970.№4), Тарси в (1972.№4) тажнис (1972, №5) Тарду акс (1971, №6), Кайтарик санъати (1972,№2), Иштикок (1972, №4), Раддул матлаъ. Раддул кофия (1973, №1) вабсажъ (1972, №2), Тажнис (1971, №5).

Бадиий санъатлар хакида умумий тушунча. Бадиий санъатлар ёхуд шеър санъатларини билмасдан туриб, узбек мумтоз шеъринини цухта урганиб булмаслиги. Бадиий санъатлар адабиётимизнинг узига хослигини, латофати -ю назокатини, ранго-ранглиги-ю эстетик бойлигини, таъсирчанлигини намоён этадиган асосий воситалардан эканлиги.

Бадиий санъатлар тарихига бир назар. Араб олимлари шеърий нутк гузаллиги (санъатлари) ни зотий (табиий) ва оризий (безакли) гурухларга ажратиб (бу хакидаги илми «Балогат илми» деб номлаб) урганишган булсалар, форс-тожик ва турк-узбек шеаролари эса зотий

ва оризий гузалликларни кушиб, «санойиъ бадеъ» (бадий санъатлар) ва бу ҳақдагилмни «Илми санойиъ» (4 санъат илми») деб аташгани. Бу соҳа буйича асрлар давомида араб, форс- тожик ва қисман туркий тилда рисолалар ёзилгани- тарихий поэтика илми раванк топгани, бироқ бундай нодир асарлар узбек тилига тула таржима қилинмагани, ҳозирги замон шеършунослиги ютуқлари заминда пухта урганилмаганлиги- тарихий поэтик кунгилдагидек тарғиб ва ташвиқ қилинмаётгани курсатади.

«Санойиъ бадеъ» методик жиҳадан қуёйдаги уч гуруҳга ажратиб урганилиши:

1. Лафзий санъатлар - сузнинг товуш жиҳати билан боғлиқ санъат ходисаи эканлиги. Лафзий санъатларда суз шакли поэтик мазмун (маъно)га хизмат қилдирилиши. Лафзий санъатлар гоъда қуп ва улар ранг-баранг эканлиги. Лафзий санъатлардан намуна сифатида тарсиъ, сажъ, муламмаъ, қайтариш, раддул-акс, раддул-матла, радд ул кофия, тахлилига алоҳида эътибор бериш.

2. Маънавий санъатлар. Шеър маъноси, гоъси билан боғлиқ булган санъатлар «маънавий санъатлар» деб юритилиши. Маънавий санъатлар ҳам қуп ва улар ранг-барангдир. Шулардан ташбих, ийхом, иштикок, лутф, тазод, тадриж, исмолу-л-масал, калом-и-жемиъ, ружуъ, тажохулу-л-ъориф, тансиқ ус- сифот, илтифот, лаффу нашр, хусни таълил, саволу жавоб , таъдил, талмих, муаммо, мувашшах, таърих, қистон қабилар тахлили.

3. Маънавий- лафзий санъатлар. Шеърнинг ҳам товуш (шакл), ҳам маъно (мазмун) жиҳати билан узвий боғлиқ

булган санъатлар. Бу турда хам куплаб санъатлар мавжуд: мутобака, тадбиж, мукобала, тафвиф, ирсод, таносиб, иттирад, музоважа, иктибос, акд, халл, тазмин ва бокалар. Бу турдаги санъатлардан, масалан, таносиб ва тажнис санъатларини тахлил килиш мақсадга мувофиқдир.

Текшириш саволлари:

1. Бадиий санъатлар ва уларнинг таснифи.
2. Лафзий санъатлар.

ТарсиЪ, тажнис, муламмаъ, сажъ, кайтариш санъати, радд ул -акс, раддул матлаъ, радд ул кофия.

3. Маънавий санъатлар: ташбих, иштикок, тазод, тадриж, хуски таълил, ийхом, лутф, тазод, тадриж, ирсолу-л-масал, калом-и жомиъ, ружуъ, тажохули-л-чориф, илтифот, лаффу нашр, талмих, муаммо, мувашмох, таърих, чистон, саволу жавоб.

4. Маънавий- лафзий санъатлар: мутобака, тадбиж, мукобала, тафвиф, таъдил, тансику-с-сифат, таносиб, тажнис ва б.

Таянч тушунчалар:

Бадиий санъатлар нима?

«Санойиъ бадеъ» таснифи:

Лафзий санъатлар,

маънавий санъатлар,

Маънавий- лафзий санъатлар.

16- МАЪРУЗА ПОЭТИК СИНТАКСИС (2 соат)

Дарс режаси:

1. Поэтик синтаксис хакида тушунча:
2. Интонация ва унинг вазифалари
3. Поэтик фигуралар ва уларнинг таснифи
4. Куйтирув фигуралари, пасайтирув фигуралари, охангдош фигуралар, зидлов фигуралар, узгартирув фигуралари.
5. Фонетик усуллари.

Адабиёт:

1. Фитрат А. Адабиёт коидалари.-Т: Укитувчи, 1995-б.70-86.
2. Бобоев Т. Шеър илми таълми.-Т:Укитувчи, 1996-б.270-305, 312-314.
3. Туйчиев У. Поэзия тилининг хусусиятлари. Адабиёт назарияси-Т:Фан, 1978-1т-б.335-405.
4. Киличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари.-Т:Фан, 1982.
5. Иззат Султон Адабиёт назарияси-Т:Укувчи, 1980-б.207=219, 287-290.

Шеърӣй (поэтик) нукт хакида тушунча. Поэтик синтаксис ва лингаистик синтаксис. Поэтик синтаксиснинг узиға хослиги ва вазифалари. Поэтик синтаксис шеърӣй нуткни типиклаштирувчи ва индивидуаллаштирувчи восита эканлиги. Хар бир шоир тили, хар бир шеърӣй асар тили сантаксиснинг узиға хослиги.

Интонация ва унинг вазифалари. Интонациянинг ранг-баранглиги. Пауза, ургу ва товуш суръати - интонацияни вужудга келтирувчи воситалар эканлиги.

Поэтик фигуралар хақида умумий тушунчалар. Поэтик фигуралар ва поэтик кучимлар. Поэтик фигураларнинг вазифалари.

Поэтик фигуралар таснифи ва тавсифи:

а) Кучайтирув фигуралари- маънони, кахрамон хиссиётларини кучайтириб, бурттириб тасвирлашга хизмат килувчи воситалар. Шеъриятда ранг-баранг кучайтирув фигуралари ишлатилиши. Градация (климакс ва антиклимакс), риторик сурок, риторик мурожаат, риторик хитоб, бадий такрорлар- тизимли такрорлар ва эркин такрорлар, такрир, анафора, учма-уч улаш (симплока), халка, турду акс, ташобеҳу атроф , суз туркумлари такрори, муссовитят тарафайн, мусалсал санъатлари тахлили.

Б)Пасайтирув фигуралари - эхтирослар окими ва интонациянинг пасайишини ифодаловчи тасвир усуллари. Бу санъатлардан эллипсис, сукут, булиш ва катиъ (кесиш) талкини ва тахлили.

В) Охангдош фигуралар - охангдошлик, мусикийликни вужудга келтиришга хизмат киладиган усуллар. Бу турдаги фигуралардан параллелизм ва суз уйини санъатларини тавсифлаш.

Г) Зидлов фигуралари- тасвир объекти ичидан зиддиятни очишга хизмат киладиган санъатлар. Антитеза санъати мана шу нуктаи назардан тахлил килиниши.

Д) Узгартирув фигуралари- гап курилишини узгартирадиган тасвир усуллари. Инверсия, кучув, анаколурф, фигуралари тахлили.

Фонетик усуллар. Поэтик фонетика ва унинг вазифалари. Аллитерация, ассонанслар талкени ва тахлили.

Текшириш саволлари:

1. Поэтик синтаксис хақида маълумот.
2. Интонация ва унинг вазифалари.
3. Пауза, ургу, товуш суръати.
4. Поэтик фигура ва поэтик кучим.
5. Поэтик фигуралар таснифи.
6. Кучайтирув фигуралари.

Градация (климакс, антиклимакс).

Риторик, сурок, риторик муражаат, риторик хитоб.

Бадий такрорлар. Ташобеҳул атроф. Тарду акс, мусалсал, мусовият тарафайн. Учма уч улаш.

7. Пасайтирув фигуралари:

эллипсис, сукут, булиш, катиъ (кесиш).

8. Охангдош фигуралар:

параллелизм, суз уйини.

9. Зидлов фигуралари:

Антитеза.

10. Узгартирув фигуралари:

Инверсия, кучув, анаколур.

11. Фонетик усуллар:

Аллитерация, ассонанс.

Таянч тушунчалар:

Поэтик синтаксис.

Интонация.

Пауза, Ургу.

Градация, бадий такрорлар.

Антитеза.

Инверсия.

Параллелизм.

Анаколуф.

17. МАЪРУЗА АДАБИЙ ТУРЛАР ВА ЖАНРЛАР (6 соат).

Дарс режаси:

1. Адабий турлар ва жанрлар хакида умумий тушунча.
2. Эпик тур ва унинг шакллари, жанрлари:
3. Лирик тур ва унинг шакллари, жанрлари.
4. Лирик-эпик асарлар ва уларнинг жанрлари
5. Драматик тур ва унинг жанрлари.
6. Хажвиёт ва бадий публицистика хакида тушунча.

Адабиёт:

1. Аристотель. Поэтика-Т:Адабиёт ва санъат, 1980-б.5-60.
2. Буало Н. Шеърий санъат-Т:Адабиёт ва санъат, 1978.
3. Белинский ВюГ. Танланган асарлар-Т:Уздавнашр, 1955-б.131-213.
4. Иззат Султон. Адабиёт назарияси-Т: Укитувчи, 1980-б.229-286.
5. Адабиёт назарияси (икки томлик)-Т:Фан, 1979-2т-б. 184-234.

6. Адабий турлар ва жанрлар (уч жилдлик). 1 жилд (Апос)-Т:Фан, 1991, 2-жилд(Лирика)-Т:Фан, 1992.
7. Фитрат А. Адабиёт коидалари-Т:Укитувчи . 1995-б.91-98.
8. Жалол Комил. Лирикада жанрлар масаласи. Узбек тили ва адабиёти, 1976, №6-б.7-12.
9. Носиров О. Жамолов С.,Зиёвиддинов М. Узбек классик шеърляти жанрляри—Т:Укмтувчи, 1979.
10. ОрзибековР. Лирикада кичик жанрлар.-Т:Адабиёт ва санъат, 1976.
11. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар.-Т:Адабиёт ва санъат, 1973.б98-169.

Адабий турлар ва жанрлар хакида умумий тушунча. Адабий турлар ва жанрлар таснифи ва тавсифи. Турлар ва жанрларнинг тарихийлиги ва нистийлиги.

Эпик тур ва унинг шакллари, жанрляри. Эпик тур хакида. Эпик турнинг кичик урта катта шаклларга ажратиб урганиш. Эпопея ва унинг узига хос хусусиятляри. Узбек адабиёти тарихида эпопея уксурларининг мавжудлиги. Эпопея- романлар.

Роман жанри ва унинг поэтикаси. Тарихий роман, тарихий- инкилобий роман, харбий рома, сиёсий роман, роман- дилогия, роман-монолог, роман- новелла, роман- трилогия, роман- татралогиа.

Узбек адабиётида роман жанрининг тугилиши унинг тараккёти. Роман -XX аср узбек адабиётининг етакчи жанри.

Повесть (кисса) жанри табиати ва унинг узбек адабиёти тараккиётида татган урни.

Хикоя (новелла) ва очерк жанрлари поэтикаси-уларнинг муштарак ва фаркли жихатлари. Узбек адабиётида хикоя ва очерк жанрларининг тараккети.

Лирик тур ва унинг шакл ҳамда жанрлари. Лирик ва эрик турларнинг кийсий тадкини. Лирик турнинг адабиётимизда тутган маскеи. Адабиётшуносликда лирик тур таснифида бирхилликка эришилмагани. Амалда лирик асарлар икки йул билан тасниф этилаётгани : а) тематик-гоявий ва услубий йуналишига кура (интим лирика, фукаролик лирикаси, пейзаж лирикаси, хажвий лирика...), б) поэтик белгиларига хура лирик жанрлар: газал, касида, рубоий, туюк, фард, мунозара, мустазод, таржибанд, таркиббанд, сокийнома, марсия, манзума, сонет, мусаимат, мадхия, нома кабилар талкини ва тахлили . Узбек лирикасининг жанр ва шаклларга бойлиги- унинг эстетик бойлигидан нишона эканлиги...

Лирик- эпик шакллар ва уларнинг характерли хусусиятлари. Поэма (дoston), баллада, масал жанрлари талкини ва тахлил. Шеърий роман, шеърий кисса, шеърий эртак жанрлари хакида маълумот.

Драматик тур ва унинг асосий хусусиятлари. Драматик тур таснифи: а) урта драматик шакл : трагедия (фожа), комедия, драма: б) кичик драматик шакл ва унинг жанрлари: диалог, бир пардали пьеса, инсценировка, миниатюра, интермедия хакида маълумот бериш.

Хажвийёт сатира ва юмор. Баддий публицистика (микола, эссе...) хакида маълумот.

Текшириш саволлари:

1. Адабий турлар ва жанрлар.

2. Эпик тур (эпос) ва унинг шаклдари, жанрлари.

3. Лирик тур (лирика) ва унинг жанрлари.

Газал, касида, кушик, рубоий, туюк, фард, китъа, мунозара, сонет мусаммат, мадхия, нома, мустазод, таржибанд, таркиббанд, сокийнома, марсия, манзума...

4. Лирик- эпик асарлар.

Поэма, баллада, масал, шеърий роман, шеърий кисса шеърий эртак.

5. Драматик тур (драма) ва унинг жанрлари.

Трагедия, комедия, драма.

Диалог, бир пардали пьеса, инсценировка, миниатюра, интермедия.

6. Хажвиёт (сатира ва юмор), бадий публицистика (макола, эссе...).

Таянч тушунчалар:

Адабий турлар- адабий асарларнинг яратилиш усулларига кура катта -катта гурухларга булиниши (эпос, лирика, драма).

Адабий жанрлар- формал- поэтик белгиларга кура кичик рок гурухларга булиниши: роман, повесть, хикоя, очерк...

Турлар ва жанрларнинг тарихийлиги ва замонавийлиги.

18- МАЪРУЗА ИЖОДИЙ МЕТОД, АДАБИЙ ОКИМ ВА ИНДИВИДУАЛ УСЛУБ (6 соат).

Дарс режаси:

1. Ижодий метод хакида умумий тушунча.
2. Романизм ва реализм.
3. Адабий оқимлар.
4. Ёзувчи услуби ва уларнинг ранг-баранглиги.
5. Метод ва услубнинг бир-бирига боғликлиги.

Адабиёт:

1. Иззат Султан Адабиёт назарияси. -Т:Уқитувчи, 1980-б.354-390.
2. Фитрат А. Адабиёт қоидалари.-Т.Уқитувчи, 1995.-б.98-101.
3. Избавление от миражей. Социализм сегодня. М. 1990.
4. Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе.Т.%Фан, 1975.
5. Каримов Г.Узбек адабиётида реализм ва романизм масалалари. Инкилоб ва ижод.-Т: Адабиёт ва санъат, 1977,б. 94-115.
6. Мамажонов С. Услуб жилолари.-Т:Адабиёт ва санъат, 1972-б. 78-126.
7. Султонова М. Ёзувчи услубига доир.-Т:Фан, 1973.
8. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар, 1973-б.3-92.
9. Кушжонов М. Метод ва махорат. Хаёт ва махорат.Т:Узадабийнашр, 1962-б.173-191.
10. Султанова М. Абдулла Каххор услуби.-Т:Фан, 1967.

Ижодий метод хакида умумий тушунча. Метод-хаётни эстетик узлаштириш, бадий ифондалаш ва бахолаш тамойиллари мажмуи эканлиги. Ижодий метод, даставвал, «ёзувчининг хаётга, вокеликка эстетик муносабати» (Иzzат Султон). Ижодий методнинг дунёкараш, истеъдод, эстетик идеал, махорат билан узвий алокада булиши. Ижодий метод ва индивидуал услуб. «Методда, энг аввало, ёзувчининг бошка, узига якин ёзувчилар билан боглайдиган умумий нарсалар кузга ташланади, услубда эса уларни бир-биридан ажратиб турадиган томонлар: цнинг шахсий тажрибаси, истеъдоди, нутк оанги ва хоказолар кузга ташоанади» (Л.И.Тимофеев). Г.Л. Абрамович фикрича, агар метод ёзувчининг хаёт хакидаги концепциялари булса, услуб унинг конкрет бадий ифодаси...

Бадий метод- тарихий- эстетик категория. У жамият тарихининг муайян боскичида шу даврнинг эстетик талаблари такозоси билан тугилиши, ривожланиши ва бошка шароитда уз урнини янги ижодий методга бушатиб бериши. Янги метод- янги мухит махсули. Ижодий методларнинг урин алмашиб туриши - адабиёт тараккиётининг объектив конуниятларидан бири эканлиги. Бадий адабиётда романтизм ва реализм ижодий методларининг кенг таркалгани ва узбек арслик тарихга эгалиги.

Романтизм ва унинг асосий ухусиятлари: а) романтизмнинг хаётни тарихий конкретлиги билан курсатишга нисбатан хаёт хакидаги концепцияларга таяниши афзал куриши; б) инсон рухиятининг

жушкинлиги ва шиддатини тасвирлашни севиши; в) афсона ва мифларга таяниши; г) воқеа-ходисалар ва қахрамонларни бошқа давр ва бошқа мамлакатларга кучириб курсатишга интилиши; д) ҳаётни кураринки руҳда, романтик ҳиссиётга, буюқларга бой ҳолатда курсатиши; е) субъектив факторларга асосланиши ... Узбек адабиётида романтизм ва унинг узок асрлик тараккиёти.

Реализм ва унинг асосий белгилари. Реализм-воқеликни ҳаққоний объектив ва уни «худди узига ухшатиб» ифодалаш эканлиги. «Одамлар ва уларнинг турмуш шароитини ҳаққоният билан буямай тасвирлаш реализм номи билан юритилиши» (М. Горький).

Адабиётшунослиқда «реализм» атамасининг кенг ва тор маъноларда кулланилиши. Реализм методининг асосий хусусиятлари. Узбек адабиёти тарихида реализм ва унинг тараккиёти. Бу борадаги мунозараларга муносабат.

Танкидий реализм методи ва унинг асосий белгилари. Узбек адабиёти тарихида танкидий реализм муаммоси...

Социалистик реализм методи ва унинг салбий оқибатлари. Миллий истиклол даври узбек адабиётининг ижодий методи - етух реализм методи эканлиги.

Адабий скимлар- адабий жараённинг муайян босқичида бир гуруҳ ёзувчиларнинг эстетик дастури муштараклиги эканлиги. Жаҳон адабиётинидаги машҳур адабий оқимлар: классицизм, сентиментализм, натурализм, модернизм оқимларини тавсифлаш.

Узбек адабиёти тарихидаги окимлар: дидактик адабиёт, тасаввуф адабиёти, дунёвий адабиёт, жадиализм адабиёти ва бошқалар хақида маълумот.

Услуб - адабий асардаги образли - экспрессив деталларнинг эстетик бирлиги, бадиий тасвир воситаларининг кулланилишида намоён буладиган ёзувчининг узига хослиги, узилиги. Ёзувчи услубининг индивидуаллиги. Ойбек ва Абдулла Каххор, Хамид Олимжон ва Уйгун, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Миртемир ва Асқад Мухтор...услубларининг қиёсий тахлили- ҳар бир ёзувчи услуби оригинал ва мутлақо узига хос булиши шартлиги.

Ижодий метод, адабий оқим ёзувчининг индивидуал услубини белгилаб бериши. Метод- умумийлик, услуб - конкретлилик. Ижодий методнинг умумий хусусиятлари ёзувчининг индивидуал услуби эркали воқеа булиши. Адабий жараёнда қанча ёзувчи иштирок этса, шунча индивидуал услуб борлигини қурсатиши. Айни чоқда, қўлаб ёзувчилар бир ижодий метод тамойилларига амал қилиши мумкинлиги...

Текшириш саволлари:

1. Ижодий метод нима?
2. Романтизми тавсифланг.
3. Реализм ва унинг асосий хусусиятлари.
4. Адабий оқимлар : классицизм, сентиментализм, натурализм, моддернизм.
5. Узбек адабиёти тарихидаги оқимлар: дидактик адабиёт, тасаввур адабиёти, жадиализм адабиёти, совет адабиёт.

6. Танкидий реализм.
7. Социалистик реализм методи ва унинг салбий окибатлари.
8. Истиклол ва етук реализм методи.
9. Услуб нима ?
10. Ёзувчи услубининг индивидуаллиги.
11. Ижодий метод ягоналиги ва услублар ранг-баранглиги. Ойбек ва А. Каххор, Хамид Олимжон ва Уйгун, Эркин Вохидов ва А. А.Орипов услубларининг узига хослиги.

Таянч тушунчалар:

Методда, энг аввало, ёзувчининг бошка , узига якин ёзувчилар билан муштарак жихатлари , услубда эса уларни бир- биридан ажратиб турадиган томонлар хисобга олинади.

Метод ёзувчининг хаёт хакидаги концепция булса, услуб унинг уокрет бадий ифодаси.

Ижодий методларнинг урин алмашиб туриши - адабиёт тараккиётининг объектив конунияти.

Миллий истиклол даври узбек адабиётининг ижодий методи - етук реализм методи.

Услуб - адабий асардаги образли - экспрессив деталларнинг эстетик бирлиги, бадий тасвир воситаларининг кулланилишида намоён буладиган ёзувчининг узига хослиги , узлиги.

Ёзувчи услубининг индивидуаллиги. Ойбек ва Абдулла Каххор, Хамид Олимжон ва Уйгун, Эркин Вохидов ва Абдулла Орипов , Миртемир ва Аскад Мухтор...

услугларининг киёсий тахлили хар бир услуги оригинал ва мутлако узига хос булиши шартлиги.

Ижодий метод, адабий оким ёзувчининг индивидуал услугини белгилаб бериши. Метод умумийлик, услуб ва конкретлик. Ижодий методнинг умумий хусусиятлари ёзувчининг индивидуал услуги оркали воқеа булиши. Адабий жараёнда канча ёзувчи иштирок этса, шунча индивидуал услуб борлигини курсатиши. Айни чоғда, куплаб ёзувчилар бир ижодий метод тамойилларига амал килиши мумкинлиги...

Текшириш саволлари.

- 1.Ижодий метод нима
- 2.Романтизмни тавсифланг
- 3.Реализм ва унинг асосий хусусиятлари
- 4.Адабий окимлар классицизм, сентиментализм, натурализм, модернизм.
5. Узбек адабиёти тарихидаги окимлар дидактик адабиёт, тасвувф адабиёти, жадид адабиёти, совет адабиёти.
6. Танкидий реализм.
- 7.Социалистик реализм методи ва унинг салбий оқибатлари.
- 8.Истиклол ва етук реализм методи.
- 9.Услуб нима
- 10.Ёзувчи услубининг индивидуаллиги.
- 11.Ижодий метод ягоналиги ва услублар ранг-баранглиги. Ойбек ва А. Каххор, Хамид Олимжон ва Уйгун, Э. Вохидов ва А. Орипов услубларининг узига хослиги.

Таянч тушунчалар.

Методда, энг аввало, ёзувчининг бошка, узига якин ёзувчилар билан муштарак жихатлари, услубда эса уларни бир биридан ажратиб турадиган томонлар хисобга олинади.

Метод ёзувчининг хаёт хакидаги концепцияси булса, услуб унинг конкрет бадиий ифодаси.

Ижодий методларнинг урин алмашиб туриши адабиёт тарккиётининг объектив конунияти

Миллий истиклол даври узбек адабиётининг ижодий методи етук реализм методи.

Услуб адабий асардаги образли-экспрессив деталларнинг эстетик бирлиги, бадиий тасвир воситаларинг кулланилишида намаён буладиган ёзувчининг узига хослиги, узлиги.